



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ
БАНКИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИНинг
2021 ЙИЛДАГИ
ФАОЛИЯТИ ТҮГРИСИДАГИ
ХИСОБОТ

Тошкент 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ СҮЗИ	6
I. 2021 ЙИЛДА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАКРОИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАР	10
1.1. 2021 йилда кузатилган ички иқтисодий шароитлар	10
1.1.1. Иқтисодиётдаги ички талаб омиллари ва меҳнат бозори.....	10
1.1.2. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш фаоллиги.....	14
1.2. Ташки иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши	21
1.2.1. Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари иқтисодиётидаги ўзгаришлар.....	23
1.2.2. Жаҳон хомашё бозоридаги ўзгаришлар ва тенденциялар	27
1.2.3. Глобал иқтисодиётнинг ривожланиш хатарлари ва кутилмалари.....	29
1.3. Инфляцион жараёнлар ва кутилмалар	33
1.4. Тўлов баланси, ҳалқаро инвестицион позиция ва ташки қарз кўрсаткичлари таҳлили.....	38
II. 2021 ЙИЛДА БАНК ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ	43
2.1. Банк тизимининг молиявий барқарорлиги таҳлили	43
2.1.1. Банк тизимининг активлари ва мажбуриятларидаги таркибий ўзгаришлар	48
2.1.2. Банк тизимидағи хатарлар ва уларнинг банклар молиявий барқарорлигига таъсири.....	54
2.1.3. Аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юки ҳолати.....	57
2.1.4. Давлат дастурлари доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳолати	60
2.2. Банк тизимидағи трансформация жараёнлари	66
2.3. Банк тизими инфратузилмаси.....	68
2.3.1. Фаолият юритаётган кредит ташкилотлари	68
2.3.2. Кредит ахборотининг давлат реестри ва Кредит бюроси фаолияти	68
2.3.3. Гаров реестри фаолияти.....	72
2.3.4. Аҳоли омонатларини кафолатлаш тизими	73
2.4. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятининг натижалари	75
2.5. Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш	81
2.5.1. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш	81
2.5.2. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш	83
2.5.3. Кредит ташкилотларида молиявий мониторингни мувофиқлаштириш ва валюта назорати	84

III. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ, ВАЛЮТА ВА КОММУНИКАЦИЯ СИЁСАТИ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ	87
3.1. Нархлар барқарорлигини таъминлаш	87
3.1.1. 2021 йилда шаклланган пул-кредит шароитлари	87
3.1.2. Пул-кредит сиёсати операцион механизмидаги ўзгаришлар	90
3.1.3. Банклараро пул бозори фаолияти таҳлили ва фоиз ставкалари.....	93
3.1.4. Ички валюта бозоридаги амалиётларга киритилган ўзгартиришлар	96
3.1.5. Пул-кредит сиёсати трансмиссион механизми самарадорлигини ошириш йўналишидаги чора-тадбирлар.....	98
3.2. Валюта сиёсати ва валюта бозоридаги операциялар таҳлили.....	100
3.2.1. Ташқи савдо операциялари бўйича маблағлар ҳаракати таҳлили	101
3.2.2. Ички валюта бозоридаги операциялар таҳлили	104
3.3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захираларини бошқариш борасидаги фаолият	112
3.3.1. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари динамикаси ва таркибининг таҳлили	113
3.3.2. Халқаро захираларнинг етарлилик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили.....	118
3.4. Инфляцион таргетлаш режимида коммуникация сиёсати ва уни такомиллаштириш йўллари	122
IV. МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТЎЛОВ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА ИННОВАЦИЯЛАР	125
4.1. Марказий банк тўлов тизимлари	125
4.2. Банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимларининг фаолияти.....	128
4.3. Тўлов хизматлари бозорида молиявий технологиялар ва инновацияларни қўллаб- куватлаш	130
4.4. Тўлов хизматлари бозоридаги рақобат муҳити	133
4.5. Тўлов тизимлари ва тижорат банклари ахборот тизимларида ахборот муҳофазаси ва киберхавфсизлик	136
V. ПУЛ МУОМАЛАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	138
5.1. Нақд пул айланмаси динамикаси ва ундаги таркибий ўзгаришлар	138
5.2. Муомаладаги нақд пуллар ва уларнинг таркибий ўзгариши.....	141
5.3. Банк карталари орқали амалга оширилган пул айланмалари.....	143
VI. МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ ВА БАНК ХИЗМАТЛАРИ ИСТЕЙМОЛЧИЛАРИНИНГ ХУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТ	146
6.1. Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш.....	146
6.2. Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш.....	148
6.3. Банк хизматлари истеъмолчиларининг хуқуқларини ҳимоя қилиш.....	152

6.4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш	156
VII. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ҲАМКОРЛИК	159
7.1. Халқаро молия институтлари ва хорижий марказий банклар билан ҳамкорлик	159
7.2. Халқаро рейтинг компаниялари, хорижий инвесторлар ва бошқа молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик	161
VIII. ТАШКИЛИЙ ВА ИЧКИ ФАОЛИЯТ	163
8.1. Ташкилий тузилма	163
8.2. Ходимлар билан ишлаш тизимини ривожлантириш.....	163
8.3. Банк мутахассисларини қайта тайёрлаш корпоратив маркази томонидан амалга оширилган ишлар.....	165
8.4. Пул-кредит ва молиявий статистикани такомиллаштириш	168
8.5. Марказий банкнинг таҳлилий ва тадқиқотлар базасини ривожлантириш.....	169
8.6. Кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини такомиллаштириш	172
8.7. Комплаенс-назорат ва ички аудит фаолияти.....	174
IX.ИЛОВАЛАР	176

КИРИШ СҮЗИ

2021 йилда Марказий банк фаолияти бир томондан, ташқи ва ички талабнинг сезиларли ошиши, ишлаб чиқариш фаоллигининг жадаллашиши иккинчи томондан, эса глобал таъминот занжиридаги узилишларнинг сақланиб қолиши ҳамда иқлим ўзгариши билан боғлиқ хатарлар кучайиши таъсирида инфляцион жараёнларнинг тезлашиши, пандемия даврида кредитлар бўйича берилган имтиёзли муддатларнинг тугаши натижасида банк тизимида кредит хатарларининг ортиши шароитларида олиб борилди.

Бунда, асосий эътибор, пул-кредит сиёсати инструментларини инфляцияни оралиқ прогноз кўрсаткичларига эришиш мақсадларига йўналтириш ҳамда банк тизимида хатарларни олдиндан аниқлаш ва уларни юмшатиш чораларини кўриб бориш орқали мамлакатда макроиктисодий ҳамда молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилди.

Ички ва ташқи иқтисодий шароитлар, иқтисодиёт субъектларининг инфляцион кутилмаларидан келиб чиқиб, инфляция даражасининг йил якунига қадар **10** фоизлик прогноз кўрсаткичига эришиш мақсадида Марказий банк асосий ставкаси ҳисобот йили давомида йиллик **14** фоиз даражасида ўзгартиришсиз сақлаб қолинди.

Ҳисобот йилида рағбатлантирувчи солик-бюджет сиёсатининг юритилиши ҳисобига банк тизимида умумий ликвидликнинг сезиларли ортиши кузатилиб, инфляцияга монетар омиллар таъсирини қисқартириш мақсадида **пул-кредит сиёсати инструментлари** такомиллаштириб борилди.

Хукумат операцияларининг умумий ликвидликка оширувчи таъсирини камайтириш доирасида **Марказий банк облигациялари** қолдиги лимити 5 трлн.сўмдан **15 трлн.** сўмгача ва депозит аукционлари ҳажми бўйича лимит 400 млрд.сўмдан **4 трлн.** сўмгача оширилди.

Пул бозори фоиз ставкаларини фоиз коридори доирасида бўлишини таъминлаш мақсадида Марказий банкнинг овернайт депозит операциялари бўйича белгиланган чекловлар бекор қилинди.

Банкларнинг пул бозоридаги иштирокини фаоллаштириш мақсадида Марказий банкнинг фоиз коридори ±2 фоиз бандгача кенгайтирилди. Натижада, пул бозорида жами 100,4 трлн. сўмлик ёки 2020 йилга нисбатан **1,9 баробарга** кўп операциялар амалга оширилди.

Мажбурий захиралаш меъёрларига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилиб, хорижий валютадаги депозитлар учун мажбурий захиралаш меъерининг 14 фоиздан **18** фоизгача оширилиши ликвидликни бошқаришнинг инструменти сифатида умумий ликвидликка ижобий таъсир кўрсатди.

Операцион механизмдаги зарурий үзгартеришлар ҳисобига пул бозорида фоиз ставкалари йиллик ўртача **13** фоизни ташкил этиб, белгиланган коридор оралиғида шаклланиши таъминланди.

Пул-кредит соҳасидаги ушбу чора-тадбирлар 2021 йил якунлари бўйича инфляция даражасини **10** фоиз доирасида, 2020 йил кўрсаткичига (11,1 фоиз) нисбатан **1,1** фоиз бандга паст шаклланишига олиб келди.

Инфляцион таргетлаш режимини самарали жорий этиш мақсади доирасида **ички валюта бозоридаги** амалиётларни бозор тамойилларига ўтказиш ва тижорат банкларининг валюта курсини аниқлашдаги ролини ошириш бўйича тизимли ўзгаришлар амалга ошириб борилмоқда.

2021 йилда валюта курсини аниқлашда мавжуд фиксация қилиш “fixing” усулидан давомли аукцион – “**matching**” усулига ўтилди.

Тижорат банкларининг мижозлар номидан банклараро валюта савдосида қатнашиш амалиётидан воз кечилди ва уларга ўз **очиқ валюта позициялари** доирасида чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш имкониятлари яратилди.

Ҳисобот йилида ҳам Марказий банк томонидан олтин-валюта захираларни бошқаришнинг “**нейтраллик**” принципи асосида амалга ошириш давом эттирилиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналардан 61,3 трлн. сўм (5,8 млрд. АҚШ доллар эквиваленти) миқдорида монетар олтин сотиб олинди ҳамда 3,2 млрд. АҚШ доллар (36,2 трлн.сўм) миқдорида интервенциялар амалга оширилди.

Бу эса, ўз навбатида миллий валюта алмашув курсининг фундаментал бозор омиллари таъсирида шаклланишига шароит яратди ва йил давомида валюта курсининг қадрсизланиши 3,4 фоизни ташкил этди.

Валюта интервенцияларининг сотиб олинган монетар олтин ҳажмидан **2,5** млрд. долларга кам бўлганлиги қўшимча валюта захираларни шакллантириш имконини берди ҳамда келгусида ушбу маблағлар ички валюта бозорида қўшимча таклиф манбаи бўлиб хизмат қиласади.

Ҳисобот йилида иқтисодиётнинг молиявий ресурс ва хизматларга бўлган талаби ва эҳтиёжларини реал ўсиш суръатлари доирасида қондириб бориш ҳамда банк тизимида молиявий барқарорликни таъминлаш Марказий банкнинг асосий дикқат эътиборида бўлди.

Хусусан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-куватлаш мақсадларига **166,7** трлн. сўм ёки 2020 йилга нисбатан **1,3** баробарга кўп кредитлар йўналтирилди.

Иқтисодиётга ажратилган кредитларнинг қайтувчанлик даражасининг ошиши ҳамда макропруденциал инструментларни фаол қўллаш натижасида иқтисодиётга ажратилган **кредит қўйилмалари қолдиги** (ЯИМ номинал ўсиши доирасида) **18,4** фоизга ошиб, 2022 йил 1 январь ҳолатига **331,9 трлн. сўмга** етди.

Пандемияни иқтисодиётга салбий таъсирини юмшатиш чора-тадбирлари доирасида 2021 йилда **фаолияти тўлиқ тикланмаган 14 647** та хўжалик субъектларининг **21,4** трлн. сўмлик (банк тизими кредит портфелининг 15 фоизи) потенциал муаммоли кредитларнинг қайтариш муддатлари такroran 3-6 ойга узайтирилди.

2021 йилда банк тизимида кредит хатарларининг ортишини олдини олиш ҳамда уларни банк тизими барқарорлигига салбий таъсирини камайтириш мақсадида фаол макропруденциал чоралар қўлланиб борилди.

Хусусан, кредит хатарларининг банк тизими молиявий барқарорлигига салбий таъсирини юмшатиш мақсадида банкларнинг 2021 йилдаги **3,2 трлн. сўмлик** даромадлари эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар шакллантиришга йўналтирилди.

2021 йил якуnlари бўйича банк тизимида регулятив капитал миқдори **70 трлн. сўмни** ва таваккалчиликка тортилган активлар **401 трлн. сўмни** ҳамда **капитал етарлилиги кўрсаткичи 17,5** фоизни ташкил этиб минимал талабдан (13 фоиз) юқори даражада сақланиб қолишига эришилди.

Кредитларни қарздорлар қирқимида ундириш ишлари самарадорлигини ошириш ва молиявий ресурсларни банк айланмасига қайтаришда “**Pre-collection**” (0), “**Soft-collection**” (1-30), “**Hard-collection**” (30+), “**Legal-collection**” (90+) каби замонавий усувлар жорий этилди.

Кредит портфели таркибидаги муаммоли кредитларнинг банклар молиявий барқарорлигига бўлган салбий таъсирини олдини олиш борасида банклар ва хукумат томонидан чора-тадбирлар кўриб борилди. Натижада, **муаммоли кредитлар улуши** 2021 йил якунида **5,2** фоизгача (16,9 трлн. сўм) пасайишига эришилди.

2020-2025 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”га асосан халқаро молия институтлари ҳамда консалтинг компаниялари билан ҳамкорликда давлат иштирокидаги банкларни трансформация қилиш ва хусусийлаштиришга тайёрлаш жараёнлари давом эттирилди.

Давлат улушига эга бўлган ҳар бир банк бўйича тасдиқланган трансформация “йўл харита”ларига асосан банклардаги бир-бирининг

вазифаларини такрорловчи таркибий бўлинмалар оптималлаштирилиб, банк ташкилий структурасида **чакана блок, кичик бизнес блоки, корпоратив блок, риск блоки** каби ихтисослашган таркибий бўлинмалар ташкил этилди.

Банкларда замонавий риск-менежмент тизимини жорий этишга қаратилган ишлар жадаллаштирилиб, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг кредит бўйича мурожаатларини қиска муддатда кўриб чиқишини таъминлашга йўналтирилган **андеррайтинг ва скоринг** тизимлари жорий этилди.

Банк хизматларидан фойдаланишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида мижозларга банк ва тўлов хизматларидан банк филиалларига ёки тўлов ташкилотларига бевосита ташриф буормасдан масофавий тарзда фойдаланиш имкониятини берувчи мижозларни **масофавий биометрик идентификация** қилиш тизими жорий этилди.

2021 йил сентябрь ойидан бошлаб мобил хизматларни кўрсатишда **рақамли идентификация қилиш механизми** (Face ID) амалиётга жорий этилиб, ушбу технологиядан **11 та** тижорат банки, **4 та** тўлов ташкилоти ва **4 та** маркетплейс фойдаланмоқда.

Аҳоли учун республика ва хорижий тўлов тизимлари инфратузилмасида ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкониятини берувчи 15 та тижорат банклари томонидан **652 мингдан** ортиқ **кобейджинг** банк карталари муомалага чиқарилди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламини ошириш ва мижозлар харидларини рағбатлантириш мақсадида мобил алоқа операторлари ва тўлов ташкилотлари билан ҳамкорликда банклар томонидан **ко-брэнд** карталарини муомалага чиқариш лойиҳалари бошланди.

Контактсиз тўлов хизматларини ривожлантириш доирасида жорий этилган Tap-to-phone тизими (терминалсиз) орқали тадбиркорлик субъектлари учун тўловларни қабул қилиш имкониятини берувчи хизматдан **380 та** тадбиркорлик субъекти фойдаланишни бошлади.

Тўлов хизматлари бозорида рақобат муҳитини кучайтириш мақсадида Марказий банк томонидан 1 та тўлов тизими оператори ва **15 та** тўлов ташкилотларига ўз фаолиятини амалга ошириш хукукини берувчи лицензиялар берилди.

Шунингдек, ҳисбот йилида Марказий банк томонидан банк хизматлари истеъмолчиларининг хукуqlарини ҳимоя қилиш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ҳамда молиявий оммабопликни ошириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

I. 2021 ЙИЛДА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАКРОИҚТЫСОДИЙ ШАРОИТЛАР

1.1. 2021 йилда кузатилган ички иқтисодий шароитлар

Ҳисобот йилида Ўзбекистондаги макроиқтисодий ҳолат жаҳон иқтисодиётининг ҳамда асосий савдо ҳамкорлар иқтисодиётининг тикланиши, ички ва ташқи инвестицион ҳамда ишлаб чиқариш фаоллигининг ошиши, рағбатлантирувчи фискал сиёсатнинг давом эттирилиши ҳамда нисбатан қатъий пул-кредит сиёсатининг юритилиши шароитларида шаклланди.

1.1.1. Иқтисодиётдаги ички талаб омиллари ва меҳнат бозори

Рағбатлантирувчи фискал сиёсат юритилиши, ишлаб чиқариш фаоллигининг тикланиши, аҳоли даромадларининг юқори суръатларда ўсиши, 2020 йилда амалга оширилиши кечикирилган инвестицион ва бошқа муҳим лойиҳаларнинг 2021 йилда давом эттирилиши натижасида **инвестицион ҳамда истеъмол талабининг тикланиши кузатилди**.

Хусусан, дастлабки маълумотларга кўра 2021 йилда жами давлат бюджети харажатлари **188,7 трлн. сўмни ташкил этиб**, 2020 йилга нисбатан 30,9 фоизга ўсади. Натижада, давлат бюджети харажатлари ЯИМга нисбатан 26,0 фоизни ташкил этди ҳамда умумий **фискал баланс** ЯИМга нисбатан **-4,4** фоиздан **-5,8** фоизгача ошди.

Ҳисобот йилида нисбатан қатъий пул-кредит шароитларининг сақланиб қолиши инфляциянинг оралиқ прогноз кўрсаткичлари доирасида шаклланишига ҳамда иқтисодий ўсиш орасидаги мувозанатни таъминлашга хизмат қилди. 2021 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг кредитга бўлган талабини қондириш ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-куватлаш мақсадларига жами **166,7 трлн. сўм** миқдорида ёки ўтган йилга нисбатан **1,3 баробарга** кўп кредитлар йўналтирилди.

Бунда, **жисмоний шахсларга** ажратилган кредитлар **41 трлн. сўмни ташкил этиб** **42** фоизга, **юридик шахсларга** ажратилган кредитлар **126 трлн. сўмни ташкил этиб** **27** фоизга ошди.

Иқтисодиётга ажратилган кредитларнинг қайтувчанлик даражасининг ошиши ҳамда макропруденциал инструментларни фаол қўллаш натижасида иқтисодиётга **ажратилган кредит қўйилмалари қолдиги** (ЯИМ номинал ўсиши доирасида) **18,4** фоизга ошиб, 2022 йил 1 январь ҳолатига **331,9 трлн. сўмга** етди.

2021 йилда коронавирус билан боғлиқ ҳолатнинг яхшиланиши ҳамда қатъий карантин чекловларининг киритилмаганлиги, иқтисодий кутилмаларнинг барқарорлашиши мамлакатда инвестицион фаолликнинг ошишига олиб келди. Хусусан, 2021 йилда жами асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми **244,9 трлн. сўмни** ташкил этиб, 2020 йилдаги **4,4** фоизлик пасайишдан сўнг реал ҳисобда **5,2** фоизга ўсади.

Мазкур ўсиш асосан, **марказлашмаган манбалар** ҳисобидан амалга оширилган инвестицияларнинг 2020 йилдаги 5,4 фоиздан **7,4** фоизгача тезлашганлиги ҳисобига таъминланди. Бунда, **аҳоли маблағлари** ҳисобидан амалга оширилган инвестициялар ўсишининг 2020 йилдаги 3,4 фоиздан **4,5** фоизгача, **тижорат банклари кредитларининг (-47,3)** фоиздан **10,9** фоизгача тезлашганлиги кузатилди.

Марказлашган манбалар таркибида ҳам таркибий ўзгаришлар кузатилиб, инвестиция мақсадларига йўналтирилган **бюджет маблағлари** ўсиш суръати **35,8** фоизни, тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ўсиши эса **11,9** фоизни ташкил этди.

1.1.1.1-жадвал

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича ўзгариши, млрд.сўмда

Молиялаштириш манбалари	2020 йил	2021 йил	Реал ўзгариши, %да	
			2020 йил	2021 йил
Жами инвестициялар	210 195,1	244 962,1	-4,4	5,2
Марказлашган инвестициялар	42 003,5	44 791,6	-30,4	-3,6
Бюджет маблағлари	14 316,2	21 498,2	-27,4	35,8
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	2 515,7	3 114,4	-66,4	11,9
Хукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар	23 221,8	17 318,2	-25,5	-32,6
Марказлашмаган инвестициялар	168 191,6	200 171,0	5,4	7,4
Корхоналарнинг ўз маблағлари	66 848,5	71 257,3	43,2	-3,6
Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	66 537,0	87 139,1	3,3	18,4
<i>шу жумладан,</i> <i>тўғридан-тўғри хорижий</i> <i>инвестициялар</i>				
	<i>29 682,0</i>	<i>30 149,2</i>	<i>-30,5</i>	<i>-8,2</i>
Аҳоли маблағлари	18 873,1	22 229,2	3,4	4,5
Тижорат банклари кредитлари	15933,0	19 545,4	-47,3	10,9

Манба: Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотлари

Ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан амалга оширилган инвестициялар ҳажмининг 32,2 фоизгача пасайиши, жами молиялаштириш манбалари таркибидаги улуши эса, 11,1 фоиздан 7 фоизгача камайиши кузатилди.

Шу билан бирга, ахолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар, хусусан, иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар миқдорининг 2021 йил давомида 2 марта 10 фоиздан оширилиши ҳамда ишсизлик даражасининг 10,5 фоиздан 9,6 фоизгача пасайганлиги ахоли даромадлари ўсишини қўллаб-қувватловчи асосий омиллардан бўлди.

Ахоли реал даромадларининг ўсиш суръатлари 2020 йилдаги 2,6 фоиздан **12,1** фоизгача тезлашиб, иқтисодиётда инвестицион ва истеъмол талабининг ошишига хизмат қилди. Ўз навбатида, ахоли умумий даромадларининг ЯИМдаги улуши 2020 йилдаги 66 фоиздан **70** фоизгача ошди.

Ахоли даромадлари таркибида энг юқори ўсиш суръатлари иш ҳақи кўринишидаги даромадларнинг **25,4** фоизга (2020 йилдаги ўсиш 14,1 фоиз), мол-мулқдан олинган даромадларнинг **27,2** фоизга, трансферлар, жумладан, нафақа кўринишидаги даромадларнинг **47,9** фоизга, хорижий пул ўтказмаларининг **35** фоизга (АҚШ доллари эквивалентида) ўсиши кузатилди.


2021 йилда иш ҳақи ўсишининг тезлашиши асосан, пандемия даврида энг юқори пасайиш кузатилган тармоқларда, жумладан, ташиш ва сақлаш (15 фоиздан 27 фоизгача тезлашиш), яшаш ва овқатланиш (5,2 фоиздан 30,8 фоизгача), таълим (7,4 фоиздан 16,8 фоизгача), санъат, кўнгил очиш ва дам олиш (10,5 фоиздан 21,3 фоизгача) тармоқларида кузатилди. Ушбу ҳолат, иқтисодий фаолликнинг тикланиши билан мазкур соҳаларда ишчи кучига талабнинг ошганлиги билан изоҳланиши мумкин.

Шу билан бирга, банд ахоли сони 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 300 минг нафарга ошди. Мазкур ошишнинг 58 фоизи савдо соҳасига, 31 фоизи саноат соҳасига, 8 фоизи ташиш ва сақлаш соҳасига тўғри келди.

Ахоли даромадлари ҳамда бандлик даражасининг ошиши, ўз навбатида, ички истеъмол талабини ифодаловчи чакана савдо кўрсаткичларида ўз аксини топди. Хусусан, чакана савдо ҳажми реал ўсишининг йил давомида тезлашиши кузатилиб, 2020 йилдаги 3,2 фоиздан 2021 йилда **12** фоизгача кўтарилиди.


1.1.1.1-чизма

**Чакана ва улгуржи савдо ҳажми
үзгариши, ўтган йилнинг мос даврига
нисбатан фоизда**



1.1.1.2-чизма

**Юк ташиш ва йўловчи ташиш
айланмаси үзгариши, ўтган йилнинг мос
даврига нисбатан фоизда**



Шу билан бирга, истеъмол талабининг ошиши мамлакатда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга хизмат қилди. Хусусан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг йил давомида чакана савдо ўсиш суръатларига мутаносиб равишда тезлашиб бориши кузатилди. Натижада, 2020 йилда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми реал ўсиши 3,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда **13,5** фоизга етди.


2021 йилда ички талабнинг ошиши ҳамда ишлаб чиқариш фаоллигининг жадаллашиши траспортда юк ташиш ва йўловчи ташиш айланмаси ўсиш суръатларида ҳам намоён бўлди. Хусусан, **юк ташиш айланмаси** 2020 йилдаги 7,9 фоизлик пасайишдан **10,0** фоизгача, **йўловчи ташиш айланмаси** эса 15,6 фоизлик пасайишдан сўнг **9,5** фоизгача ўсади.

Ички талабнинг ошиши фонида истеъмол ва инвестицион товарлар импорти ҳажмларининг ҳам ўтган йилга нисбатан ўсиши кузатилди. Хусусан, **истеъмол товарлари импорти** 2020 йилга нисбатан **27** фоизга, **инвестицион товарлар импорти** эса **9** фоизга ошди.

Истеъмол товарлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари ўсиши 2020 йилдаги 14,6 фоиздан **35,5** фоизгача, жумладан, ўсимлик ёғи 6,3 фоиздан **55,6** фоизгача, шакар (-8,8) фоиздан **41** фоизгача, ун ва ун маҳсулотлари 2,6 фоиздан **8,0** фоизгача тезлашди.


1.1.1.3-чизма

Истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзгариши, фоизда



1.1.1.4-чизма

Истеъмол ва инвестицион товарлар импорти ҳажми, млн.АҚШ доллары



Таъкидлаш жоизки, 2021 йилда истеъмол талабининг ошиши шароитида озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ўсиш суръатларининг тезлашиши ҳамда истеъмол товарлари импортининг кўпайиши, мамлакатда нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

1.1.2. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш фаоллиги


2021 йилда ишлаб чиқариш фаоллиги 2020 йилдаги пандемия оқибатида иқтисодий фаолликнинг пасайишидан сўнг, ялпи талабнинг тўлиқ тикланиб бориши ва ишлаб чиқаришнинг жадаллашуви шароитида шаклланди.

Ҳисобот йилида Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми **734,6 трлн. сўмни** ташкил қилиб, реал ўсиш суръати 2020 йилдаги 1,9 фоиздан **7,4** фоизгача ошиди.


Ишлаб чиқариш ҳажмларининг тикланишини юқори суръатлари, пандемия оқибатида энг кўп зарап кўрган саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кузатилди. Саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 2020 йилдаги 0,9 фоиздан **8,7** фоизгача, хизматлар соҳасида 0,7 фоиздан **9,2** фоизгача тезлашган.

Шунингдек, ҳисобот йилида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари 2020 йилдаги 2,9 фоиздан **4** фоизгача жадаллашган бўлса, қурилиш ишлари соҳасида 9,5 фоиздан **6,8** фоизгача секинлашган.

1.1.2.1-чизма

Иқтисодиёт тармоқларининг ЯИМ ўсишига қўшган ҳиссаси, фоизда

1.1.2.2-чизма

Иқтисодиёт тармоқларининг ўсиш суръатлари, фоизда

2021 йилда ЯИМнинг 7,4 фоизлик ўсишининг 3,3 фоиз банди **хизматлар соҳаси**, 2,2 фоиз банди **саноат соҳаси**, 1 фоиз банди **қишлоқ хўжалиги соҳаси** ҳамда 0,5 фоиз банди **курилиш ишлари соҳасининг ўсиши** ҳисобига эришилди.

1.1.2.1-жадвал

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар


Кўрсаткичлар	2020 йил	2021 йил
Ялпи ички маҳсулот (млрд. сўм)	602 193,0	734 587,7
ЯИМнинг реал ўсиши (фоизда)	1,9	7,4
ЯИМ дефлятори (фоизда)	11,6	13,6
Истеъмол нархлари индекси (олдинги йилнинг декабрь ойига нисбатан фоизда)	11,1	10,0
Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (млрд. сўм)	210 195,1	244 962,6
олдинги йилга нисбатан реал ўсиши (фоизда)	-4,4	5,2
Товар ва хизматлар экспорти (млн. АҚШ доллари)	15 102,3	16 610,6
олдинги йилга нисбатан реал ўсиши (фоизда)	-13,5	10,0
Товар ва хизматлар импорти (млн. АҚШ доллари)	21 153,8	25 461,0
олдинги йилга нисбатан реал ўсиши (фоизда)	-12,9	20,4
Ташки савдо сальдоси (млн. АҚШ доллари)	-6 051,5	-8 850,4

Манба: Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотлари

Саноат соҳасида ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари тармоқлар кесимида қаралганда тоғ-кон, қайта ишлаш саноатида ҳамда саноатнинг бошқа соҳаларида жадаллашиши кузатилди.


1.1.2.3-чизма

Саноатда ишлаб чиқаришнинг асосий соҳалар бўйича ўзгариши, фоизда



1.1.2.4-чизма

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши, фоизда




Тоғ-кон саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 10,7 фоизгача жадаллашиши (2020 йилда 22 фоизга камайган) асосан глобал иқтисодий фаолликнинг тикланиши шароитида жаҳон ҳамда ички бозорда табиий газга бўлган талабнинг ошиши билан изоҳланади. 2020 йилдаги сезиларли (17,8 фоизга) пасайишдан сўнг табиий газ қазиб олиш ҳажми **8,2** фоизга ошган.

Шу билан бирга, кўмир ишлаб чиқариш ҳажми **22,3** фоизгача жадаллашган бўлса, нефть ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари **2,9** фоизгача секинлашган.

2021 йилда қайта ишлаш саноати ўсиш суръатларининг ҳам бирмунча тезлашиши кузатилди. Тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсиши 2020 йилдаги 14 фоиздан 18,5 фоизгача, фармацевтика маҳсулотлари 18,9 фоиздан 48,9 фоизгача, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 5,9 фоиздан 6,4 фоизгача, металлургия саноати 7,7 фоиздан 8,1 фоизгача ошган бўлса, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари 7,6 фоиздан 6,2 фоизгача, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш 8 фоиздан 4,7 фоизгача ҳамда машина ва ускуналар ишлаб чиқариш 17,3 фоиздан 7 фоизгача секинлашган.

1.1.2.5-чизма

Қайта ишлаш саноатининг соҳалари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши, фоизда




Хисобот йилида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари бўлган ун ишлаб чиқариш ҳажмлари 6,9 фоизга, гўштни қайта ишлаш 45,1 фоизга ҳамда ўсимлик ёғи 13,3 фоизга қисқарган бўлса, шакар ишлаб чиқариш 3,2 баробарга, сутни қайта ишлаш 11,1 фоизга ошган.

2020 йилдаги пандемия чекловлари билан боғлиқ пасайишдан сўнг, хисобот йилида ялпи талабнинг тикланиши натижасида кўрсатилган **бозор хизматлари** ҳажми ўсиш суръатлари 2020 йилдаги 3 фоиздан 19,2 фоизгача жадаллашди. Бунда, барча хизмат кўрсатувчи соҳаларда юқори ўсиш суръатлари кузатилди.

1.1.2.6-чизма

Хизматлар соҳаларининг ўсиш суръатлари, фоизда



2020 йилда карантин чекловларининг кучайтирилиши шароитида аҳолининг асосан уйда қолиши, транспорт қатновларининг чекланиши ҳамда чегараларнинг ёпилиши натижасида транспорт, яшаш ва овқатланиш хизматлари, тиббий ва бошқа турдаги хизматлар ҳажмининг қисқариши кузатилган бўлса, 2021 йилда юқори ўсиш суръатлари қайд этилди.

Хусусан, транспорт хизматлари ҳажми 2020 йилга нисбатан 16 фоизга, яшаш ва овқатланиш хизматлари 18 фоизга, тиббий хизматлар 26,4 фоизга ҳамда бошқа турдаги хизматлар 18,9 фоизга ўсган.

Шунингдек, ҳисобот йилида алоқа ва ахборотлаштириш (21,8 фоиз), молиявий хизматлар (28,4 фоиз), таълим (28,7 фоиз) ҳамда савдо (12,7 фоиз) хизматлари соҳаларида жадал ўсиш суръатлари кузатилди.

Банк хизматлари сифати ва оммабоплигини ошириш бўйича олиб борилган ишлар, хусусан, барча банкларда масофавий банк технологияларининг, базавий банк хизматлари ҳамда замонавий тўлов хизматларининг кенг тадбиқ қилинганлиги банк хизматларидан фойдаланувчиларга кенг қулайлик ва имкониятларни яратиб, ҳисобот йилида **молиявий хизматлар** ҳажмининг юқори ўсишига хизмат қилди.

Сўнги йилларда ички истеъмол бозорини дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида **қишлоқ хўжалиги** соҳасини ривожлантириш, ер ислоҳотларини жадаллаштириш ва соҳага бозор механизмларини жорий қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Ҳисобот йилида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмлари 2020 йилга нисбатан **4** фоизга ўсган бўлиб, сўнги беш йилда энг юқори ўсиш суръатини қайд этган.

Дехқончилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиш суръати 2020 йилдаги 3,2 фоиздан 3,1 фоизгача секинлашган бўлсада, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг ўсиш суръати 2,1 фоиздан 4,1 фоизгача ошди.

Ҳисобот йилида дехқончилик маҳсулотлари таркибидаги полиз экинлари (6,9 фоиз), сабзавотлар (4,1 фоиз), картошка (4,7 фоиз) ҳамда узум (2,2 фоиз) етиштиришнинг ўсиш суръатлари жадаллашган бўлса, мевалар (1,4 фоиз) етиштириш бирмунча секинлашганлиги кузатилди. Шу билан бирга, 2021 йилда донли экинлар етиштириш ҳажмлари 1,2 фоизга қисқарганлиги қайд этилди (2020 йилда 2,7 фоизга ўсган).

1.1.2.7-чизма

Қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмларининг ўзгариши, фоизда



Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ўсиш суръатларининг қарийб икки баробарга ошиши гүшт етиштириш ҳажмларининг 4,8 фоизгача, сут ишлаб чиқариш 2,8 фоизгача, тухум етиштириш 3,5 фоизгача ҳамда балиқ етиштириш 20,7 фоизгача жадаллашганлиги билан изохланади.


Қурилиш ишлари соҳасыда ўсиш суръатининг секинлашиши йирик корхоналар томонидан бажарилған қурилиш ишлари ўсишининг 2020 йилдаги 25,7 фоиздан 7,3 фоизгача, кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан бажарилған қурилиш ишлари ўсишининг 4,8 фоиздан 4,7 фоизгача секинлашиши билан изохланади.

1.1.2.8-чизма

Қурилиш ишлари ҳажмининг бажарувчи субъектлар бўйича ўзгариши, фоизда



Қурилиш ишлари ҳажмининг бажарувчи субъектлар бўйича улуши, фоизда



Шу билан бирга, ҳисобот йилида норасмий сектор томонидан бажарылган қурилиш ишлари ўсиш суръати 2020 йилдаги 3,1 фоиздан 11,8 фоизгача жадаллашды.

Таркибий нүктаи назардан жами қурилиш ишлари ҳажмининг **52,5** фоизи кичик корхоналар ва микрофирмалар, **27,6** фоизи йирик корхоналар, **19,9** фоизи норасмий сектор томонидан бажарылган қурилиш ишлари ҳиссасига тұғри келди.

1.2. Ташқи иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши


2021 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти учун ташқи иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланишига, бир томондан, жаҳон иқтисодиёти ўсишининг тикланиши ҳамда жаҳон бозорида республикамизнинг асосий экспорт товарлари нархлари ошиши ижобий таъсир қилган бўлса, иккинчи томондан, коронавирус янги штаммларининг аниқланиши ва ноаниқликларнинг кучайиши ҳамда глобал таъминот занжиридаги узилишлар салбий таъсир кўрсатди.

Халқаро валюта жамғармасининг (XBЖ) 2022 йилнинг январь ойида эълон қилган ҳисоб-китобларига кўра, жаҳон иқтисодиёти 2020 йилдаги 3,1 фоизлик пасайишдан сўнг, 2021 йил якуни бўйича **5,9** фоизга ўсди. Бунда, **ривожланган** мамлакатлар иқтисодиётининг ўсиш суръатлари **5,0** фоизгача тикланган бўлса, **ривожланаётган** мамлакатларда **6,5** фоизлик ўсиш қайд этилган.

Жаҳон иқтисодиётининг ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасидаги иқтисодий фаолликни ўзида акс эттирувчи глобал PMI индексининг¹ 2020 йил апрель ойидаги карантин чекловларининг жорий этилиши натижасида кескин пасайишидан сўнг, 2021 йил давомида ижобий шаклланганлиги ҳам глобал иқтисодий фаолликнинг тикланганлигини акс эттирмоқда.

1.2.1-чизма

Глобал PMI индекси динамикаси



Манба: IHS Markit, Global Purchasing managers' index report.

¹ PMI (Purchasing Managers Index)

Шунингдек, 2020 йил якуни ва 2021 йил бошида дунё бўйлаб карантин чекловларининг кучайтирилиши натижасида глобал ишлаб чиқариш занжирида узилишлар кузатилиб, таъминотчилар томонидан хомашё ва товарлар етказиб бериш вақтининг ошиши кузатилди. Хусусан, PMI таркибидаги **таъминотчилар етказиб бериш вақти индекси** карантин чекловлари жорий этилган 2020 йил якуnidаги 41 дан **37,5** гача пасайди. Бу ўз навбатида, талабнинг тикланиши шароитида етказиб бериш занжиридаги узилишларнинг сақланиб қолаётганлиги билан изоҳланади.

1.2.2-чизма

Контеинерлар орқали юк ташишда асосий денгиз транзит йўналишлари нархлари индекси (SCFI), ҳафталик динамикаси




Глобал иқтисодий фаолликнинг ошиши ва таъминот занжиридаги узилишлар, ўз навбатида, халқаро юк ташиш тарифларининг кескин ошишига олиб келди. Хусусан, контеинерлар орқали юк ташишда асосий денгиз транзит йўналишлари нархларини акс эттирувчи SCFI² индекси 2021 йил давомида **72,7** фоизга ошган.

Жаҳонда ишлаб чиқариш фаоллигининг яхшиланиши кўплаб мамлакатларда энергия маҳсулотларига талабни оширди. Бунда, нефть маҳсулотларининг жаҳон бўйича кунлик истеъмоли 2020 йилнинг апрель ойидаги кескин пасайишидан сўнг, 2021 йил давомида нефть ишлаб чиқариш ҳажмларининг ҳамда нефть истеъмолининг ўсиб бориши кузатилди.

² SCFI – Shanghai Containerized Freight Index

1.2.3-чизма

Жаҳон бўйича ўртача кунлик нефть ишлаб чиқариш ва истеъмоли ҳажми ҳамда бир баррель нефть нархи



Манба: US Energy Information Administration

Хусусан, ўртача кунлик **нефть ишлаб чиқариш ҳажмининг** 2020 йилга нисбатан **1,7** фоизга ортиши шароитида, **нефт истеъмоли 5,5** фоизга ошиши кузатилди ҳамда 2021 йил давомида кунлик нефть истеъмоли қунлик нефть ишлаб чиқаришга нисбати ўртача **1,5** фоизга кўпроқ тарзда шаклланди.

1.2.1. Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари иқтисодиётидаги ўзгаришлар


2021 йилда Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларида иқтисодий ҳолат жаҳон иқтисодиёти ўсиш суръатининг жадаллашуви, таъминот занжиридаги узилишларнинг тикланиши, энергия манбалари нархларининг ошиши шароитларида шаклланди. Натижада, савдо ҳамкор мамлакатларида ижобий иқтисодий ўсиш ҳамда инфляцион жараёнларнинг тезлапиши кузатилди.

Хусусан, **Россияда ЯИМнинг** ўсиши 2020 йилдаги **-3,0** фоиздан **4,5** фоизгача, **Хитойда** **2,3** фоиздан **8,1** фоизгача, Қозогистонда **-2,6** фоиздан **3,7** фоизгача ҳамда **Туркияда** **1,8** фоиздан **11,0** фоизгача жадаллашди.

Россия иқтисодиётининг ўсиши жаҳон энергия бозорида нефть ва табиий газ нархининг сезиларли даражада ошиши, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ахоли қатламига даврий равишда нафақалар берилиши, 2020 йилда кечикирилган талабнинг (хорижга саёҳатлар, харидлар) 2021 йилда амалга оширилиши, бандлик даражасининг пандемиядан олдинги даражада тикланиши, инвестицион ва истеъмол талабининг ошиши каби омиллар хисобига шаклланди.

1.2.1.1-чизма

Асосий савдо ҳамкор давлатлардаги иқтисодий ўсиш суръатлари динамикаси, фоизда



Хитойнинг 8,1 фоизлик иқтисодий ўсиши **саноат тармоғининг** 9,6 фоизга, хизматлар шу жумладан, **мәхмөнхона ва умумий овқатланиш** хизматларининг 14,5 фоизга, **транспорт ва сақлаш** хизматларининг 12,1 фоизга, **улгуржи ва чакана** савдонинг 11,3 фоизга ошиши ҳисобига таъминланди.

2021 йилда ушбу соҳаларда кузатилган ижобий ўзгаришлар давлат томонидан хизматлар соҳасининг рағбатлантирилиши, олдинги даврларда хусусий сектор томонидан асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг ўз самарасини кўрсатиши ҳамда меҳнат унумдорлигининг ортиши билан изоҳланади.


Иқтисодий фаолликнинг пандемиядан олдинги даражасига қайтиши, асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг сезиларли ошиши ҳамда хомашё ва нефть нархларининг ўсиши **Қозоғистонда ЯИМ** ўсиш суръатини 2020 йилдаги -2,6 фоиздан 3,7 фоизгача тезлашишига хизмат қилди. Бунда, асосий капиталга инвестициялар ҳажми 7,3 фоизга, шундан **тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар** ҳажми **1,5 баробарга** ошди.

Түркія иқтисодиётида кузатилган тебранишлар, вакцинация жараёнларининг тезлашиши натижасида карантин чекловларининг юмшатилиши, ташқи талабнинг юқори ўсиши, юқори инфляция ва валюта курсларининг кескин тебраниши шароитида ҳам рағбатлантирувчи пул-кредит сиёсати юритилиши ҳисобига мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ижобий шаклланди.

Шу билан бирга, энергия манбалари нархларининг ошиши, транспорт ва логистика тизимидағи узилишларнинг қисман сақланиб қолиши ҳамда жаҳон бозорида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиши натижасида инфляция даражаси **Россияда** 2020 йилдаги 4,9 фоиздан **8,4** фоизгача, **Хитойда** 0,3 фоиздан **1,4** фоизгача, Қозоғистонда 7,5 фоиздан **8,4** фоизгача ҳамда Туркияда 14,6 фоиздан **36,1** фоизгача тезлашди.

1.2.1.2-чизма

Асосий савдо ҳамкор давлатлардаги йиллик инфляция даражаси, фоиздада



Юқоридаги макроиқтисодий шароитларнинг инфляцияга таъсирини минималлаштириш ҳамда инфляциянинг белгиланган таргет доирасида бўлишини таъминлаш мақсадида асосий савдо ҳамкор мамлакатларида пул-кредит сиёсатининг қаътийлаштирилиши кузатилди.

Хусусан, инфляциянинг 4 фоизлик таргетига эришиш мақсадида **Россия** Марказий банки томонидан асосий ставка йил бошидаги 4,25 фоиздан **8,5** фоизгача босқичма-босқич 7 марта оширилди.

Қозоғистон Марказий банки инфляция даражасини 4-6 фоизлик таргет оралиғида бўлишини таъминлаш мақсадида пул-кредит сиёсатининг қатъий фазасига ўтиб, асосий ставкани йил бошидаги 9 фоиздан **9,75** фоизгача босқичма-босқич 3 маротаба ошириш бўйича қарор қабул қилди.

Шу билан бирга, **Туркияда** арzon пуллар ҳисобига иқтисодий ўсишни ва инвестицияларни рағбатлантириш ғоясини амалга ошириш мақсадларида Туркия Марказий банки сентябрь ойидан пул-кредит сиёсатининг юмшоқ фазасига ўтиб, асосий ставкани 4 босқичда 19 фоиздан **14** фоизгача пасайтирди.

Бу эса, ўз навбатида, юқори иқтисодий ўсишни таъминлаши билан бирга инфляция даражасининг 2020 йилдаги 14,6 фоиздан **36,1** фоизгача ошишига (инфляцион таргет 5 фоиз) ва валюта алмашув курсининг **76,9** фоизга қадрсизланишига олиб келди.


Хитойда инфляция даражасининг таргет кўрсаткичидан (3 фоиз) паст шаклланганлиги ҳамда инвестицион фаолликни қўллаб-кувватлаш мақсадида бир йиллик асосий ставка декабрь ойида 3,85 фоиздан **3,80** фоизгача пасайтирилди. Беш йиллик асосий ставка эса 4,65 фоиз даражасида сақланиб қолинди.

Асосий савдо ҳамкор мамлакатларда иқтисодий фаолликнинг тикланиши натижасида бюджет даромадларининг ошиши, коронакризис билан боғлиқ харажатларнинг камайиши ҳамда инфляцион жараёнларнинг тезлашиши шароитида умумий фискал дефицитнинг сезиларли даражада қисқариши кузатилди.

Хусусан, Россияда умумий фискал дефицит кўрсаткичи (ЯИМга нисбатан) ўтган йилдаги 4,0 фоиздан **0,56** фоизгача, Қозогистонда 7,0 фоиздан **3,0** фоизгача, Хитойда 11,2 фоиздан **7,5** фоизгача ҳамда Туркияда 5,3 фоиздан **4,9** фоизгача камайди.

1.2.1.3-чизма

Реал самарали алмашув курси (РСАК) индексининг ўзгариши ва унинг декомпозицияси, фоизда



2021 йилда асосий савдо ҳамкор давлатларда миллий валюта курслари турлича шаклланди. Хусусан, Россия рублиниң АҚШ долларига нисбатан қиймати **0,6** фоизга, Қозоқ тенгеси **2,6** фоизга, Турк лираси **76,9** фоизга қадрсизланган бўлса, Хитой юани **2,3** фоизга мустаҳкамланган.

Ўз навбатида, асосий савдо ҳамкор давлатлар миллий валюталари заифлашиши ҳамда Ўзбекистондаги инфляциянинг ҳамкорлардаги инфляция даражасидан юқорироқ шаклланиши фонида сўмнинг реал самарали алмашув курсида 2021 йилда мустаҳкамланиш кузатилди.

2021 йилда асосий савдо ҳамкор давлатларида иқтисодий фаолликнинг тикланиши, мамлакатлараро чегара постларида чекловларнинг юмшатилиши натижасида, Ўзбекистоннинг товар ва хизматлар экспортига талаб ошиб борди. Товар ва хизматлар экспорти ҳажми 2020 йилдаги 15,1 млрд. АҚШ долларидан **16,6** млрд. АҚШ долларига ёки 10,0 фоизга ҳамда олтин ҳисобга олмагандаги товар ва хизматлар экспорти қарийб **35** фоизга ўсиб, 2019 йил даражасида қайта тикланди.

Товар ва хизматлар экспорти таркибида юқори ўсиш суръатлари кимё маҳсулотлари, тўқимачилик маҳсулотлари, машина ва асбоб-ускуналар (1,5 баробар), хизматлар экспортида (1,3 баробар) кузатилди.

1.2.2. Жаҳон хомашё бозоридаги ўзгаришлар ва тенденциялар


2021 йилда жаҳон иқтисодиётида ялпи талабнинг тикланиши, ишлаб чиқариш фаоллигини ортиши шароитида таъминот занжиридаги узилишларнинг ҳамда коронавирус билан боғлиқ ноаниқликларнинг сақланиб қолиши натижасида жаҳон бозорида асосий хомашё товарлари нархларининг ўсиши кузатилди.

Хусусан, Жаҳон банки маълумотларига кўра, энергия манбалари нархи индекси 2021 йилда 2020 йилга нисбатан **79,1** фоизга ошди. 2020 йилда нефть соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг кескин камайиши шароитида ва глобал иқтисодий фаолликнинг қайта тикланиши натижасида 2021 йилда 1 баррел **нефть нархи** ўртacha **69,1** долларни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан **67,4** фоизга ўсади.

2021 йилда глобал қурғоқчиликнинг кучайиши ва шамол тезлигининг паст даражада кузатилганлиги қайта тикланувчи энергия манбалари орқали электр энергиясини ишлаб чиқариш имкониятларини камайтирди. Бу эса электр энергиясини ишлаб чиқаришда муқобил хомашё сифатида фойдаланиладиган табиий газга бўлган талабни кескин оширди. Натижада, 2021 йилда **табиий газ** нархининг ўтган йилга нисбатан **91,2** фоизга ўсиши кузатилди.

1.2.2.1-чизма

**2000-2021 йилларда жағон бозорида хомашё нархлари индекси
(2010 йил базавий йил)**



Энергия манбалари: Нефть ва табиий газ

Кимматли қоғозлар бозоридаги нархларнинг пасайиши ҳамда криптовалюта бозорида янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиши 2021 йилнинг І чорагида муқобил инвестицион актив ҳисобланган қимматбаҳо металлар нархларига салбий таъсир кўрсатган бўлсада, коронавируснинг янги штаммларининг тарқалиши, вирусга қарши самарали вакциналар ишлаб чиқариш ва вакцинация жараёни билан боғлиқ ноаниқликларнинг сақланиб қолиши шароитида қимматбаҳо ва рангли металларнинг йиллик ўртача нархларида юқори ўсиш кузатилди.

1.2.2.2-чизма

2019-2021 йилларда жағон бозорида олтин ва кумуш нархларининг ўзгариши, АҚШ доллары/трома унцияси



Хусусан, 1 троя унция **олтиннинг** ўртача йиллик нархи 2020 йилдаги 1 770,3 АҚШ долларидан 2021 йилда **1 799,6 АҚШ** долларигача, 1 троя унция **кумушнинг** ўртача йиллик нархи эса, 2020 йилга нисбатан 22,5 фоизга ошиб, **25,2 АҚШ** долларини ташкил этди.

2021 йилнинг май ойида **бир тонна мис** нархи 10 162 АҚШ долларидан ошиб, тарихий максимум қиймати қайд этилди. Бунда, бир тонна миснинг 2021 йилдаги ўртача нархи 2020 йилга нисбатан **1,5 баробарга** ошиб, **9 317,1 АҚШ** долларини ташкил этди.

2021 йилда кузатилган иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар, энергия манбалари нархининг ўсиши натижасида минерал ўғитлар нархининг қимматлашиши каби омиллар **қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари** нархининг ошишига олиб келди.

Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, **озик-овқат маҳсулотлари** нархи индекси 2021 йилда 2020 йилга қараганда **27,7** фоизга, жумладан, **ўсимлик ёғи маҳсулотлари** индекси **39,3** фоизга, **дуккакли маҳсулотлар** индекси **24,1** фоизга ошганлиги қайд этилди.

Шунингдек, **пахта толасининг** глобал хомашё бозоридаги ўртача йиллик нархи 2021 йилда ўтган йилга нисбатан **40,7** фоизга ошиб, 1 кг пахта толаси нархи **2,23 АҚШ** долларига етди.

1.2.3. Глобал иқтисодиётнинг ривожланиш хатарлари ва кутилмалари

2022 йилда юзага келган геосиёсий зиддиятлар натижасида асосий савдо ҳамкорларимиз иқтисодиётига киритилаётган санкциялар ҳамда халқаро савдо ва молия бозорларидаги ўзаро чекловларнинг вужудга келиши транспорт ва логистика соҳасидаги ҳолатни кескинлашувига ҳамда глобал инфляцион босимнинг кучайишига олиб келиши мумкин.

Хусусан, Жаҳон банкининг январь ойи прогнозларига кўра, жаҳон таъминот занжири билан боғлиқ хатарлар **жорий йилнинг биринчи ярмигача** сақланиб қолиниши таъкидланган бўлса, 2022 йилнинг февраль ойида Россия-Украина ўртасида геосиёсий вазиятнинг кескинлашиши **транспорт-лоғистика ҳамда етказиб бериш занжирида** муаммоларнинг янада кучайишига олиб келиши кутилмоқда.

*Халқаро валюта жамгармаси (XBЖ) ҳисоб-китобларига кўра, 2021 йилда таъминот занжиринидағи узилишилар глобал ЯИМ ўсишини **0,5-1,0** фоиз бандга камайишига ҳамда базавий инфляциянинг **1,0** фоиз бандга ўсишига олиб келган.*

Жаҳон таъминот занжиридаги узилишлар

Covid Zero сиёсати доирасида Хитой ҳукуматининг карантин чораларини кучайтириши порт қувватлари тақчиллигини келтириб чиқарип, ҳозиргача таъминот занжирларининг қайта тикланишига тўсқинлик қилмоқда.

Хусусан, 2021 йил 11 августда дунёнинг учинчи йирик порти – Хитойнинг Нинбо-Чжоушань порти карантинга ёпилиши, контейнерлар етишмовчилиги, Вьетнамда корхоналарнинг ёпилиши ва Сувайш каналининг вақтинча тўсилиб қолиши таъминот занжирларида узилишларни ва хизмат нархининг ошишига олиб келди.

Натижада, 2021 йилда 40 фунтлик контейнерни «Шарқ-Фарб» 8 та асосий йўналиш бўйича етказиб бериш хизмати 2021 йилга нисбатан **360** фоизга **қимматлашиб, 9 613 АҚШ** долларига етди, кемаларнинг манзилга вақтида етиб бориш кўрсаткичи 2 баробарга пасайди.

Ташиб бозоридаги ҳолатга ер усти транспорти фаолиятига қўйилган худудий чекловлар (чегаралар ёпилгани), товарларга бўлган талабнинг ўсиши, юк автомобиллари ҳайдовчиларининг етишмовчилиги ҳам таъсир кўрсатди.

Кишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг (IFAD) маълумотларига кўра, жаҳон озиқ-овқат экспортининг 12 фоизи Қора денгиз портлари орқали амалга оширилади. Ҳозирги пайтда нотинч вазият туфайли Қора денгиз **портларида юкни суғурталаш нархларининг қимматлашиши** озиқ-овқат нархларини оширувчи омиллардан бўлмоқда.

Украинадаги вазиятнинг ноаниқ сақланиб қолиши, инфратузилманинг ишдан чиқиши фонида, 2022 йилда мамлакатда **бошоқли донлар ва кунгабоқар** етиштириш ҳажми **20-30** фоизга қисқариши мумкинлиги баҳоланмоқда.

2022 йилда иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавотирлар ҳам сақланиб қолаётган бўлиб, об-хаво шароитларнинг нобарқарор шаклланиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ҳамда ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатиб, озиқ-овқат нархларининг ўсиши бўйича кутилмаларнинг ортишига олиб келмоқда.

Юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) томонидан амалга оширилган дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 2022 йилда озиқ-овқат нархлари март ойидага шаклланган кўрсаткичга нисбатан **22** фоизгача ошиши прогноз қилинмоқда.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотининг (ИХТТ) янгиланган прогнозларарига кўра, 2022 йилда **глобал инфляция даражаси** дастлабки прогнозга нисбатан **2,5** фоиз бандга ошиб, **6,7** фоизгача етиши кутилмоқда.

Ушбу омиллар таъсирида глобал иқтисодиётда юқори инфляцион босимнинг сақланиб қолаётганлиги натижасида йирик иқтисодиётлар

Марказий банклари томонидан пул-кредит шароитларини қатъийлаштиришни бошлади.

Хусусан, **ривожланган давлатларда** асосий фоиз ставкаси ўртача **1** фоиз бандга, **ривожланаётган мамлакатларда** эса **1,5** фоиз бандга күтарилди. Бунда, АҚШ Федерал захира тизими 2022 йил март ойида фоиз ставкасини **0,25** фоиз бандга оширди.

Бу ўз навбатида, ривожланаётган давлатлар ўртасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича рақобатнинг кучайишига олиб келиши мумкин.

Жорий йилнинг январь ойида ХВЖ томонидан амалга оширилган прогнозлар жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръати 2022 йилда **4,4** фоиз, 2023 йилда эса **3,8** фоиз доирасида шаклланиши қайд этилган.

Халқаро валюта жамғармаси ўзининг 2022 йил 15 мартдаги баёнотида юзага келган глобал хатарларни инобатга олган ҳолда апрел ойидаги ўзининг **прогнозларини пасаювчи томонга** қайта кўриб чиқишини эълон қилди.

Fitch ratings эса 2022 йил март ойида жаҳон иқтисодиётнинг ўсиши бўйича прогнозларини **0,7** фоиз бандга пасайтириб 3,5 фоиз бўлишини маълум қилган. Бунда, Епропада иқтисодий ўсиш аввал прогноз қилинганидан **1,5** фоиз бандга пасайиб, 3,0 фоизни, АҚШда эса **0,2** фоиз бандга пасайиб 3,5 фоизни ташкил этиши баҳоланганд.

Шунингдек, ИХТТнинг янгиланган прогнозларида 2022 йилда жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръати қарийб **1,1** фоиз бандга пасайиб **3,5** фоизни ташкил этиши қайд этилмоқда.

АҚШ ҳамда Европа мамлакатлари томонидан **Россияга нисбатан** санкцияларнинг киритилиши фонида 2022 йилда Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларида ҳам иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашиши тахмин қилинмоқда.

Хусусан, Россия Марказий банки томонидан март ойида ўтказилган экспертилик сўров натижаларига кўра, 2022 йилда мамлакатда **ЯИМнинг 8** фоизгача қисқариши, инфляциянинг **20** фоизгача тезлашиши прогноз қилинмоқда. 2023 йилда эса ЯИМ қисқариши 1 фоизни, инфляция даражаси 14,3 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Туркияда янги иқтисодий модель ортидан бошланган макроиқтиодий нобарқарорлик, яъни инфляциянинг кескин ўсиши ҳамда миллий валютанинг қадрсизланиши фонида 2022 йилда мамлакат иқтисодий ўсиши **3,3** фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Туркияning янги иқтисодий модели ва макроиқтисодий нобарқарорлик

Туркия хукумати томонидан **янги иқтисодий модель** эълон қилинганидан сўнг, турк лираси кескин қадрсизланишни бошлади (76,9 фоизга), йиллик инфляция эса **36** фоиздан ошди. Минимал иш ҳаки даражаси бир йил ичида **33,5** фоиздан кўпроққа ўсади.

Мазкур лойиҳа доирасида фоиз ставкалари тушириш орқали хорижий инвесторларни жалб қилиш ҳамда мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажми ўсишини рағбатлантириш кўзда тутилган. 2021 йилда Туркияда кузатилган макроиқтисодий нобарқарорлик жорий йилнинг июнь-июль ойларига келиб барқарорланиши тахмин қилинмоқда.

2022 йилда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида экспорт билан шуғулланувчи компанияларга тўғридан-тўғри Марказий банк орқали **форвард курсларда валюта тақдим этилиши**, депозит бўйича даромад жорий доллар курсидан паст бўлган тақдирда ахолига **компенсанция тўланиши** ҳам кўзда тутилган.

Хитой иқтисодиёти учун 2022 йилда истеъмол харажатларининг пасайиши, таъминот занжиридаги узилишлар, кўчмас мулк бозоридаги инқироз каби салбий ҳолатлар асосий хатарлардан бўлиши тахмин қилинмоқда. Ушбу салбий ҳолатларни инобатга олган ҳолда Халқаро валюта жамғармаси Хитой иқтисодиётининг 2022 йилда 4,8 фоизга, 2023 йилда эса 5,2 фоизга ўсишини прогноз қилмоқда.

Хитой қўчмас мулк бозори инқирози

2021 йилнинг тўртинчи IV чорагида **Хитой қўчмас мулк бозорида** вазият кескинлашди. Хукумат томонидан курилиш соҳасида назоратнинг қучайтирилиши баъзи йирик курилиш компаниялари ва девелоперларни инқироз ёқасига олиб келди. Мамлакат ахолиси учун кўчмас мулк асосий жамғариш воситаси бўлганлиги сабабли, бундай ўзгаришлар жорий йилда **истеъмолнинг қисқаришига ва иқтисодий фаолликнинг пасайишига** олиб келиши мумкинлиги айтилмоқда.

Иқтисодий ўсишнинг секинлашиши импорт қилинадиган хомашё ва товарларга бўлган талабни қисқаришига ҳамда инвесторлар фаоллигининг пасайишига олиб келиши, бу эса **юанга ва ривожланаётган мамлакатлар валюталарига босимни юзага келтириши мумкин**.

Қозогистонда 2022 йилда макроиқтисодий ҳолат нефть нархининг ўсиши ҳамда йил бошида юзага келган ижтимоий танглиқ натижасида давлат харажатларининг кўпайиши (ижтимоий трансферларнинг ва иш ҳаки даражасининг оширилиши) шароитларида шаклланиб, иқтисодий ўшиш 3,8 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда.


1.3. Инфляцион жараёнлар ва кутилмалар

2021 йилда Ўзбекистон иқтисодиётида инфляция даражаси коронавирус пандемияси давом этиётганинига, озиқ-овқат ва ёқилғи маҳсулотлари жаҳон нархларининг ўтган йилларга нисбатан юқори даражада шакллангани, транспорт ва юк ташиш ҳамда хомашё етказиб беришдаги узилишлар, шунингдек, иқтисодиётни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш борасидаги фискал харажатларнинг юқорилиги шароитларида шаклланди.

Йил давомида истеъмол нархлари индекси (ИИИ) бўйича ҳисобланган инфляция даражаси пасаювчи тенденцияга эга бўлди ва йил якуни бўйича **10** фоизни ташкил этиб, белгиланган таргет кўрсаткичи доирасида шаклланди. Бунда, ЯИМ дефлятори 2021 йил якуни бўйича **13,6** фоизгача (2020 йилда 11,9 фоиз), ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси эса **12,9** фоизгача (2020 йилда 7,1 фоиз) ошди.

1.3.1-чизма

Инфляция кўрсаткичлари динамикаси, ўтган йилнинг мос ойига нисбатан, фоизда



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Шу ўринда, ЯИМ дефлятори ва ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг умумий инфляциядан юқори шаклланганлиги асосан, жаҳондаги ёқилғи ва хомашё нархларининг сезиларли қимматлашганлиги ҳамда етказиб беришдаги узалишлар таъсирида товар ва хизматлар ишлаб чиқариш харажатларининг ўтган даврларга нисбатан сезиларли ошгани билан изоҳланади.


2021 йилнинг I ярим йилликда шаклланган инфляция кўрсаткичининг пасаювчи тенденцияси, маҳаллий бозорларда асосий истеъмол товарларининг

таклиф ҳажми етарли даражада бўлгани, карантин чекловлари сақланиб қолиниши шароитида талабнинг нисбатан барқарорлашуви, шунингдек, миллий валюта курсининг нисбатан барқарорлиги билан изоҳланади.

2021 йилнинг II ярим йиллиги дастлабки ойларида аҳолининг истеъмол талаби ошиб бориши, озуқа-ем маҳсулотлари қимматлашиши шароитида гўшт маҳсулотлари нархларига оширувчи таъсири, шу билан бирга, мева ва сабзавотлар нархлари мавсумий пасайишининг кутилганидан кўра секинроқ юз берганлиги умумий инфляцияга оширувчи босимни вужудга келтирди.

1.3.2-чизма

Умумий инфляция ва базавий инфляция динамикаси, ўтган йилнинг мос ойига нисбатан, фоизда



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2021 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўсиши умумий инфляция даражасидан юқори шаклланиб, йил якуни бўйича **13,0** фоизни ташкил этди. Бунда, ушбу компонентнинг умумий инфляцияга оширувчи ҳиссаси **5,5** фоиз бандга teng бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида умумий инфляциянинг юқори бўлишига кўпроқ, мол ва парранда гўшти, ўсимлик ёғлари, шакар нархининг сезиларли ошиши сабаб бўлган бўлса, буғдой уни, гуруч ва цитрус мевалари нархи ўсишининг секинлашганлиги пасайтирувчи омиллардан бўлди.

Йил давомида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ошишида мева ва сабзавотлар нархларининг ўтган йилларга нисбатан юқорироқ суръатларда ошиши асосий омиллардан бири бўлди.

Хусусан, йиллик ҳисобда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ўсиши **13** фоизни ташкил этган бўлса, мева-сабзавотларни инобатга олмасдан ҳисобланган озиқ-овқат нархлари ўртача **11,6** фоизга (1,4 фоиз бандга пастрок) қимматлашган.

Мева ва сабзавотлар нархларидаги юқори ўсишни ички чекланган таклиф шароитида ташқи талабнинг юқорилиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.


2021 йилда иқлим ўзгариши таъсирларининг кўпроқ намоён бўлиши, хусусан, ҳамкор давлатларда қурғоқчилик ҳолатларининг кўпайиши фонида ғалла ҳосилининг прогнозга нисбатан камайгани кузатилди.

Шунингдек, ушбу давлатларда дон ва ўсимлик ёғи маҳсулотлари экспортига киритилган божлар ва чекловлар йил давомида ушбу товарлар нархларига оширувчи таъсир кўрсатиб келди.

Шакарни асосий экспорт қилувчи давлат Бразилияда кузатилган ноқулай иқлим шароитлари ишлаб чиқариш ҳажмларига салбий таъсир кўрсатган бўлса, 2021 йилнинг II ярим йиллигидан жаҳонда ёқилғи маҳсулотлари нархининг қимматлашиб бориши, шакарга талаб томондан (ёқилғи маҳсулотига алтернатив ҳисобланган этанолни ишлаб чиқаришда шакар хомашёсидан фойдаланиш ҳисобига) босимни кучайтириб борди.

1.3.3-чизма

ИНИ асосий таркибий қисмлари динамикаси, ўтган йилнинг мос ойига нисбатан, фоизда



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Шунингдек, озуқа-ем захираларининг камайиши ва таклифининг қисқариши билан асосий озуқа-ем маҳсулотлари (арпа, буғдой ва бошқалар) нархларининг қимматлашиши ички бозорда гўшт ва сут маҳсулотлари нархларига сезиларли оширувчи босим вужудга келтириди.

2021 йилда ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг йиллик ўсиш суръати пасаювчи траекторияда шаклланган бўлиб, 2020 йилнинг мос даврига (8,8 фоиз) нисбатан 1,0 фоиз бандга секинлашди ва йиллик **7,8** фоизни ташкил этди.

II ярим йилликда жағон ёқилғи бозорида нархларнинг кескин қимматлашиши (Брент маркали нефть нархининг йиллик ўртача ўсиши 48,3 фоиз) ички бозордаги бензин нархига оширувчи таъсир күрсатиб, йиллик **58,1** фоизга қимматлашишига олиб келди. Пропан нархида ўсиш күрсаткичи **14,9** фоизга тенг бўлса, аксинча, метан нархининг йиллик қимматлашиши **3,6** фоизгача секинлашиши қайд этилди.

Жағонда юк-ташиш харажатларининг ошиши ва импорт қилинган маҳсулотларни кечикиб етиб келиш ҳолатлари, шунингдек, ярим ўтказгичларнинг етишмаслиги шароитида айrim турдаги ноозиқ-овқат нархлари, хусусан, йирик электр жиҳозлари **9,6** фоизга, кийим ва пойабзаллар **5,5** фоизга қимматлашди.

Қурилиш молларидан цемент нархида йиллик ўртача **6,4** фоизлик пасайишни асосан, маҳсулотнинг импорт географияси кенгайғанлиги ва божхона бўйича имтиёзлар ҳисобига ички бозорда таклиф ҳажми етарли даражада шаклланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бироқ, етказиб беришдаги узилишлар сабабли ёғоч маҳсулотлари нархлари ўсиши юқори даражада, хусусан, юпқа ва энсиз узун тахталар (рейкалар) - **15,4** фоизга, фанер ва ёғоч-қириндили плиталар (ДСП) товарлари эса **11,7** фоизга қимматлашган.

Ҳисобот йилида истеъмол нархлари индекси саватининг хизматлар гурухи инфляцияси **7,8** фоизни (2020 йилда 7,1 фоиз) ташкил этиб, йил давомида ўзгарувчан динамикага эга бўлди.

Хусусан, 2021 йилнинг январь ойида хизматлар инфляцияси йиллик **8,2** фоизгача тезлашган бўлиб, бунда, совук сув тарифларини оширилиши таъсирида вужудга келди. Шунингдек, февраль ва сентябрь ойида ойлик иш ҳақининг оширилиши айrim хизмат турлари нархларига, шунингдек давлат таълим муассасаларининг контракт суммалари ошишига (11,1 фоизга) сабаб бўлди.

Инфляцион кутилмалар


Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмаларида 2021 йил давомида пасаювчи динамика қайд этилди. 2021 йил I чорагида тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари аҳолининг кутилмаларидан юқори шаклланган бўлсада, II чоракдан бошлаб аҳолининг инфляцион кутилмалари иқтисодиёт субъектларининг инфляцион кутилмаларидан юқори шаклланиб келмоқда.

Асосий истеъмол товарлари нархларининг умумий инфляцияга нисбатан юқорироқ ўсиши, 2021 йилда ҳам пандемия билан боғлиқ чекловларнинг кучайтирилиши ҳамда иш ҳақи ва нафақаларнинг февраль ва

сентябрь ойларида оширилиши инфляцион кутилмаларнинг нисбатан юқори сақланиб қолишига сабаб бўлди.

1.3.4-чизма

Инфляцион кутилмалар динамикаси, йиллик ўзгариши, фоизда



Манба: Марказий банк маълумотлари

Ҳисобот йилининг IV чораги давомида кузатилган ёқилғи маҳсулотлари нархларининг ўсиши, шунингдек, жаҳонда кузатилган юқори инфляция кўрсаткичлари ва унинг ички нархларга оширувчи таъсирлари натижасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари бироз юқорилади.

2021 йил якунлари бўйича аҳолининг инфляцион кутилмалари **15,7** фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,3** фоиз бандга пасайган бўлса, тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **3,1** фоизга пасайиб, **14,9** фоизни ташкил этди.

2021 йилда ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентлар томонидан келгуси даврларда импорт товарлар ҳамда асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашиши, миллий валюта курсининг қадрсизланиши ҳамда хориждан импорт қилинадиган хомашё ва бутловчи қисмлар қимматлашиши билан боғлиқ бўлиши қайд этилди.

Пандемия билан боғлиқ шароит босқичма-босқич яхшиланиб бориши ҳамда иш ҳақи ва нафақалар ошиши натижасида келгусида нархлар ошишини қайд этган аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари улуши камайиб борди.

1.4. Тўлов баланси, ҳалқаро инвестицион позиция ва ташқи қарз кўрсаткичлари таҳлили

Ҳисобот йилида тўлов баланси кўрсаткичлари ички ва ташқи иқтисодий фаолликнинг ошиши ҳисобига инвестицион ва истеъмол талабининг ўсиши, чегаралараро транспорт қатновининг ҳамда ишчи кучи ҳаракатининг қайта тикланиши шароитларида шаклланди.


Хусусан, асосий савдо ҳамкор мамлакатларида иқтисодий ўсишнинг тезлашиши ҳамда жаҳон бозорида Ўзбекистоннинг асосий хомашё экспорт товарлари нархининг ошиши ҳисобига товар ва хизматлар экспорти 13 фоизга ошиб, 16,4 млрд. АҚШ долларга, олтинни ҳисобга олмагандаги товарлар экспорти 42 фоизга ўсиб, 10,0 млрд. АҚШ долларга етди.

Истеъмол талабининг тикланиши, ички ишлаб чиқариш фаоллигининг ошиши ҳамда 2020 йилда режалаштирилган инвестицион лойиҳаларнинг 2021 йилда ижро этилиши натижасида товар ва хизматлар импорти 23 фоизга ошиб, 27,8 млрд. АҚШ долларига, товарлар импорти эса 21 фоизга ошиб, 23,0 млрд. АҚШ долларга тенг бўлди.

Товар ва хизматлар импортининг экспортга нисбатан юқори ўсиши натижасида 2021 йилда тўлов баланси жорий операциялар ҳисоби манфий сальдоси 4,8 млрд. АҚШ доллар (2020 йилда 3 млрд. АҚШ доллар) ёки ЯИМга нисбатан 7,0 фоиз атрофида шаклланди.

1.4.1-чизма

Жорий операциялар ҳисоби динамикаси, млн. АҚШ долларидан



2021 йилда дунё мамлакатларида коронавирус инфекцияси билан боғлиқ чекловларнинг енгиллаштирилиши натижасида транспорт ва туризм хизматлари соҳасида ҳам тикланиш кузатилди.

Хусусан, 2021 йилда хизматлар экспорти 33 фоизга ўсиб, 2,3 млрд.АҚШ долларига, хизматлар импорти эса 35 фоизга ўсиб, 4,7 млрд.АҚШ долларига teng бўлди. Натижада, халқаро хизматлар савдосининг манфий сальдоси 2020 йилдаги 1,8 млрд.АҚШ доллардан 2,5 млрд.АҚШ долларигача ўсади.

Шу билан бирга, бирламчи ва иккиламчи даромадларнинг асосий манбаи бўлган трансчегаравий пул ўтказмаларининг сезиларли ўсиши жорий операциялар ҳисобини мувозанатлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилди.

Асосий савдо ҳамкор давлатлар иқтисодиётининг тикланиб бориши ҳамда давлатлараро ишчи кучи миграциясининг фаоллашиши ҳисобига Ўзбекистон резидентларининг норезидентлардан олган бирламчи даромадлари 2020 йилга нисбатан 50 фоизга ўсиб, 2,4 млрд.АҚШ долларини, норезидентларнинг Ўзбекистондаги бирламчи даромадлари эса 23 фоизга ўсиб, 2,2 млрд.АҚШ долларини ташкил этди. Натижада, бирламчи даромадларнинг ижобий сальдоси 201 млн.АҚШ долларга teng бўлди.

Бирламчи даромадлар бўйича тушумларнинг асосий манбаи хорижга қисқа муддатга ишлаш мақсадида кетган Ўзбекистон фуқароларининг иш ҳақи кўринишдаги даромадлари ҳисбланиб (қарийб 98 фоизи), ўтган йилга нисбатан 62 фоизга ўсади.

Бирламчи даромадлар бўйича харажатларнинг ошиши асосан, норезидентларнинг Ўзбекистонга киритган инвестициялари ва ташки қарзлар бўйича тўланган даромад ва фоизлар ҳиссасига тўғри келди.

Ҳисбот йилида иккиламчи даромадларнинг ижобий сальдоси 2020 йилдаги 5,2 млрд.АҚШ доллардан 6,4 млрд.АҚШ долларга ошиши кузатилди. Бунда, хориждан даромадларнинг келиб тушиши 2020 йилга нисбатан 24 фоизга кўпайиб, 7,0 млрд.АҚШ долларга, улар бўйича тўловлар эса 45 фоизга ўсиб, 630 млн.АҚШ долларга teng бўлди.


Иккиламчи даромадларнинг ижобий сальдоси хориждаги Ўзбекистоннинг узоқ муддатли меҳнат муҳожирлари томонидан жўнатилган трансчегаравий пул ўтказмалари ҳисобига таъминланди.

“Тўлов балансини шакллантириш қўлланмаси”га (ТБҚ-6) мувофиқ ҳисобланган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми соф ўсишининг ҳам 2020 йилдаги 1,7 млрд.АҚШ доллардан ҳисбот йилида 2,0 млрд.АҚШ долларгача ошиши кузатилди.

Хисобот йилида халқаро стандартлар доирасида макроиқтисодий статистиканинг очиқлилигини ва шаффоғлилигини таъминлаш ҳамда даврий қаторларнинг қамровини ошириш мақсадида Халқаро валюта жамғармасининг техник кўмаги ёрдамида ХВЖнинг “Тўлов балансини шакллантириш қўлланмаси”га (ТБҚ-6) мувофиқ 2005-2010 йиллардаги тўлов баланси, халқаро инвестиция позицияси ва ташқи қарз кўрсаткичлари бўйича тарихий маълумотлар шакллантирилди.

1.4.2-чи зама

Жорий операциялар ҳисоби динамикаси, ЯИМга нисбатан фоизда



Хисобот йилида умумий ташқи қарз миқдори 17 фойзга ўсиб, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига 39,6 млрд.АҚШ долларга етди. 2021 йилдаги пандемия билан боғлиқ харажатларнинг қисқариши, Ҳукумат томонидан ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чоратадбирлар натижасида умумий ташқи қарз³ бўйича мажбуриятларнинг ўсиши 2020 йилдаги 9,5 млрд.АҚШ доллардан 5,4 млрд.АҚШ долларгача камайди.

Ташқи қарз бўйича мажбуриятлар ўсишининг 2,4 млрд.АҚШ доллари давлат сектори, 3,0 млрд.АҚШ доллари эса хусусий сектор ташқи қарзлари ҳиссасига тўғри келади.

Умумий ташқи қарз таркибида давлат қарзи бўйича мажбуриятлар қолдиги 11 фойзга ошиб 23,7 млрд.АҚШ долларига, банк секторида 17 фойзга ошиб 7,3 млрд. АҚШ долларига, энергетика секторида 14 фойзга ошиб

³ Давлат ва давлат томонидан кафолатланган ҳамда хусусий қарз, шу жумладан қарз бўйича ҳисобланган лекин тўланмаган фоизларни ўз ичига олади.


5,0 млрд.АҚШ долларига ҳамда бошқа секторларда 1,6 баробарга ошиб 3,4 млрд.АҚШ долларига етди.

Бунда, умумий ташқи қарз таркибида давлат қарзининг улуши 63 фоиздан 60 фоизгача қисқарган бўлса, банк сектори улуши 18 фоиздан 19 фоизгача, бошқа секторлар улуши 6 фоиздан 9 фоизгача ошиди ҳамда энергетика секторининг улуши 13 фоиз даражада сакланниб қолди.

Бошқа секторлар таркибида қарз мажбуриятларининг юқори суръатда ошиши асосан тоғ-кон, металлургия ва автосаноат соҳасидаги корхоналар томонидан жалб қилинган ташқи қарзларнинг ўсиши ҳисобига шаклланди.

1.4.3-чизма

Ўзбекистон Республикасининг умумий ташқи қарзи таркиби, фоизда




Шунингдек, 2021 йилда давлат томонидан муомала даври 3 йилдан 10 йилгача бўлган қиймати 2,5 трлн. сўм ва 635 млн.АҚШ долларлик, номолиявий корхоналар томонидан муомала даври 5 йилдан 7 йилгача бўлган 300 млн. ва 700 млн.АҚШ долларлик, шунингдек, банк сектори томонидан муомала даври 3 йилгача бўлган 785 млрд. сўмлик евробондлар халқаро молия бозорларига чиқарилди.

Ўзбекистоннинг ташқи қарзи бўйича маълумотларни халқаро молия институтлари томонидан умумқабул қилинган шаклларда ва халқаро инвесторлар томонидан фойдаланиладиган манбаларда эълон қилинишини таъминлаш мақсадида Жаҳон банкининг чораклик ташқи қарз статистикасини шакллантириш тамойилларига асосан тузилиб, Жаҳон банкининг маълумотларни тарқатиш тизимларида жойлаштириш бошланди.

1.4.4-чизма

Ўзбекистон Республикасининг халқаро инвестицион позицияси,
млн. АҚШ долларида



Халқаро инвестицион позициянинг мусбат сальдоси 2020 йилга нисбатан 3,5 млрд.АҚШ долларга қисқариб 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига 16,8 млрд.АҚШ долларини ташкил этди. Бунда, соф халқаро инвестицион позициянинг қисқариши асосан давлат ва хусусий сектор томонидан ташки қарзниң жалб қилиниши ҳисобига рўй берди.

II. 2021 ЙИЛДА БАНК ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ

2.1. Банк тизимининг молиявий барқарорлиги таҳлили

2021 йилда макропруденциал назоратдаги асосий эътибор олдиндан таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш орқали банк тизимида молиявий барқарорлик кўрсаткичларини мақбул даражада бўлишини таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг молиявий ресурс ва хизматларга бўлган талаби ва эҳтиёжларини реал иқтисодий ўсиш суръатлари доирасида қондириб боришга қаратилди.


Хусусан, кредитлар бўйича юзага келиши мумкин бўлган потенциал молиявий йўқотишларнинг банклар барқарорлигига бўлган салбий таъсирини олдини олиш мақсадида халқаро Базель III стандартларига мувофик юқори фоиз ставкаларда ажратилган кредитларга нисбатан 1,5-2 баробар микдорида капитал буферини шакллантириш белгиланди.

Шунингдек, тижорат банклари фаолияти турли сценарийларда стресс-тестлардан ўтказилиб келгусида уларнинг капитали ва ликвиддигига салбий таъсир кўрсатувчи хатарларни камайтириш чоралари кўриб борилди.

Натижада, банкларнинг капиталлашув даражаси 2021 йилда 12,6 трлн. сўмга ёки 22 фоизга ошиб, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига 71 трлн. сўмга етди. Бунда, устав капитали микдори 10 трлн. сўмга ёки 23 фоизга ўсиб, 54,8 трлн. сўмни ташкил этди.

2.1.1-чизма

Банк тизими капиталлашув даражаси, трлн. сўмда




Макропруденциал чоралар доирасида юқори фоиз ставкасида ажратилган ҳамда муаммога айланган кредитларнинг капитал юкламаларида таваккалчилик даражасининг 150-200 фоиз қилиб белгиланиши ҳисобига банк тизимида жами активлар 22 фоизга ошган бўлса, таваккалчиликка асосланган активлар умумий ҳажми 27 фоизга ўсди.

2021 йил якунлари бўйича банк тизимида регулятив капитал миқдори **70 трлн. сўмни** ва таваккалчиликка тортилган активлар **401 трлн. сўмни** ҳамда **капитал етарлилиги кўрсаткичи 17,5** фоизни (минимал талаб 13 фоиз) ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **0,9** фоиз бандга пасайди.

2.1.2-чизма

Капитал монандлиги кўрсаткичи динамикаси




Банклар томонидан юзага келиши мумкин бўлган стресс ҳолатларда фаолиятини давом эттириши, мижозлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида қайтариш имконини берувчи ишончли даражадаги ликвидлилик захирасини яратиш бўйича кўрилган чоралар 2021 йил давомида **юқори ликвидли активлар ҳажмини 1,5 баробарга** ошиб, 2022 йил 1 январь ҳолатига **76 трлн. сўмга** етишига имкон берди.

Юқори ликвидли активлар таркибида миллий валютадаги активлар қарийб **2 баробарга** ошиб **39 трлн. сўмни**, хорижий валютада эса **21** фоизга ошиб **37 трлн. сўмни** ташкил этди.

Юқори ликвидли активлар ҳажмининг қўпайиши активлар таркибида давлат қимматли қоғозларининг **12 трлн.** сўмга (*5 баробарга ўсган*), Марказий банкдаги маблағларнинг **12 трлн.** сўмга (*70 фоизга*), бошқа банклардаги маблағларнинг **3 трлн.** сўмга (*18 фоизга*) ва банк кассаларидағи нақд пулларнинг **1 трлн.** сўмга (*10 фоизга*) ошиши ҳисобига шаклланди. Натижада, **юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши** 2021 йил якунлари бўйича йил бошига нисбатан **3,5** фоиз бандга ошиб, **17,7** фоизга етган.

2.1.3-чизма

Юқори ликвидли активларнинг (ЮЛА) таркиби ва жами активлардаги улуши динамикаси




Макропруденциал чораларнинг узвий давоми сифатида босқичмабосқич пул маблағлари захиралари шакллантириб бориш орқали ликвидлилик хатарларига банкларнинг бардошлилигини ошириш, мижозлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажариш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициентини янги методика асосида ҳисоб-китоб қилиниши белгиланди.

Натижада, банк тизими бўйича **ликвидлиликни қоплаш меъёри** йил давомида **107** фоиздан **189** фоизгача (*минимал талаб 100 фоиз*) ошиди. Мазкур ҳолат, банк тизимида кутилмаган стресс ҳолатлар юзага келган тақдирда ҳам банклар кейинги 30 кун давомида мижозлар олдидаги мажбуриятларни тўлақонли ва узлуксиз бажара олиш имкониятини беради.

2.1.4-чизма

Ликвидликни қоплаш меъёри (LCR)



Банклар томонидан амалга оширилаётган узоқ муддатли молиялаштириш ҳажмига мос равища барқарор манбаларни шакллантириш чораларининг ҳам кўриб борилиши банк тизимида **соф барқарор молиялаштириш меъерининг ҳисобот** йили давомида барча валюталарда **109,9** фоиздан **115,4** фоизгача ошишини таъминлади ва ушбу қўрсаткич миллий валутада **119** фоизни ҳамда хорижий валутада **111,8** фоизни ташкил этди.

2.1.5-чизма

Соф барқарор молиялаштириш меъёри динамикаси (NSFR)



Банкларда активлардан самарали фойдаланган ҳолда фаол чакана банк хизматларини кўрсатиш ва харажатларни оптималлаштириш орқали даромадлилик кўрсаткичларини мақбул даражада бўлишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

2021 йил якунлари бўйича банклар томонидан жами **64,6 трлн. сўм даромадлар** олиниб, уларнинг **73** фоизи **фоизли даромадлар** ва **27** фоизи **фоизсиз даромадлар** ҳиссасига тўғри келади. Фоизли даромадларнинг жами даромадлар таркибидаги улуши 2020 йил якунидаги **76** фоиздан 2021 йил якунига **73** фоизга пасайган.


Банк тизимида замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этган ҳолда банк бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва хизматларни рақамли каналлар орқали кўрсатиш бўйича кўрилаётган чоралар бугунги кунда микроқарзлар ажратилиши, омонатлар жалб этилиши, аҳоли билан айирбошлиш хизматлари амалга оширилиши ва коммунал тўловларнинг салмоқли қисми айнан мобил иловалар орқали амалга ошириш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Хусусан, 2021 йилда **соф фоизсиз даромадлар** **49** фоизга ёки **4 трлн. сўмга** ортиб, **12,3 трлн. сўмга**, жами даромадлар таркибидаги улуши 2020 йил якунидаги **24** фоиздан 2021 йил якунига **27** фоизга ўсган.

Натижада, **операцион самарадорлик кўрсаткичи** банк тизимида йил давомида **38** фоизни ташкил этган ҳолда, халқаро амалиёт бўйича мақбул даражада (50 фоиз) сақланган.

2.1.6-чизма

Операцион самарадорлик кўрсаткичи (CIR) динамикаси




Хисобот йилида банклар фаолиятида юзага келган кредит хатарларининг улар молиявий барқарорлигига бўлган салбий таъсирини юмшатиши мақсадларида муаммоли кредитлар бўйича захираларни босқичмабосқич шакллантириш чоралари кўриб борилди. 2021 йил давомида банкларнинг **3,2 трлн.** сўмлик даромадлари эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар шакллантиришга йўналтирилди. Натижада, банкларнинг жами **соғфойдаси 3,9 трлн.** сўмни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан **21** фоизга камайди.

Ўз навбатида, банклар томонидан активлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳоловчи **активлар рентабеллиги** кўрсаткичи ҳисобот йилида 2020 йилдаги **2,2** фоиздан **1,3** фоизга пасайди.

2.1.7-чизма

Банк тизими активлар рентабеллиги (ROA) динамикаси



Шунингдек, банк тизимида **капитал рентабеллиги** кўрсаткичи ҳисобот йилида 2020 йилдаги **10,2** фоиздан **6,1** фоизга пасайди.

2.1.1. Банк тизимининг активлари ва мажбуриятларидаги таркибий ўзгаришлар


2021 йилда тижорат банкларининг жами активлари 22 фоизга ўсиб, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига **444,9 трлн.** сўмни ташкил этди. Активларнинг **71** фоизи кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келади.

Банклар томонидан иқтисодиётнинг кредитга бўлган талабини қондириш ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига 2021 йилда **166,7 трлн.** сўм миқдорида ёки кредитлаш бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичга (130 трлн. сўм) нисбатан **28** фоизга кўп кредитлар йўналтирилди.

Ушбу кредитларнинг **76** фоизи (126 трлн. сўм) корпоратив мижозларга ва **24** фоизи (41 трлн. сўм) аҳолига ажратилган.

2.1.1.1-чизма


2021 йилда банклар томонидан ажратилган кредитлар, трлн. сўмда



Ўз навбатида, банкларда кредитларни қарздорлар қирқимида ундириш ишлари самарадорлигини ошириш ва молиявий ресурсларни банк айланмасига қайтаришда “Pre-collection” (0), “Soft-collection” (1-30), “Hard-collection” (30+), “Legal-collection” (90+) каби замонавий ёндашув усулларидан фойдаланилганлиги натижасида **кредитларнинг қайтувчанлик даражаси** 2021 йилда **59** фоиздан **71** фоизгacha ошиди, кредит қўйилмаларининг ўсиш суръатлари номинал ЯИМ ўсиш суръатлари (18 фоиз) доирасида шаклланди.


2.1.1.2-чизма

Ажратилган ва сўндирилган кредитлар динамикаси



2.1.1.3-чизма


Кредит портфель ҳажмининг ўзгариши



Банклар кредит қўйилмаларининг 46 фоизи **саноат** тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар бўлса, 14 фоизи **қишлоқ хўжалиги**, 11 фоизи **транспорт ва коммуникация**, 11 фоизи **савдо ва умумий овқатланиш**, 4 фоизи **қурилиш** ҳамда 15 фоизи бошқа соҳаларга йўналтирилган.


2.1.1.4-чизма

Иқтисодиёт тармоқлари кесимида кредит қўйилмалари, фоизда



2.1.1.5-чизма

Кредит қўйилмаларининг кредит мақсадлари бўйича тақсимоти, фоизда




Ўз навбатида, кредит қўйилмаларининг **43** фоизи асосий воситалар харид қилиш, **17** фоизи айланма маблағларни тўлдириш, **3** фоизи Хукуматнинг айрим қарорлари асосида белгиланган ва **37** фоизи бошқа мақсадлар учун йўналтирилган.

Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиги 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига **69,5 трлн. сўмни** ташкил этиб, уларнинг таркибида ипотека кредитлари **52** фоизни, микроқарзлар **14** фоизни, автокредитлар **15** фоизни, истеъмол кредитлари **4** фоизни ҳамда бошқа чакана кредитлар **16** фоизни ташкил этди.


Ҳисобот йилида аҳолига ажратилган жами кредитлар қолдиги **26,6** фоизга шу жумладан, ипотека кредитлари **27,0** фоизга, микроқарзлар **64,3** фоизга, автокредитлар **33,6** фоизга, тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар **31,5** фоизга ошган бўлса, истеъмол кредитлари қолдиги **46** фоизга камайган.

2.1.1.6-чизма

Аҳолига ажратилган кредит қўйилмаларининг таркиби, фоизда


Тижорат банклари томонидан бозор тамойиллари асосида кредитлаш амалиётларининг қўлланилиши натижасида **имтиёзли кредитларнинг жами ажратилган кредитлардаги улуши** ҳисобот йилида 2020 йилдаги **46** фоиздан **39** фоизгacha пасайди.

2.1.1.7-чизма

Банкларнинг кредит портфелида имтиёзли кредитлар улуши

*Имтиёзли кредитлар фоиз ставкаси МБ асосий ставкасидан паст бўлган миллий валютадаги кредитлар ҳамда ЎТТЖ ва Ҳукумат кафолати остида ажратилган хорижий валютадаги кредитлар ҳисобга олинган.

2.1.1.8-чизма

Банк тизими кредит портфели долларлашув даражаси динамикаси

Хорижий валютада ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **34** фоизга кўп кредитлар ажратилган бўлсада, ҳисобот йилида ушбу кредитларнинг қайтувчанлик даражасининг **49** фоиздан **63** фоизга ошганлиги эвазига банк тизими **кредит портфели таркибида долларлашув даражаси** ҳисобот йилида қарийб ўзгаришсиз, **50** фоиз доирасида қолди.

Тижорат банклари мажбуриятлари ва улардаги таркибий ўзгаришлар

2021 йилда банкларнинг ресурс базаси кредит хатарларига бардошлиликни ошириш ҳамда иқтисодиётнинг кредитларга бўлган талабини қондириш мақсадида 2020 йилга нисбатан **66** трлн. сўмга ёки **22** фоизга оширилди (*2022 йил 1 январь ҳолатига 374 трлн. сўм*).

Банкларнинг кредитлаш манбаларида **ички ресурслар – депозитлар** **36** фоизга (**156** трлн. сўм), **ташқи кредит ресурслари** эса **20,4** фоизга (**13** трлн. сўм – **7,2 млрд.** доллар) ўсган.

Банк тизими мажбуриятлари таркибида жалб қилинган депозитлар 2022 йил 1 январь ҳолатига **156** трлн. сўмни (жами мажбуриятларнинг 42 фоизи) ташкил этиб, шундан **24** фоизи ёки **37** трлн. сўми аҳоли омонатлари ҳиссасига тўғри келади.

Жалб қилинган депозитлар таркибида талаб қилиб олингунча депозитлар улуши **43** фоиздан **42** фоизгача, муддати 3 ойгача бўлган депозитлар улуши **11** фоиздан **8** фоизгача пасайган бўлса, 3 ойдан 1 йилгача бўлган депозитлар улуши **18** фоиздан **21** фоизгача ҳамда 1 йилдан юқори депозитлар улуши **28** фоиздан **29** фоизгача кўпайди.

2.1.1.1-жадвал


Тижорат банклари депозитларининг муддат ва валюта турлари бўйича таҳсиланиши, млрд. сўмда

Жами		Депозитлар қайтариш муддатига кўра							
		Талаб қилиб олингунча		3 ойгача		3 ойдан 1 йилгача		1 йилдан юкори	
		сумма	улуши, фоизда	сумма	улуши, фоизда	сумма	улуши, фоизда	сумма	улуши, фоизда
01.01.2021 й.	114 747	49 153	43	12 831	11	21 207	18	31 556	28
миллий валютада	65 318	28 578	44	8 267	13	14 068	22	14 406	22
хорижий валютада	49 429	20 575	42	4 563	9	7 140	14	17 151	35
01.01.2022 й.	156 190	66 129	42	12 658	8	32 238	21	45 164	29
миллий валютада	95 578	37 404	39	8 595	9	23 666	25	25 914	27
хорижий валютада	60 612	28 726	47	4 063	7	8 573	14	19 250	32

Депозитлар таркибида узоқ муддатли, айниқса, миллий валютадаги депозитлар ҳажмининг ортиши мамлакатда макроиктисодий барқарорликнинг таъминланиши, хусусан, миллий валюта курсининг барқарор шаклланганлиги, инфляция даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилаётганлиги ҳамда депозитлар бўйича реал даромадлиликни сезиларли даражада сақланиб қолаётганлиги билан изоҳланади.

2.1.1.9-чизма

Банклар томонидан жалб қилинган хорижий кредитлар, млн. АҚШ долл.



2021 йилда банклар томонидан жами **3,4 млрд. АҚШ** долларлик (2020 йилга нисбатан 27 фоизга кам), шу жумладан, **1,2 млрд. АҚШ** долларлик бир йилгача бўлган қисқа муддатли хорижий кредитлар жалб этилган.

Ҳисобот йилида **2,1 млрд. АҚШ** долларлик хорижий кредитлар сўндирилиб, (2020 йилга нисбатан 87 фоизга кўп) шундан, **1,3 млрд. АҚШ** доллари (60 фоизи) узоқ муддатли кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

2.1.2. Банк тизимидағи хатарлар ва уларнинг банклар молиявий барқарорлигига тъсири

Ҳисобот йили давомида коронакризиснинг салбий оқибатлари натижасида юзага келган кредит хатарларининг банклар молиявий барқарорлигига бўлган салбий тъсиirlарини юмшатиш чоралари давом эттирилди.

Жумладан, банкларда кредитлаш ва муаммоли кредитлар билан ишлаш жараёнларини тубдан ўзгартириш, хусусан потенциал муаммоли қарздорларни олдиндан аниқлаш тизими амалиётга жорий қилинди.

Банклар кредит портфелининг маълум бир вакт оралиғи учун риск даражасини баҳолаш ва юзага келиши мумкин бўлган потенциал муаммоли кредитларни олдиндан баҳолаш мақсадида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар, хусусан ипотека кредитлар, автокредитлар ва микроқарзларнинг сифат жиҳатдан ўзгариши бўйича даврий равишда таҳлиллар ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, банкларда активлар сифатини таснифлашни халқаро тамойилларга мувофиқлаштириш ҳамда уларни самарали бошқаришни таъминлаш мақсадида тўлов муддатлари бўйича таснифлаш мезонлари қайта кўриб чиқилди.

Бунда, тўлов муддатлари 91 қундан 180 кунгacha (*илгари 91 дан 120 кунгача бўлган*) кечикирилган активлар **қониқарсиз**, 181 қундан 365 кунгача (*121 қундан 180 кунгача бўлган*) кечикирилган активлар **шубҳали**, 366 кун ва ундан узоқ (*180 қундан ортиқ*) даврда кечикирилган активлар **умидсиз** деб таснифланиши белгиланди.

Пандемияни иқтисодиётга салбий тъсирини юмшатиш чора-тадбирлари доирасида 2021 йилда **фаолияти тўлиқ тикланмаган 14 647 та** хўжалик субъектларининг **21,4 трлн. сўмлик** (*банк тизими кредит портфелининг 15 фоизи*) потенциал муаммоли кредитларни қайтариш муддатлари такроран 3-6 ойга узайтирилди.

Банклар томонидан муддати узайтирилган кредитлар қолдиги 2022 йил 1 январь санасига **88,4 трлн. сўмни** ташкил этиб, шундан **73,9 трлн. сўми**

(84 фоиз) юридик шахслар ва **14,5 трлн.** сўми (16 фоиз) жисмоний шахслар хиссасига тўғри келади.

Ушбу кредитлар қолдигининг **12,8** фоизи ёки **11 трлн.** сўми **муаммоли кредитларга** айланган бўлса, **13,1** фоизи ёки **12 трлн.** сўми 30 кундан ортиқ муддатга кечикирилган **потенциал муаммоли** (субстандарт) кредитларга айланган.

2021 йил якунлари бўйича **жами тўлов муддати узайтирилган** кредитлар қолдиғи банк тизими кредит портфелининг **27** фоизини (88 трлн. сўмни) ташкил этиб, айрим банкларда бу кўрсаткич ўртачадан сезиларли юқори шаклланди. Хусусан, Халқ банкида **42** фоиз, Туронбанк ва Ўзсаноатқурилишбанкда **41** фоиз, Қишлоқ қурилиш банкда ва Асакабанкда **38** фоизни ташкил этмоқда.

2021 йилда банк балансидаги муаммоли кредитлар салмоғини камайтириш чоралари доирасида **бир йилдан ортиқ** муддат давомида қайтарилмаган **3,3 трлн.** сўмлик, шундан Оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бўйича ажратилган **251 млрд.** сўмлик “умидсиз” кредитлар банклар балансидан чиқарилди.


Муаммоли кредитларнинг банклар молиявий барқарорлигига салбий таъсирини олдини олиш бўйича банклар ва хукумат томонидан кўрилаётган тегишли чора-тадбирлар **муаммоли кредитлар улушининг** 2021 йил якунида **5,2** фоиз (16,9 трлн.сўм) доирасида шаклланишига замин бўлди.

2.1.2.1-чизма

Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши динамикаси




2.1.2.2-чизма

Кредитлар таснифланиши динамикаси

2022 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари кредит портфелининг **88** фоизи “стандарт”, **7** фоизи “субстандарт” ҳамда **5** фоизи “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” кредитлар сифатида таснифланган.

Муаммоли кредитларнинг сегментлар бўйича тақсимотида уларнинг **72** фоизи (12 трлн. сўм) тадбиркорлик субъектлари, **28** фоизи (5 трлн. сўм) жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.

2.1.2.3-чизма

Жисмоний шахсларнинг муаммоли кредитлари

2022 йил 1 январь ҳолатига тиҷорат банклари томонидан аҳолига ажратилган кредитларнинг **4,7 трлн. сўми ёки 6,8 фоизи муаммоли кредитларга** айланган.

Аҳолининг кредит қарздорларининг **2,4 трлн. сўми ёки 51 фоизи тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар, 1,4 трлн. сўми ёки 30 фоизи ипотека кредитлари, 409 млрд. сўми ёки 9 фоизи истеъмол кредитлари, 346 млрд. сўми ёки 7 фоизи микроқарзлар ҳамда 135 млрд. сўми ёки 3 фоизи автокредитлар** ҳиссасига тўғри келади.

2.1.3. Аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юки ҳолати


Сўнги йилларда кредит олиш билан боғлиқ жараёнларнинг соддалаштирилиши, аҳолини банк хизматлари билан қамраб олиш даражасининг ортиб бораётганлиги натижасида аҳолини кредитлаш ҳажми сезиларли даражада ошиши кузатилди.

Мазкур ҳолат банк кредитлари бўйича қарз юки даражасини ва унинг ошиб бориши билан боғлиқ хатарларни баҳолаш ҳамда кредит юкини мўътадиллаштиришга қаратилган макропруденциал чора-тадбирларни қўллаш заруратини юзага келтирди.

Ушбу мақсадда ҳисбот йилида Марказий банк томонидан макропруденциал сиёsat инструментларини жорий этиш ва молиявий барқарорликни таъминлаш доирасида **аҳолини банк кредитлари бўйича қарз юкини** мунтазам кузатиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

2.1.3.1-чизма

Жисмоний шахс кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичи (кредитлар қолдиги бўйича), фоизда



2.1.3.2-чизма

Жисмоний шахс кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичи (ажратилган кредитлар бўйича), фоизда



Манба: Марказий банк


2021 йилда аҳолининг жами кредит қолдиги бўйича ҳисобланган қарзга хизмат қўрсатиш қўрсаткичи 17 фоизни, ажратилган кредитлар бўйича эса 20 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот йилида аҳоли даромадлари ўсишининг барқарорлашуви, инфляция даражасининг пасайиб бориши ҳисобига чакана кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ҳам пасаювчи тенденцияга эга бўлиши қарз юки қўрсаткичининг 2020 йилга нисбатан камайишига олиб келди.

Аҳолига ажратилган кредит турлари бўйича қарз юки қўрсаткичлари, хусусан, **истеъмол кредити** бўйича қарзга хизмат қўрсатиш қўрсаткичи 57 фоиздан 62 фоизгача ошиши, **автокредитлар** бўйича эса 145 фоиздан 112 фоизгача пасайиши қайд этилди.


2.1.3.3-чизма

Истеъмол кредити бўйича қарзга хизмат қўрсатиш қўрсаткичи (ажратилган кредитлар бўйича), фоизда



2.1.3.4-чизма

Ипотека кредити ва микроқарз бўйича қарзга хизмат қўрсатиш қўрсаткичи (ажратилган кредитлар бўйича), фоизда



Манба: Марказий банк

Истеъмол кредитлари бўйича қарзга хизмат қўрсатиш қўрсаткичининг ўсиши жисмоний шахсларга ажратилган истеъмол кредитлари ҳажмининг кўпайиши ҳамда бир кредит олувчига тўғри келадиган кредит шартномалари миқдорининг ошиши (2018-2021 йиллар давомида 1,1 тадан 1,2 тагача ўсган) билан изоҳланади.

2021 йилда **автокредит бўйича** қарзга хизмат қўрсатиш қўрсаткичининг юқорилигича сақланиб қолинаётганлиги ажратилган автокредитлар ҳажмининг (8,5 трлн. сўм) катталиги шароитида кредит олувчилар сонининг (104 минг) ва кредитлар бўйича ўртacha тортилган муддатнинг (3,4 йил) пастлиги билан боғлиқ.

Шунингдек, **ипотека кредитлари** бўйича қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичи 2019-2020 йилларда кузатилган пасайиш тенденциясидан кейин, 2021 йилда ўсиш трендига эга бўлди ҳамда 74 фоизни ташкил этди.

2021 йилда ипотека кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичининг ўсиши сўнгги йилларда уй-жой нархларининг ўсиши шароитида ипотека кредит олувчилар сонининг 23 фоизга камайганлиги ҳамда ипотека кредитлар ҳажмининг 7 фоизга ошганлиги ҳисобига шаклланди.

Микроқарзлар бўйича қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичи динамикасида ҳам сезиларсиз пасайиш кузатилиб, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 27 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистонда аҳолининг жами кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичини таҳлил қилишда фақатгина банклар томонидан ажратилган кредитлар ҳисобга олинган бўлиб, халқаро амалиётда мазкур кўрсаткични ҳисоблашда банк тизимидан ташқаридаги муддатли тўлов асосида бериладиган қарзлар ҳам инобатга олинади.

Хусусан, бугунги кунда чакана савдо дўконларида истеъмол товар ва хизматлари, бирламчи ҳамда иккиламчи бозорларда автоуловларни муддатли тўлов асосида сотиб олиш амалиётининг оммалашаётганлиги ҳамда кўчмас мулкнинг бирламчи бозорида муддатли тўлов асосида банк тизимидан ташқари уйлар харид қилиш имкониятининг мавжудлиги аҳолига қўшимча молиявий мажбуриятларни юклайди. Бу эса ўз навбатида, банк тизимидан ташқари қарзлар инобатга олинганда қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичини ўсаётганлигини билдиради.

2.1.4. Давлат дастурлари доирасида ахоли ва тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳолати

Кичик тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар

2021 йилда кичик тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 436 мингдан ортиқ лойиҳага жами **59,6 трлн. сўм** кредит маблағлари ажратилган.

2.1.4.1-чизма

Кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар, млрд.сўмда




2021 йилда хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг қарийб **13,6** мингта лойиҳасини молиялаштириш учун **2,2 млрд. АҚШ** доллари миқдорида, жумладан, **тўғридан-тўғри (давлат кафолатисиз)** жалб қилинган маблағлар ҳисобидан **14** мингтадан ортиқ лойиҳаларга **1,9 млрд. АҚШ** доллари (*86 фоиз*) миқдорида кредитлар йўналтирилган.

Мазкур кредит маблағларининг **1 420 млн. АҚШ** доллари (*65 фоиз*) саноат соҳаси, **258 млн. АҚШ** доллари (*12 фоиз*) қишлоқ хўжалиги соҳаси, **253 млн. АҚШ** доллари (*12 фоиз*) хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда **250 млн. АҚШ** доллари (*11 фоиз*) савдо ва умумий овқатланиш соҳаси субъектларига берилган.

2.1.4.2-чизма

2021 йилда хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг тармоқлар кесимида тақсимланиши



Жаҳон бозорида маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва шу орқали мамлакатнинг экспорт ҳамда янги бозорларга кириб бориши имкониятини кенгайтириш мақсадида экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун банклар томонидан экспортёр корхоналар билан манзилли ишлаш тизими йўлга қўйилди.

Хусусан, 2021 йилда республикадаги экспортёр корхоналарга қарийб **4,1** мингга яқин кредит шартномаси бўйича жами **34,1 трлн.** сўмлик кредит маблағлари ажратилди, шундан **15,4 трлн.** сўми айланма маблағларни тўлдириш учун йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги ПҚ-5113-сон “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ тижорат банклари томонидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан худудларда сервис соҳасини ривожлантириш учун **1 863** та лойиҳага жами **1,5 трлн.** сўмдан ортиқ имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Ажратилган кредит маблағларининг асосий қисми транспорт хизматларини ривожлантириш (**338 та лойиҳага 274,3 млрд. сўм**), аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш (**255 та лойиҳага 268,2 млрд. сўм**), савдо хизматлари (**212 та лойиҳага 164,5 млрд. сўм**), яшаш ва овқатланиш (**220 та лойиҳага 163,8 млрд. сўм**) ҳамда таълим соҳасидаги хизматларга (**193 та лойиҳага 147,6 млрд. сўм**) йўналтирилган.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳолати

2021 йилда Марказий банк томонидан “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларида тижорат банклари зиммасига юқлатилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижроси тизимли равишда мониторинг қилиб борилмоқда.

Бу борада, асосий эътибор, маҳаллий ҳокимликлар билан биргалиқда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида янги иш ўрни яратадиган, маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ҳажмини оширадиган кичик лойиҳалар ҳамда аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбаларини шаклланишига хизмат қиласидиган йўналишларга кредитлар ажратишга қаратилган.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида сўнгги 4 йилда жами **24,3 трлн.** сўмдан кўп имтиёзли кредитлар ажратилган ва бу орқали **983** мингдан зиёд оилаларни тадбиркорликни йўлга қўйиб, даромад топишга қаратилган фаолият билан шуғулланишига замин яратилди. Республика бўйича ўрта ҳисобда **ҳар минг хонадоннинг 110** таси ушбу дастурлар доирасида ўз тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйди.

Ҳудудлар кесимида давлат дастурлари доирасида хонадонлар қамров даражасининг нисбатан юқори кўрсаткичи **Навоий** (мингта хонадоннинг 247 таси), **Наманган** (211 та), **Сирдарё** (186 та) ва **Жиззах** (155 та) вилоятларида кузатилди.

2021 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида **352** мингта лойиҳага жами **8,6 трлн.** сўмдан ортиқ имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.


Хусусан, ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида **150** мингтадан ортиқ лойиҳага **3,5 трлн.** сўм ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини имтиёзли молиялаштириш мақсадида **206** мингта лойиҳага **3,8 трлн.** сўм кредитлар йўналтирилди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида ажратилган кредитларнинг **1,8 трлн.** сўми (*20 фоизи*) юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар, **6,8 трлн.** сўми (*80 фоизи*) ўзини-ўзи банд қилган жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.

2021 йилда дастурлар доирасидаги кредитларнинг **37,8** фоизи Агробанк, **37,1** фоизи Халқ банки, **23,9** фоизи Микрокредитбанк ва **1,2** фоизи Туронбанк томонидан ажратилган.

2.1.4.3-чизма

2021 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитлар, млрд.сўм



Дастурлар доирасида кредит ажратиш юзасидан банкларнинг тегишли қарор қабул қилиш жараёнини соддалаштириш ва кредит ажратишда инсон омилини камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги ПҚ-55-сон “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбани кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Унга кўра, маҳалла фуқаролар йигини бўйича тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчисининг ўзига бириктирилган маҳаллада истиқомат қилаётган қарз олувчига берадиган хulosаси асосида кредитлар:

тўлиқ рақамлашган ҳолда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали ажратиш;

ажратилган кредитлар хисобига товар ва хизматларни бозор тамойиллари асосида эркин сотиб олиш ёки сотиш ягона электрон платформада яратилган “маркетплейс” тизими ёрдамида амалга ошириш;

ҳоким ёрдамчилари ўз маҳаллаларида Дастурлар доирасида ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг самарадорлигини мониторинг қилиб бориши ҳамда кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши бўйича сектор раҳбарлари ва тижорат банклари билан биргаликда тегишли чораларни кўриши белгилаб берилди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш борасида 2021 йил 1 апрелдан ахоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредит олиш бўйича аризалари “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари ягона электрон платформаси” (www.oilakredit.uz) орқали қабул қилиш тизими жорий қилинди.

2.1.4.4-чизма

2021 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитларнинг ўзгариши, ойлар кесимида, млрд.сўмда



Мазкур платформада кредит аризалари барча босқичларда онлайн кўриб чиқилади ва ҳар бир босқичда қабул қилинган қарор тўғрисида Ягона электрон платформа (СМС-хабарнома, электрон почта ёки шахсий кабинет) орқали маълумот бериб борилади.

2.1.4.5-чизма

2021 йилда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитларнинг мақсадлари бўйича тақсимланиши, трлн.сўмда



Дастурлар доирасида 2021 йилда ажратилган кредитларнинг **1,7 трлн.** сўми чорвачилик, **2,0 трлн.** сўми хизмат кўрсатиш, **2,5 трлн.** сўми ишлаб чиқариш соҳаларига, **1,2 трлн.** сўми иссиқхона ташкил этиш ва ривожлантиришга ҳамда **1,2 трлн.** сўми боғдорчилик, паррандачилик, қуёнчилик, хунармандчилик каби мақсадлар учун йўналтирилди.

2.2. Банк тизимидағи трансформация жараёнлари

Хисобот йилида 2020-2025 йилларга мүлжалланган “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”га асосан 3 та халқаро молия институти (ХМК, ЕТТБ ва ОТБ) ҳамда KPMG, PWC Ernst&Young ва McKinsey каби хорижий консалтинг компаниялари билан ҳамкорликда давлат иштирокидаги банкларни трансформация қилиш ва хусусийлаштиришга тайёрлаш жараёнлари давом эттирилди.

Ушбу жараёнларда ислоҳотлар самарадорлигини ошириш ва белгиланган стратегик мақсадларга ўз вақтида эришиш учун банкларда замонавий корпоратив бошқарувни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг тавсиялари асосида банкларда бошқарув органларининг ваколатлари таксимотини аниқ белгилаш, банк бошқаруви шаффофлигини ошириш, банкни бошқариш давомида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган янги талаблар асосида банклар бошқарувининг ташкилий тузилмалари қайта кўриб чиқилиб, самарали назоратни йўлга қўйиш учун банклар кенгашлари хузурида маҳсус қўмиталар ташкил этилди.

Банкларда ижроия органлари фаолиятининг сифати ва натижадорлигини баҳолаш учун давлат улуши мавжуд бўлган **10 та** банкда “самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари” (KPI) ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди.

Банк кенгашларини банк-молия соҳасида хорижий тажрибага эга бўлган мустақил аъзолар билан бутлаш ишлари давом эттирилиб, ҳисобот йили якунида давлат иштирокидаги банклар кенгашларига жалб этилган мустақил аъзолар сони 26 нафарни, жумладан, Ипотека-банк, Асака банк ва Халқ банкида 4 нафарни, Саноатқурилишбанк, Қишлоқ қурилиш банк ва Турон банкда 3 нафарни, Микрокредитбанк ва Миллий банкда 2 нафарни ҳамда Агробанкда 1 нафарни ташкил этди.

Ҳар бир давлат улушкига эга банк бўйича тасдиқланган трансформация “йўл ҳарита”ларига асосан банкларнинг бизнес моделларини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар ижроси давом эттирилмоқда, хусусан, банк мижозлари чакана мижозлар, кичик бизнес сектори мижозлари ва корпоратив мижозлар каби **3 та** сегментга ажратилиб, ҳар битта сегментнинг талаб ва эҳтиёжларига мос хизмат кўрсатишни ташкил этишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида, янги бизнес моделлардан келиб чиқиб, банклардаги бир-бирининг вазифаларини тақорловчи таркибий бўлинмалар оптималлаштирилиб, банк ташкилий структурасида **чакана блок, кичик бизнес блоки, корпоратив блок, риск блоки** каби ихтисослашган таркибий бўлинмалар ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, банкларда замонавий риск-менежмент тизимини жорий этишга қаратилган ишлар жадаллаштирилиб, тадбиркорлик субъектлари ва ахолининг кредит бўйича мурожаатларини ортиқча бюрократик тўсиқларсиз, қисқа муддатда кўриб чиқишини таъминлаш мақсадида кредит ажратишнинг **андеррайтинг ва скоринг** тизимлари жорий этилди.

Андеррайтинг тизимида қиймати йирик бўлмаган (3 млрд. сўмгача) кредитлар бўйича қарорлар мижоз билан бевосита ишлайдиган “мансабдор шахслар” аралашувисиз андеррайтерлар груҳи томонидан мустақил қабул қилиниб, кредит ҳужжатлари кредит мақсади ва микдорига қараб 2 соатдан 24 соатгача бўлган муддатда кўриб чиқилади. Ушбу жараён самарадорлигини таъминлаш мақсадида андеррайтерлар грухини моддий рағбатлантириш кўриб чиқилган лойихалар сони ва сифатидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Скоринг тизимида эса мижознинг кредитга лаёқатлилиги Солик қўмитаси ва кредит бюросидан олинадиган маълумотлар асосида тезкор таҳлил қилинади ва бу тизим овердрафт кредити ва микроқарзни мобил илова орқали онлайн тарзда ажратиш имконини бермоқда.

2.3. Банк тизими инфратузилмаси

2.3.1. Фаолият юритаётган кредит ташкилотлари

2021 йилда республикада фаолият юритаётган тижорат банклари сони **1** тага кўпайиб, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига **33** тага етди. Улардан **12** таси капиталида давлат улуши мавжуд банклар, **16** таси хусусий банклар ҳамда **5** таси хорижий банк капиталига эга банклар ҳисобланади.

Банк тизимида рақобат муҳитини яхшилаш ҳамда замонавий ва инновацион банк технологияларини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар доирасида “**BANK APELSIN**” акциядорлик жамияти фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берилди.

2022 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари филиаллари сони **860** тани, мини-банклар сони **158** тани, банк хизматлари кўрсатиш оғислари сони **1086** тани ҳамда туну-кун (24/7) ишлайдиган шоҳобчалар сони **2 287** тани ташкил этди.

Шунингдек, 2021 йилда **8** та микрокредит ташкилоти, **9** та ломбард, **15** та тўлов ташкилоти, **1** та тўлов тизими оператори ташкилотларига лицензия берилди. Натижада, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамизда фаолият юритаётган нобанк кредит ташкилотлари сони **144** тани (шундан, 70 таси микрокредит ташкилоти, 73 таси ломбард ва 1 та ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти), тўлов операторлари сони **3** тани, тўлов ташкилотлари сони **35** тани ҳамда кредит бюоролар сони **2** тани ташкил этди.

2.3.2. Кредит ахборотининг давлат реестри ва Кредит бюроси фаолияти

2021 йилда республикада кредит ахбороти алмашинуви тизимини янада ривожлантириш, ундан фойдаланишда, биринчи навбатда, тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш ҳамда хорижий давлатларнинг тажрибаси асосида такомиллаштиришга эътибор қаратилди.

Кредит ахбороти алмашинуви тизими ўз ичига Марказий банкнинг Кредит ахборотининг давлат реестри, “Кредит-ахборот таҳлилий маркази” кредит бюроси” МЧЖ ва “CRIF Кредит-ахборот хизматлари” кредит бюроси” МЧЖларни қамраб олади.

Марказий банкнинг **Кредит ахборотининг давлат реестрида** республикамиз банк тизимида тузилаётган барча кредит битимлари ва ушбу битимлар бўйича амалга оширилаётган операциялар тўғрисидаги маълумотлар жамланган.

2021 йилда Кредит ахборотининг давлат реестри маълумотлар базасига


киритилган жами кредитдан фойдаланувчилар сони **21,4** фоизга ошиб, **5,2 млн.тани**, кредит битимлари сони (тўлиқ ижро этилган кредит битимлари билан бирга) йил бошига нисбатан **27,1** фоизга ошиб, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига қарийб **10,2 мингтани** ташкил этди.

Кредитдан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони 24 фоизга ўсган. Ушбу ҳолат ракамли технологиялардан фойдаланган ҳолда кўрсатилаётган чакана банк хизматларининг ривожланиб бораётганлиги натижасида аҳолининг масофадан ажратиладиган онлайн кредитлардан фойдаланиш даражасининг ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.

2021 йил якуни бўйича кредитдан фойдаланувчилар сонининг **88** фоизини **жисмоний шахслар**, **7** фоизини **юридик шахслар** ҳамда **5** фоизини **якка тартибдаги тадбиркорлар** ташкил этади.

2.3.2.1-чизма

Кредит битимлари сони, минг дона



2.3.2.2-чизма

Кредитдан фойдаланувчилар сони, минг дона



2022 йил 1 январь ҳолатига қарздорлик мавжуд бўлган амалдаги кредит битимлари сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **4,9** фоизга ошиб, **3,4 млн.тага**, қарздорлар сони эса **12,8** фоизга ўсиб, **2,8 млн.тага** етди.

Амалдаги кредит битимларининг **76,1** фоизи давлат банклари ҳамда **23,9** фоизи хусусий ва хорижий банклар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, мавжуд қарздорлар сонининг **94** фоизини жисмоний шахслар, **4** фоизини юридик шахслар ҳамда **2** фоизини якка тартибдаги тадбиркорлар ташкил этади.

Реестр электрон базасидаги маълумотларнинг баланс кўрсаткичлари билан мувофиқлигини ҳамда кредитларга оид ахборотларнинг (тури, мақсади, молиялаштириш манбаси, фоиз ставкаси, таъминоти, тўлов графиги ва

бошқалар) ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида реестр базаси маълумотлари мунтазам равишда инвентаризациядан ўтказиб борилади.


Ахборот алмашинувининг тезкорлиги ва сифатини ошириш мақсадида Кредит ахборотининг давлат реестрининг **янги дастурий мажмуаси** тест синовида ишга туширилди.

“Кредит-ахборот таҳлилий маркази” кредит бюроси (*KATM кредит бюроси*) томонидан 2021 йилнинг февраль ойидан янги форматдаги кредит тарихи (“Скоринг КИАЦ” билан биргаликда) маълумотини масофадан туриб онлайн тарзда КАТМ кредит бюроси веб сайти орқали олиш амалиёти жорий этилди.

2021 йилнинг июль ойидан мазкур ҳисоботни ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам онлайн тарзда олиш имконияти яратилди. 2021 йил якунига қадар фуқаролар томонидан ушбу сайтлар орқали олинган кредит тарихи сони ойма-ой ошиб борди ва жами **145,7 минтани** ташкил этди.

2.3.2.3-чизма

КАТМ кредит бюросидаги кредит ахбороти субъектлари сони, мингда



2021 йилда КАТМ кредит бюроси базасидаги **кредит ахбороти субъектлари сони** 2020 йилга нисбатан 12 фоизга ўсиб, 2022 йил 1 январь ҳолатига 13,4 млн.тадан ошди, шундан 94 фоизи (*12,6 млн. таси*) жисмоний шахслар ва 6 фоизи (*774 мингтаси*) юридик шахслар ҳисобига тўғри келади.

Шунингдек, 2021 йил давомида КАТМ кредит бюросига **кредит ахборотини етказиб берувчилар** сони 132 тага кўпайиб, 2022 йил 1 январь ҳолатига **368** тани ташкил этган.

КАТМ кредит бюроси билан кредит ахбороти алмашинуви бўйича шартномалар тузган **кредит ахбороти фойдаланувчилари** сони 2021 йил мобайнида 126 тага кўпайиб, 2022 йил 1 январь ҳолатига **355** тани ташкил этди.

2.3.2.1-жадвал

Кредит ахбороти фойдаланувчилари сони

Ташкилотлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Тижорат банклари	28	28	30	32	33
Микрокредит ташкилотлар	29	31	55	59	68
Ломбард ташкилотлар	45	53	60	62	70
Лизинг ташкилотлар	1	2	3	5	8
Суѓурта ташкилотлар				1	1
Ритейлер ташкилотлар			13	70	175
Жами	103	114	161	229	355

Бугунги кунда, КАТМ кредит бюроси томонидан банк ва нобанк ташкилотларга жами 40 дан ортиқ турдаги кредит ҳисботлари тақдим этиб келинмоқда.

2.3.2.2-жадвал

КАТМ кредит бюросидан олинган кредит ҳисботлари сони, мингда

Кредит ахбороти фойдаланувчилари	2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил	
	дона	фоиз	дона	фоиз	дона	фоиз	дона	фоиз
Тижорат банклари	825,4	99,9	2 482,5	95,6	2 614,9	80,4	8 456,2	71,2
Нобанк кредит ташкилотлар (микрокредит ташкилот, ломбард, лизинг, суѓурта ва ритейлер ташкилотлар)	0,4	0,05	112,9	4,3	637,4	19,6	3 271,7	27,5
Жисмоний шахслар	0,1	0,01	0,1	0,01	0,2	0,01	146,2	1,2
Жами	825,9	100	2 595,6	100	3 252,5	100	11 874,1	100

Жумладан, 2021 йил давомида банк ва нобанк ташкилотлар томонидан КАТМ кредит бюросидан жами қарийб 11,9 млн. дона кредит ҳисботлари олинган бўлиб, шундан 8,5 млн.таси тижорат банклари, 3,4 млн.таси нобанк кредит ташкилотлари, ритейлер ва жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келган. Олинган маълумотларнинг 98,9 фоизи жисмоний шахслар ва 1,1 фоизи юридик шахсларга тааллукли маълумотлардир.

2.3.3. Гаров реестри фаолияти

Ҳисобот йилида гаров реестри кредит, қарз бериш ва бошқа молиявий хизматларнинг сифатли кўрсатилишига ҳамда тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг молия муассасалари билан ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қиласидиган муҳим воситачи сифатида роли яна ортди.

Гаров реестри томонидан юридик ва жисмоний шахсларга гаров реестридан фойдаланиш бўйича 6 мингдан ортиқ маслаҳат хизматлари кўрсатилиб, гаров реестрида жисмоний шахсларнинг рўйхатдан ўтиши ҳамда киритилаётган ёзувларда кредитор ёки қарздор сифатида кўрсатилганда жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) орқали идентификация қилиш жорий этилди.

Гаров реестри (garov.uz) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси (id.egov.uz) билан интеграция қилинди.

Марказий банк ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ўртасида имзоланган қўшма қарорга мувофик, суриштирув, дастлабки тергов ва судда хатланган ҳамда гаров тарзидаги эҳтиёт чораси сифатида қабул қилиб олинган мол-мулклар тўғрисидаги ёзувлар гаров реестри маълумотлар базасига идоралараро ахборот узатиш тармоғида химояланган алоқа каналлари орқали онлайн тарзда киритиб келинмоқда.

Ҳисобот йилида Адлия вазирлигининг “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимидан, Ички ишлар вазирлигининг “Автомототранспорт воситаларини рўйхатга олиш” ахборот тизимидан ҳамда Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ягона интеграллашган базасидан кредит ташкилотлари учун гаров реестри сайти орқали ушбу ахборот тизимларидан мол-мулк ҳолати (тақиқ бор ёки йўқлиги) тўғрисида маълумот олиш ҳамда бирламчи бозордан олинган мол-мулк бўйича тузилган гаров шартномасига асосан гаровдаги мол-мулкка тақиқ қўйиш ва тақиқдан чиқариш бўйича гаров реестри маълумотлар базаси узлуксиз ишлаши таъминланди.

2021 йилда гаров реестридан фойдаланувчи ташкилотлар сони 206 тага кўпайиб, 2022 йил 1 январь ҳолатига 592 тани ташкил этди.

Бугунги кунда барча тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Миллий гвардия, Давлат солик ва божхона хизмати органлари ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги мажбурий ижро бюросининг гаров

реестрида шахсий кабинетлари рўйхатдан ўтказилган.

Хисобот йилида фойдаланувчилар томонидан гаров мулкига бўлган хуқуқлари тўғрисида гаров реестрига киритилган янги ёзувлар сони 317 мингдан ошган бўлса, тижорат банклари томонидан гаров реестри сайти орқали Адлия вазирлигининг “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимида бирламчи бозордан олинган мол-мулк бўйича тузилган гаров шартномасига асосан гаровдаги мол-мулкка 76 мингдан ортиқ тақиқ қўйилган ҳамда “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимидан 27 мингдан ортиқ мол-мулк ҳолати (тақиқ бор ёки йўқлиги) тўғрисида маълумот олинган.

2022 йил 1 январь ҳолатига гаров реестри маълумотлар базасида жами актив ёзувлар сони 912 мингтани ташкил этмоқда ва ҳисобот йилида мавжуд ёзувларга 193 мингга яқин ўзгартиришлар киритилди.

Шунингдек, ҳисобот йилида 114 мингга яқин ёзувлар гаров реестридан чиқарилган бўлиб, гаров реестрига киритилган 317 мингта ёзувларнинг 80,2 фоизи тижорат банклари, 19,5 фоизи микрокредит ташкилотлари, қолган қисми эса жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари томонидан киритилган. Фойдаланувчиларга ёзувлар бўйича гаров реестридан 10 мингга яқин қўчирмалар тақдим этилган.

2.3.4. Аҳоли омонатларини кафолатлаш тизими

Аҳолининг банклардаги омонатларини химоялаш – банк тизимида бўлган ишончни ошириш орқали аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларни банкларга жалб қилишни рағбатлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

2002 йилдан буён ўз фаолиятини амалга ошириб келаётган Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди банк тизими инфратузилмасининг муҳим ташкил этувчиларидан бири бўлиб, аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлашга ва шу орқали аҳолининг тижорат банкларидаги омонатлари ҳажмининг ўсишига хизмат қилмоқда.

2021 йилда Фонд 1 та янги банк – “Bank Apelsin” акциядорлик жамияти билан ёзма битим тузган ва ушбу банк Фонд реестрига киритилган.

Натижада, 2022 йил 1 январь ҳолатига Фонд реестрига киритилган банклар сони 32 тани ташкил этиб, аъзо банклар реестри матбуотда мунтазам эълон қилиб борилмоқда.

Ҳисобот йилида Фондга тижорат банклари томонидан **172,8 млрд. сўм** миқдорида календарь бадаллар ўтказилган бўлиб, фонд ўз фаолиятини бошлагандан буён жами ўтказилган календарь бадаллар ҳажми 2022 йил 1 январь ҳолатига **938,7 млрд. сўмни** ташкил этган.

Фонднинг инвестиция фаолияти “2021 йилга мўлжалланган асосий прогноз кўрсаткичлар” ҳамда Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондининг вақтинча бўш маблағларини активларга жойлаштириш Мезони”га мувофиқ олиб борилди.

Ҳисобот даврида банклардан келиб тушган календарь бадаллар, ҳисобрақамдаги маблағлар, олинган даромадлар ва муддати тугаши муносабати билан Фондга қайтарилиган жами 803,1 млрд. сўмлик маблағларнинг 548 млрд. сўми давлатнинг қимматли қоғозларига, 255,1 млрд. сўми тижорат банкларининг муддатли депозитлари ва депозит сертификатларига жойлаштирилди.

2021 йилда Фондда мавжуд маблағларнинг инвестиция мақсадларига йўналтирилиши натижасида Фонднинг жами маблағлари ҳажми қарийб 1,3 баробарга ошиб, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига 1 654,1 млрд. сўмга етди.

Инвестицион фаолият натижасида ҳисобот йилида Фонд томонидан жойлаштирилган қўйилмалар ҳисобидан олинган соф даромад 203 млрд. сўмни ташкил этиб, белгиланган режага нисбатан 42 млрд. сўмга ёки 26,1 фоизга кўп бўлди.

2021 йилнинг декабрь ойида Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди Омонатларни суғурталовчилар халқаро уюшмаси (IADI) аъзолигига қабул қилинди. Бу эса ўз навбатида, омонатларни кафолатлаш миллий тизимини халқаро андозалар талаблари доирасида такомиллаштириб бориш имкониятларини яратади.

2.4. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятининг натижалари


Банк-молия тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида банк тизимиға ўзаро тўлдирувчи қисм сифатида нобанк кредит ташкилотларида потенциал мижозларнинг микромолиявий хизматларга бўлган ошиб бораётган талабларини таъминлаш орқали республика миқёсида улар фаолияти **оммабоплигини таъминлаш чоралари кўриб борилмокда**.

Бунда, нобанк кредит ташкилотлари фаолиятидаги хатарларга уларнинг бардошлилигини таъминлаш чоралари доирасида етарли даражада захира буферлари шакллантиришга асосий эътибор қаратилиши ҳисобига 2021 йил давомида нобанк кредит ташкилотлари фаолиятида ҳам асосий кўрсаткичларининг барқарорлиги таъминланди.

Хусусан, ҳисбот йилида нобанк кредит ташкилотлари бозорига янги иштирокчиларнинг кириб келиши, яъни **8** та микрокредит ташкилоти ҳамда уларнинг 30 та филиал ва чакана хизматлар марказлари, **9** та ломбардлар ташкил қилингандиги натижасида нобанк кредит ташкилотларининг умумий сони ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти билан бирга **144** тага етди.

2.4.1-чизма


Нобанк кредит ташкилотлари сони



Натижада, ҳисбот йилида микрокредит ташкилотларининг жами активлари ўтган йилга нисбатан **47** фоизга (409 млрд.сўмга) ошиб, **1,3 трлн.сўмга** етди. Бунда микрокредит ташкилотлари активлари ҳажмининг 409 млрд.сўмга ортиши асосан кредитларнинг 379 млрд.сўмга ва асосий воситаларнинг 12 млрд.сўмга ошиши ҳисобига шаклланди.

2.4.2-чизма


2.4.3-чизма



Шунингдек, ломбардлар жами активлари 2022 йил 1 январь ҳолатига **209** млрд.сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан **43** фоизга ошиши асосан ломбардлар томонидан кредитлаш ҳажмининг ўсиши билан боғлик ҳисобланади.

Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти жами активлари ўтган йил мос даврига нисбатан **3 баробарга** (871 млрд. сўмга) ошиб, **1,3 трлн. сўмга** етди. Бунда активларнинг ошиши асосан кредитлаш суръатларининг юқори даражада (846 млрд. сўмга) ўсиши ҳисобига юз берди.

2.4.4-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари кредит қўйилмалари қолдиги ва жами банк тизимидағи улуши

Үз навбатида, ҳисобот йилида ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти томонидан ахолини арzon уй-жойларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида тижорат банклариға ажратилган кредитлари 2020 йилга нисбатан қарийб **4 баробарга** (846 млрд. сўмга) ортиб, **1,1 трлн.сўмга** тенг бўлди.


2021 йилда микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан кўрсатилган **микромолиявий хизматлар** ҳажми 2020 йилга нисбатан **2 баробарга** ошиб, **3,1 трлн.сўмни** ташкил этди. Натижада, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига микромолиявий хизматларнинг қолдиги **43** фоизга ортиб, **1,3 трлн.сўмга** етди.

Микрокредит ташкилотлари томонидан кўрсатилган микроқарз, микрокредит ва микролизинг хизматлари қолдиғи 2020 йилга нисбатан **43** фоизга ошиб, **1 160.млрд.** сўмни ташкил этган бўлса, **ломбардлар** томонидан ажратилган кредитлар қолдиғи **40** фоизга ошиб, **176 млрд.** сўмни ташкил этли.

Натижада, ҳисобот йилида нобанк кредит ташкилотлари **кредит қўйилмалари жами қолдиғи** 2020 йилга нисбатан **2 баробарга ўсиб, 2,5 трлн. сўмга** (тизимдаги улгуши 0,8 фоизга) етди.


2.4.5-чиズма

Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан қўрсатилган микромолиявий хизматлар қолдиги, млрд. сўмда




Ўтган йилда микрокредит ташкилотларининг жами мажбуриятлари 77 фоизга ошиб, **586 млрд. сўмни**, ломбардлар жами мажбуриятлари эса 14 фоизга ошиб, **21 млрд. сўмни** ташкил этди. Микрокредит ташкилотлари мажбуриятларининг 95 фоизи ҳамда ломбардлар мажбуриятларининг 60 фоизи жалб қилинган маблағлар ҳисобига шаклланди.

2.4.6-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари жами мажбуриятлари динамикаси, млрд. сўмда

2.4.7-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари жами капитали динамикаси, млрд. сўмда

Ҳисобот йилида микрокредит ташкилотлари жами капитали **29** фоизга, **686 млрд. сўмга**, ломбардлар жами капитали **47** фоизга, **188 млрд. сўмга** етган бўлса, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг жами капитали **12** фоизга ошиб, **114 млрд. сўмни** ташкил этди.

Бунда микрокредит ташкилотлари капиталининг **155 млрд. сўмга** кўпайиши, асосан устав капиталининг **51 млрд. сўмга** ва соф фойданинг **88 млрд. сўмга** ўсиши ҳисобига, ломбардлар капиталининг кўпайиши эса асосан устав капиталининг **16 млрд. сўмга** ва соф фойданинг **42 млрд. сўмга** ошиши ҳисобига шаклланди.

Коронакризис оқибатида юзага келган кредит хатарларининг нобанк кредит ташкилотлари молиявий ҳолатига бўлган салбий таъсирини камайтириш бўйича кўрилган чоралар микрокредит ташкилотларидағи муаммоли кредитларни **90 млрд. сўмга**, уларнинг умумий кредитлардаги улушкини эса 20 фоиздан **9** фоизга камайтириш имконини берди.

Хусусан, микрокредит ташкилотлари муаммоли кредитлари қолдиги ҳисобот йили давомида **63** фоизга камайиб, **54 млрд. сўмни** ташкил этган ҳолда жами кредит қўйилмалардаги улушки **18** фоиздан **5** фоизгача тушди.


Шу билан бирга, ломбард ташкилотларида муаммоли кредитлар миқдор жиҳатдан **18 млрд. сўмга** ўсган бўлсада, уларнинг кредит қўйилмалардаги улушки қарийб ўзгаришсиз **34** фоизда қолди.

2.4.8-чизма

Микрокредит ташкилотлари муаммоли кредитлари ҳажми ва жами кредит қўйилмалардаги улуши




Ломбардлар муаммоли кредитлари ҳажми ва жами кредит қўйилмалардаги улуши




Ҳисобот йилида микрокредит ташкилотларининг соғ фойдаси ўтган йилга нисбатан **54** фоизга ўсиб, активлари ҳамда капиталининг рентабеллик даражаси 2022 йил 1 январь ҳолатига мос равишда **20** ва **37** фоизни ташкил этди. 2020 йил мос даврига нисбатан активлар рентабеллиги **1** фоиз бандга ва капитал рентабеллиги **6** фоиз бандга ортди.

2.4.10-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари активлари рентабеллиги (ROA), фоизда



Нобанк кредит ташкилотлари капитали рентабеллиги (ROE), фоизда



Шунингдек, ломбардлар активлари рентабеллиги даражасининг 2020 йилдаги 32 фоиздан **43** фоизгача, капитал рентабеллик даражасининг эса 37 фоиздан **47** фоизгача ўсиши 2021 йилда мазкур ташкилотлар томонидан олинган соф фойда ҳажмининг 2020 йилга нисбатан **90** фоизга ортиши билан изоҳланади.

Шу билан бирга, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг соф фойдаси ўтган йилга нисбатан **8 баробарга** ортган. Бунда, активлар ва капиталнинг рентабеллик даражаси ҳисобот санасига мос равища **1** ва **11** фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан активлар рентабеллиги қарийб **1** фоиз бандга ва капитал рентабеллиги **9** фоиз бандга ортди.

2.5. Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

2.5.1. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

Ҳисобот йилида тижорат банклари фаолиятини тартибга солишда халқаро тан олинган стандартларни, шу жумладан Банк назорати бўйича Базель қўмитаси тавсияларини жорий қилиш орқали меъёрий ва назорат базаларини такомиллаштиришга қаратилган ишлар давом эттирилди.

Хусусан, банкларда кредит таваккалчилиги ҳисоб-китобини янада мақбуллаштириш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида **Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талабларга** тегишли ўзгартериш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Базель III стандартларига мувофиқ банк контрагентлари халқаро рейтинг агентликларидан олган рейтинг баҳолари асосида табақалаштирилган тартибда таваккалчиликка тортилиши белгиланди. Шунингдек, тижорат банкларида фоиз таваккалчиликларининг олдини олиш мақсадида кредитлар бўйича таваккалчилик даражалари уларнинг йиллик фоиз ставкасидан келиб чиқсан ҳолда ўрнатилиши қўзда тутилди. Муҳим ўзгаришлардан яна бири – аҳолига ажратилган ипотека кредитларининг таваккалчилик даражасини белгилашда ипотека кредити суммасининг гаров суммасига нисбати асос қилиб олинган бўлиб, бунда кредитнинг сўндирилиши натижасида унинг таваккалчилик даражаси пасайиб боради.

Банкларда активлар сифатини таснифлаш амалиётини халқаро умумэътироф этилган нормаларга мувофиқлаштириш ҳамда банк муаммоли активларининг янада самарали бошқарилишини таъминлаш мақсадида **Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибига** муҳим ўзгартеришлар киритилди.

Хусусан, активлар сифатини тўғри акс эттириш мақсадида уларни таснифлашнинг муддат бўйича мезонлари халқаро тажрибага мувофиқ қайта кўриб чиқилди. Шунингдек, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ активлар бўйича ҳисобланган фоизларга захира шакллантириш механизми жорий қилинди. Бундан ташқари, захира яратишда юқори ликвидли таъминот суммасини чегириш мақсадида юқори ликвидли гаров ва кафолатга нисбатан талаблар ўрнатилди.

Шу билан бирга, банкларда замонавий ички назорат тизимининг муҳим қисми бўлмиш ички аудит хизмати фаолиятини сифат жиҳатидан

такомиллаштириш мақсадида “Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низом янги таҳирда тасдиқланди.

Бунда, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг “Банкларда ички аудитга оид тамойиллари” ва Ички аудиторлар институтининг “Ички аудитнинг халқаро касбга оид стандартлари” ҳамда бир қатор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси инобатга олинди. Жумладан, банкларда таваккалчиликка асосланган ички аудитни жорий қилиш асослари белгиланиб, унга мувофиқ банкнинг риск-профили аудиторлик текширувларини режалаштириш ва ўтказишда асосий мезон бўлиб хизмат қиласди. Бундан ташқари, банкларда корпоратив бошқарув стандартларига мувофиқ ички аудитнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида банк қузатув кенгashi, бошқаруви ва аудит қўмитасининг вазифа ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди.

Марказий банк 2021 йилда қонун хужжатларида белгиланган талаблар бузилган ҳолларда банкларнинг айрим операцияларини тўхтатиш, уларга нисбатан жарима санкциялари ва бошқа **таъсирчан чораларни қўллаган ҳолда** банк тизими фаолиятини тартибга солиб келди.

Жумладан, ҳисботот йилида:

10 та банкларда Марказий банкка тақдим этилган банк назоратига оид ҳисботларда маълумотларнинг ҳаққоний акс эттирилганлиги ҳолати юзасидан;

10 та давлат улуши мавжуд банкларида муаммоли кредитлар вужудга келишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати, пруденциал ҳисботларда маълумотларнинг ҳаққоний акс эттирилиши ҳамда андеррайтинг фаолияти юзасидан тематик характердаги текширувлар ўтказиб борилди.

Текширув натижаларига кўра, Марказий банк томонидан 2021 йил мобайнида банк қонунчилиги талабларини бузганлиги учун **25 та** банкдан **79 та** ҳолат учун жами **3,7 млрд. сўм** миқдорида **жарима ундирилди**.

Хусусан:

- белгиланган пруденциал меъёрларга риоя этилиши юзасидан аниқланган **5 та** ҳолат бўйича жами **342 млн. сўм** миқдорида;

- ички назорат талаблари бажарилмаслик ҳолатлари юзасидан аниқланган жами **18 тадан 6 та** ҳолатда **1,1 млрд. сўм** миқдорида, қолган **12 та** ҳолатда огоҳлантириш;

- истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича **26 та** ҳолатда **1,2 млрд. сўм** миқдорида;

- валюта операциялари бўйича аниқланган **16** та ҳолат бўйича **787 млн. сўм** миқдорида;

- ҳамда бошқа **6** та ҳолатлар бўйича **252 млн. сўм** миқдорида жарима чоралари қўлланилди.

Шунингдек, муаммоли кредитлар салмоғи ошганлиги ҳамда ликвидлилик бўйича белгиланган пруденциал нормативларга риоя қилинмаганлиги сабабли, **6 та тижорат банкларига** нисбатан юқори ликвидли активларни қисқаришига олиб келадиган барча актив операцияларни амалга оширилишини **тақиқлаш** чораси қўлланилди.

Олдиндан таъсир қўрсатиш чоралари доирасида ўтказилган стресс-тест натижаларидан келиб чиқиб, **19 та** банкларда 2020 йил фойдасидан банк акциядорларига дивидендлар тўлашда **тақиқ ўрнатилди**.

Ликвидлилик ҳолати етарли даражада таъминланмаганлиги сабабли **3 та** банкка депозитларни жалб қилиш ва мавжуд депозитларни қайтариш муддатини узайтириш амалиётини амалга оширилиши юзасидан **чекловлар киритилди**.

2.5.2. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиши ва назорат қилиши

Хисобот йилида нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-хукуқий хужжатларни тизимлаштириш давом эттирилди.

Хусусан, қонуности хужжатларини тизимлаштириш мақсадида микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини тарқоқ ҳолда тартибга солаётган **3 та** меъёрий-хукуқий хужжатни унификация қилиш орқали Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиши тўғрисидаги низом ишлаб чиқилди.

Бунда, микрокредит ташкилотлари томонидан фаолиятни амалга оширишда уларга қўйиладиган талаблар, микрокредит ташкилотлари активлари сифатини таснифлаш, улар бўйича захираларни яратиш ва захиралардан фойдаланиш, ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга оширишнинг умумий қоидалари, кредитларни расмийлаштириш ва бериш тартиби ҳамда ломбардда мол-мулкларни сақлаш тартиби белгиланган.

Шунингдек, такрорлашларга йўл қўймаслик мақсадида унификация жараёнида тегишли қонунларнинг тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалари чиқариб ташланди.

Жаҳон банки кўмагида халқаро тажриба асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва

микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси Олий Мажлис Конунчилик палатасининг 2021 йилнинг 28 декабридаги ялпи йифилишида қабул қилинди.

Мазкур Қонун билан:

- нобанк кредит ташкилотлари рўйхати;
- нобанк кредит ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган (кўрсатиладиган) молиявий операциялар (хизматлар) турлари;
- нобанк кредит ташкилотининг муассисларига, иштирокчилари (акциядорлари)га талаблар;
- микромолия ташкилотлари ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларини ҳисоб рўйхатидан ўтказишнинг ягона тартиби ҳамда ломбардлар томонидан фаолиятни бошлаганлик тўғрисида хабарнома юборилишининг тартиби;
- мутаносиб равища (соддалаштирилган тартибда ёки пруденциал) тартибга солиш;
- нобанк кредит ташкилотлари хизматлари истеъмолчиларининг ҳукуқларини ҳимоя қилиш қоидалари белгиланмоқда.

Шунингдек, 2021 йилда нобанк кредит ташкилотларида меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан 3 та микрокредит ташкилоти фаолияти комплекс инспекциядан ўтказилди.

Инспекция натижасида, Марказий банкнинг меъёрий-ҳукукий ҳужжатлари талабларининг бузилишига йўл қўйган 1 та микрокредит ташкилотини фаолиятини амалга ошириш ҳукуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди, 2 та микрокредит ташкилотига нисбатан жами 130,0 млн. сўм микдорида жарима санкциялари қўлланилди.

2.5.3. Кредит ташкилотларида молиявий мониторингни мувофиқлаштириш ва валюта назорати

Марказий банк томонидан ҳисботот йилида банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ҳамда тўлов хизматларини етказиб берувчи ташкилотлар томонидан ички назорат қоидаларига ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ (кейинги ўринларда – соҳага оид) ахборотни маҳсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартибига риоя этилиши устидан мониторинг ҳамда назоратни таъминлаш юзасидан тизимли ишлар давом эттирилди.

Бунда асосий эътибор, банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ҳамда тўлов хизматларини етказиб берувчи ташкилотлар фаолиятида соҳага оид рискларни аниқлаш ҳамда уларни минималлаштириш механизмларини, соҳага оид меъёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг халқаро меъёрларга мувофиқлаштирилишини таъминлаш, тизимнинг ишлаш самарадорлигини ҳамда ходимларнинг малакасини оширишга қаратилди.

Жумладан, Марказий банк томонидан махсус ваколатли давлат органи билан ҳамкорликда банк, нобанк кредит ташкилотлари тизимида ҳамда тўлов ташкилотларида соҳага оид рисклар баҳоланиб, уларни камайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Марказий банк томонидан соҳага оид назорат, банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ҳамда тўлов хизматларини етказиб берувчи ташкилотларни риск профилидан келиб чиқкан ҳолда стандарт мониторинг, кучайтирилган мониторинг ҳамда текшириш талаб этувчи тоифаларга ажратилган ҳолда, рискка асосланган ёндошув асосида амалга оширилмоқда.

Жумладан, ҳисбот йилида 31 та тижорат банкида, 5 та микрокредит ташкилотида ҳамда 3 та тўлов ташкилотида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари юзасидан масофадан ва жойига чиқкан ҳолда ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганиш натижалари Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси томонидан кўриб чиқилиб, 16 та тижорат банкига нисбатан жами 860 млн. сўм миқдорида жарима чоралари, шунингдек, микрокредит ва тўлов ташкилотларига нисбатан келгусида камчиликлар аниқланган тақдирда қатъий чоралар кўрилиши тўғрисида огоҳлантириш билан боғлиқ чоралар қўлланилди.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё груухи (кейинги ўринларда - Евросиё груухи)нинг халқаро эксперtlари томонидан ўзказилаётган мамлакатимизнинг соҳага оид тизими самарадорлигини ўзаро баҳолашнинг 2-босқичи доирасида 2021 йилнинг июнь ойида баҳоловчи экспертларнинг ташриф миссияси амалга оширилди.

Шунингдек, ҳисбот йилида Жаҳон банкининг техник кўмаги доирасида Марказий банкнинг жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курушиш бўйича тартибга солиш ва назорат функциясини баҳолаш ишлари ўтказилди ҳамда Марказий банкнинг соҳага оид назоратини такомиллаштириш юзасидан 2022-2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Марказий банкнинг соҳага оид меъёрий ҳужжатларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш фаолияти доирасида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талаблари ҳамда Молиявий чораларни қўллаш бўйича маҳсус гурух (FATF – кейинги ўринларда ФАТФ) тавсияларидан келиб чиқиб, маҳсус ваколатли давлат органи билан биргаликда банклар, нобанк кредит ташкилотлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчи ташкилотларда соҳага оид фаолиятни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари”га ички пул ўtkазмалари бўйича тегишли талаблар киритилди ҳамда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича талаблар янгиланди.

Хусусан, Евроосиё гуруҳининг масофадан ўтказилган 34 ва 35-ялпи йиғилишларида гуруҳнинг ички ҳужжатлари ва гурухга аъзо давлатларнинг ҳисботларини кўриб чиқишида ҳамда Россия Федерациясининг Молиявий мониторинг бўйича халқаро ўқув-методик Маркази томонидан видео-конференц алоқа орқали ташкил этилган ўқув семинарларида ва Евроосиё гурухи томонидан ташкил этилган малака оширишга доир семинар-тренингларда иштирок этилди.

Шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари талаблари ижросининг самарали назоратини таъминлаш, соҳага оид меъёрий ҳужжатларнинг моҳияти юзасидан батафсил тушунтиришлар бериш мақсадида маҳсус семинарлар орқали банкларнинг, нобанк кредит ташкилотларининг ва тўлов ташкилотларининг 515 нафар мутахассисларининг соҳага оид билимлари оширилди.

Бундан ташқари, 2021 йил давомида Тошкент Молия институти томонидан ташкил этилган соҳага оид семинарларда тижорат банкларининг 570 нафар мутахассиси иштирок этиб, ўз малакасини оширди.

III. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ, ВАЛЮТА ВА КОММУНИКАЦИЯ СИЁСАТИ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

3.1. Нархлар барқарорлигини таъминлаш

3.1.1. 2021 йилда шаклланган пул-кредит шароитлари


2020 йилда пандемия билан боғлиқ вазиятнинг иқтисодиётга таъсирини юмшатиш, иқтисодий фаолликни қўллаб-куватлаш ва нархлар барқарорлигига эришиш вазифалари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш мақсадида Марказий банкнинг асосий ставкаси йиллик 16 фоиздан 14 фоизгача пасайтирилган ҳамда пул-кредит шароитлари бироз юмшатилиб нисбатан қатъий фазага ўтказилган эди.

2021 йилда ушбу шароитлар ўзгаришсиз сақлаб қолинди ва пул бозоридаги депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари банк тизимида умумий ликвидлик ҳолатини ўзгаришига қараб, ўртача **2-3** фоиз даражасида шаклланиб келди. Фақатгина, ҳисобот йилининг май-июль ойларида умумий ликвидлик ҳажмининг кескин ортиши ҳисобига мазкур фоиз ставкаларининг сезиларли пасайиши қузатилди.

Лекин бу вақтинчалик аҳамият касб этиб, пул-кредит сиёсати инструментларига киритилган тегишли ўзгартаришлар ҳисобига фоиз ставкалари август ойидан бошлаб нисбатан қатъий шароитларда кўзда тутилган даражага қайтди.

3.1.1.1-чизма

Пул бозоридаги депозитлар ва жисмоний шахслар муддатли депозитлари бўйича реал фоиз ставкалари динамикаси, фоизда



Манба: Марказий банк

Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича номинал фоиз ставкалари уларнинг инфляцион қутилмалари билан индексация қилинган ҳолда ҳисобланган реал фоиз ставкалари ҳам 2-3 фоизлик ижобий даражада шаклланмоқда.


2020 йилнинг II ярмида вақтинчалик фойдаланилган мақбул фоиз сиёсати сабабли миллий валютадаги депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайиши кузатилган бўлса, ҳисбот йили бошидан ушбу механизмнинг бекор қилиниши ва банк тизимида депозит жалб қилиш бўйича рақобатнинг кучайиб бориши ҳисобига реал фоиз ставкаларининг ижобий даражаси яна тикланди.

Жисмоний шахслар муддатли депозитларининг инфляция даражаси билан индексация қилинган фоиз ставкалари ҳисбот йили бошидаги 5-6 фоизлик ижобий реал кўрсаткичдан йил давомида **9,3** фоизлик даражагача ўсади.

Муддатли депозитлар бўйича реал фоиз ставкаларининг шаклланиши ахоли жамғариш фаоллигининг ортиши орқали пандемиядан кейинги даврда ялпи талаб ва таклифнинг мувозанатлашишига ҳамда молиявий ресурсларнинг банклар орқали самарали қайта тақсимланишига хизмат қиласи.

3.1.1.2-чизма

Миллий валютадаги кредитлар фоиз ставкалари динамикаси, фоизда



Манба: Марказий банк


Кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаларида ҳам 2020 йилнинг иккинчи ярмидаги пасайиш динамикаси 2021 йил бошидан ўсувчига ўзгариб, йил давомида сезиларли тебранишларсиз **20-22** фоиз атрофида шакланди.

2021 йилда шакланган пул-кредит шароитлари умуман олганда инфляция даражасини мақбуллаштирувчи таъсирга эга бўлди.

Кредитлар бўйича фоиз ставкалари пул маблағларининг нархи – депозитлар бўйича шакланган фоизлар, банклар томонидан мижозга нисбатан ўрнатиладиган рисқ учун мукофот, банкларнинг кутилмалари ва бошқа операцион харжатлари таъсирида тебраниб турди.

3.1.1.3-чизма

Инфляция даражаси ва прогнози, фоизда



Манба: Марказий банк

2020 йилги пандемиянинг иқтисодиётга таъсирини босқичма-босқич сусайиши натижасида ҳисобот йили бошидан йиллик инфляция даражаси пасайиш динамикасига эга бўлган бўлса, коронавируснинг навбатдаги тўлқинларининг жонланиши ҳамда жаҳон бозорларида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва энергия ресурслари нархининг ошиши таъсирида май ойидан бошлаб йиллик инфляция ўсувчи динамикани намоён эта бошлади.

Сентябрь ойидан эса, ушбу динамика яна пасайиш трендига ўтиб, йиллик 10,8 фоизни ташкил этди. 2021 йил якуни бўйича инфляция даражаси ўтган йилдаги юқори база эфекти, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан бозорларни тўлдириш бўйича кўрилаётган чоралар ва жорий пул-кредит шароитларининг сақланиб қолиши ҳисобига **10** фоизгача пасайди.

3.1.2. Пул-кредит сиёсати операцион механизмидаги ўзгаришлар

2021 йилда Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати операцион механизми ва инструментларини такомиллаштириш ҳамда инфляцион таргетлаш режими стандартларига мувофиқлаштириш бўйича ишлар фаол давом эттирилди.

Хусусан, йил бошидан Марказий банк ва Молия вазирлиги томонидан мумомалага чиқариладиган облигациялар бўйича чораклик графикни олдиндан эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилди ва эндиликда тижорат банклари мумомалага чиқарилиши режалаштирилган давлат қимматли қофозлари ҳажмини, муддатини ва турини олдиндан билишлари ҳамда ликвидликни бошқаришда эътиборга олишларига имконият яратилди.

Шунингдек, пул-кредит операциялари ўтказилиш вақтига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилди, хусусан, аукционларни кун бошида ўтказиш ва овернайт операцияларни кун давомида (соат 10:00 дан 16:00 гача) амалга ошириш йўлга қўйилди.

Овернайт операцияларнинг кун давомида очиқ бўлиши банкларнинг ликвидлик бўйича кутилмаларини мувозанатлаштириб, пул бозори фоиз ставкаларига ижобий таъсир кўрсатди.

Шу ўринда, овернайт операциялар бўйича фоиз ставкаларининг иш куни эмас, балки календарь куни бўйича ҳисоблаш амалиёти жорий этилди. Бунга қадар жума ёки байрам олди куни амалга оширилган (3-4 кун давомида фойдаланилган) овернайт операциялар бўйича ҳам 1 кунлик фоиз ставкаси ҳисобланган бўлиб, пул бозоридаги ҳолатдан фарқ қиласа.

Мазкур ўзгартириш билан Марказий банкнинг қисқа муддатли пул-кредит операциялари ва пул бозоридаги депозит амалиётлари бўйича фоиз ҳисоблаш жараёнлари бирхиллаштирилди.

Банк тизими умумий ликвидлиги прогнозидан келиб чиқиб, 2 кундан 13 кунгача бўлган тўғрилаш (“fine-tuning”) операциялари жорий этилди ва бунда мажбурий захиралашнинг ҳисоблаш даври давомида (одатда унинг сўнгги 10 кунлигига) банкларнинг ўртачалаш меъёрини бажариш ҳолатидан келиб чиқиб маълум ҳажмдаги РЕПО, СВОП ва депозит аукционлари ўтказилиши назарда тутилди.


Бироқ, 2021 йилда банк тизимида умумий ликвидликнинг сезиларли ортиши кузатилиб, ўртачалаш меъёрининг мунтазам равишда бажарилиши ҳисобига ушбу операцияларга талаб бўлмади.

Аксинча, май-июль ойларида умумий ликвидликнинг сезиларли ортиши сабабли Марказий банкнинг жалб этиш операцияларига талаб ошди. Натижада, мазкур ҳолат депозит аукционлари ҳажми ва Марказий банк облигацияларининг чиқарилиш графигига тузатишлар киритишни тақозо этди.

Май ойида пул бозоридаги фоиз ставкаларининг пасая бошлиши билан Марказий банк облигациялари қолдиги бўйича лимитлар 5 трлн. сўмдан **7,5 трлн.** сўмгача ва икки ҳафталик депозит аукционлари ҳажми 100 млрд. сўмдан **200 млрд.** сўмгача оширилди. Июнь ойида ҳам умумий ликвидлик ҳажмининг ортишда давом этиши ва бозорда фоиз ставкалари пасаювчи динамикасининг сақланиб қолишига жавобан Марказий банк облигациялари қолдиги лимити **10 трлн.** сўмгача ва икки ҳафталик депозит аукционлари ҳажми эса **500 млрд.** сўмгача оширилди.

3.1.2.1-чизма

Марказий банкнинг қисқа муддатли пул-кредит операциялари қолдиги динамикаси, ой давомида ўртacha кунлик қолдиқ, млрд. сўмда



Манба: Марказий банк

Шунингдек, ҳукумат операцияларининг III чоракда ҳам умумий ликвидликка оширувчи таъсириниң сақланиб қолаётганлиги сабабли пул бозоридаги фоиз ставкалари динамикаси ҳамда банк тизими умумий ликвидлигининг келгуси ойлар учун прогнозидан келиб чиқиб, сентябрь ойида Марказий банк облигациялари қолдиги лимити **15 трлн.** сўмгача ва депозит аукционлари ҳажми бўйича лимит **4 трлн.** сўмгача оширилди.

Бундан ташқари, Марказий банк операцияларининг фоиз коридори ± 2 фоиз бандгача кенгайтирилди ва жорий 14 фоизлик асосий ставка шароитида овернайт РЕПО ва СВОП операциялари 16 фоиздан (асосий ставка

+ 2 фоиз) ва овернайт депозит операциялари 12 фоиздан (асосий ставка – 2 фоиз) амалга оширилмоқда.

Фоиз коридорининг кенгайтирилиши банкларнинг пул бозоридаги фаоллигининг пастлиги (қатнашувчи банклар сони ва қунлик амалиётлар ҳажмининг камлиги) ва натижада банклар ўртасида умумий ликвидликнинг қайта тақсимланиш самарадорлигининг етарли даражада эмаслиги билан изоҳланади.

Халқаро амалиётда асосий ставка даражаси нисбатан юқори бўлган давлатларда фоиз коридорининг кенгроқ бўлиши ҳамда инфляция даражасининг мувозанатлашиши ва асосий ставканинг пасайиши билан фоиз коридорининг торайиб бориши кузатилади.

Кенгроқ фоиз коридорининг жорий этилиши эса, банкларнинг пул бозоридаги операцияларга бўлган қизиқишини ошириш (4 фоиз бандлик тафовут) ва шу орқали пул бозорида фаол иштирок этишини таъминлаш ҳамда Марказий банкнинг пул-кредит операцияларига бўлган талабини қисқартиришга қаратилган.

Инфляцион таргетлаш режими стандартларига мувофик, Марказий банкнинг овернайт депозит операцияларининг чекланмаган миқдорда ўтказилиши йўлга қўйилган дастлабки кундан (5 августдан) бошлаб пул бозори фоиз ставкалари фоиз коридорига қайтди ва ҳисобот йили якунига қадар фоиз коридоридан юқорига ёки пастга оғиши кузатилмади.

Ҳисобот йилининг август ойида мажбурий захиралаш меъёрларига ҳам айrim ўзгартиришлар киритилиб, тижорат банкларининг миллий валютадаги депозитлари учун Марказий банкда шакллантириладиган мажбурий резервлари нормативи миллий валютадаги депозитлар учун **4** фоиз даражасида ўзгартиришсиз қолдирилган бўлса, чет эл валютасидаги депозитлари учун **18** фоиз даражасида белгиланди (олдинги меъёр 14 фоиз).

Хорижий валютадаги депозитлар учун мажбурий захиралаш меъёрларининг оширилиши бир томондан иқтисодиётда депозитлар долларлашувини маълум даражада қисқартирса, иккинчи томондан умумий ликвидликнинг ошиши шароитида ликвидликни бошқаришнинг бир марталик инструменти сифатида хизмат қиласди.

Шу билан бирга, тижорат банкларининг Марказий банқдаги мажбурий резервлари миқдорига нисбатан ўртачалаш коэффициенти 75 фоиздан **80** фоизгача оширилди. Бу хорижий валютадаги депозитлар бўйича мажбурий захиралаш меъёри ўзгартирилишининг банкларга бўлган босимини минималлаштириди.


Шунингдек, ўртачалаш коэффициентининг оширилиши бир томондан банкларнинг ликвидликни бошқаришдаги мослашувчанлигини оширса, бошқа томондан вакиллик ҳисобварағида сақланиши лозим бўлган маблағлар ҳажмининг ортиши орқали банкларнинг пруденциал нормативларни бажаришига ижобий таъсир кўрсатади.

3.1.3. Банклараро пул бозори фаолияти таҳлили ва фоиз ставкалари

Ҳисобот йили давомида пул бозорида тижорат банклари фаоллигининг ортиши қузатилиб, ҳукумат амалиётларининг мавсумий камайтирувчи таъсири ҳисобига I чоракда умумий ликвидлик ҳажмининг нисбатан мувозанатли бўлиши банклараро депозитлар ҳажмининг ўсишига хизмат қилди. Бироқ, апрель ойидан бошлаб ҳукумат харажатларининг сезиларли кўпайиши ва бунинг натижасида, банкларда умумий ликвидлик ҳажмининг ўсиб бориши фонида банклараро амалиётлар ҳажмининг ҳамда улар бўйича фоиз ставкаларининг кескин пасайиши ва фоиз коридори қуий чегарасидан ҳам чиқиб кетиши кузатилди.

3.1.3.1-чизма

Банклараро пул бозорида операциялар ҳажми ва фоиз ставкалари




Манба: Марказий банк

Умуман олганда, 2021 йил давомида пул бозорида жами **100,4 трлн. сўмлик**, яъни 2020 йилдагидан қарийб **2 баробар** кўп операциялар амалга оширилди. Пул бозоридаги амалиётлар ҳажмининг кўпайиши тижорат банклари томонидан ликвидликни бошқариш самарадорлигининг ортиб бораётганлигидан далолат беради.

3.1.3.2-чизма

Пул бозорининг “UZONIA” ва “UZWIA” индекслари




Манба: Марказий банк

Банк тизимида ликвидлик таркибий профицитининг ўсиб бориши ҳамда банклараро пул бозоридаги шароитларнинг сезиларли даражада юмшали кузатилиб, июль ойида ўртача тортилган фоиз ставкалари **8,7** фоизгача пасайган бўлса, август ойидан бошлаб операцион механизмдаги тегишли ўзгартиришлар хисобига фоиз ставкаларининг **13** фоизгача кўтарилиши ва фоиз коридори доирасига қайтиши кузатилди.

3.1.3.3-чизма

Банклараро депозит ва пул-кредит операцияларининг ойлик ўртача қолдиги динамикаси, трлн. сўмда




Манба: Марказий банк

Умумий ликвидликнинг ортиши ва унинг пул бозоридаги амалиётлар хажмига таъсирида банкларнинг ўзаро депозитлари бўйича мажбуриятлари қолдигининг Марказий банк пул-кредит операциялари бўйича ўртacha ойлик қолдигига нисбати ўтган йил давомида кескин пасайиб, декабрь ойида **30** фоизга тенг бўлди.

Пул-кредит инструментларидаги ўзгаришлар таъсирида пул бозоридаги депозит операциялари таркибида ҳам сезиларли ўзгариш рўй бериб, қисқа муддатли операциялар, хусусан, овернайт операциялар ҳажмининг сезиларли ўсиши кузатилмоқда.

3.1.3.4-чизма

Банклараро пул бозоридаги операцияларнинг муддати бўйича улуши, фоизда



Манба: Марказий банк

Жумладан, пул бозорида муддати 7 кунгача бўлган депозит операцияларининг жамидаги улуши 2021 йил давомида ўртacha 89 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичга нисбатан **17** фоиз бандга ошди.

Ўз навбатида, 8 кундан 90 кунгача бўлган депозит операциялар ҳажми 2021 йилда ойлик ўртacha **9** фоизни ташкил этиб, 2020 йил мос даврига нисбатан 17 фоиз бандга камайди. Муддати 90 кундан юқори бўлган депозит операциялари эса деярли кузатилмади.

Мазкур ҳолат рисклилик даражаси йўқ бўлган ва юқори ликвидли актив ҳисобланган Марказий банк облигациялари чиқарилиш лимитларининг босқичма-босқич ошириб борилгани сари тижорат банкларининг ликвидлик даражаси нисбатан паст ва рискли актив бўлган узоқ муддатли депозитларга таклифи камайиши билан изоҳланиши мумкин.

3.1.4. Ички валюта бозоридаги амалиётларга киритилган ўзгартеришлар

Инфляцион таргетлаш режимини самараги жорий этишда валюта сиёсатида Марказий банкнинг валюта интервенцияларини такомиллаштириш, маркет-мейкерлар институтини ривожлантириш, Ўзбекистон республика валюта биржасида ўтказиладиган валюта савдоларини амалдаги “**фиксинг**” усулидан узлуксиз аукцион “**мэтчинг**” усулига ўтказиш ҳамда валюта курсининг шаклланишида тижорат банкларининг ролини ошириш вазифалари белгиланган эди.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Марказий банк бошқарувининг қарори билан 2021 йилнинг 15 февралядан бошлаб **ички валюта бозоридаги амалиётлар бўйича қуидаги ўзгартеришлар амалга оширилди**:

1. Валюта курсини аниқлашда мавжуд фиксация қилиш (“fixing”) усулидан давомли аукцион – “matching” усулига ўтилди.

Аксарият ривожланаётган давлатлар, шунингдек, инфляцион таргетлаш режимини жорий этган барча давлатларда валюта савдолар давомли аукцион (“matching”) усулида амалга оширилади.

Давомли аукцион усулида ички валюта бозоридаги савдолар узоқроқ муддат давом этади, сотиб оловчи ва сотувчиларнинг нархлари ўзаро мувофиқ келган буюртмалари бўйича турли курсларда операциялар амалга ошиб боради ва бозор иштирокчиларининг курсни аниқлашдаги аҳамияти ортади. Марказий банк ҳам бозорнинг бир иштирокчиси сифатида ўз интервенцияларини амалга ошириди.

Бу усул валюта курси шаклланишида бозор тамойилларини кенгроқ жорий этиш, унинг тўлиқ талаб ва таклиф асосида шаклланишини таъминлаш ҳамда макроиқтисодий шароитларга мослашувчанлигини ошириш имконини беради.

Мазкур ўзгартеришларга кўра, валюта биржасида валюта олди-сотдиси бўйича савдо сессиялари соат 10:00 дан 10:30 гача “**колл аукцион**” усулида ҳамда соат 10:30 дан 15:00 гача узлуксиз аукцион “**мэтчинг**” усулида амалга оширилмоқда.

2. Марказий банк расмий курсининг кунлик белгиланиши йўлга қўйилди.

Ички валюта бозоридаги савдоларнинг “**мэтчинг**” усулига ўтказилиши натижасида валюта шартномалари турли валюта курсларида (банкларнинг ўзаро келишувлари асосида) тузилиши, савдолар тугагач кунлик ўртacha валюта курсини аниқлашга имконият яратилди.

Бунда расмий валюта курси валюта биржаси аукцион савдолари орқали соат 10:00 дан 15:00 гача бўлган вақт оралиғида амалга оширилган валюта олди-сотди операцияларининг ўртacha тортилган курслари миқдорида белгиланиб, ҳар банк иш куни соат 16:00 да эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

3. Валюта олди-сотдиси бўйича ҳисоб-китоблар халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди.

2021 йилга қадар ички валюта бозоридаги валюта олди-сотди операциялари бўйича ҳисоб-китоблар T+0 (буғунги иш куни) шаклида, яъни тижорат банклари томонидан пул маблағларининг ўтказилиши шу куннинг ўзида амалга оширилган.

Халқаро амалиётда ва валюта операциялари бўйича стандартларда ҳисоб-китобларни амалга оширишда T+1 (кейинги иш куни) ва T+2 (кейинги иккинчи иш куни) шакллари кенг қўлланилиб келинади ва бу тижорат банкларига валюта бозорида эркин савдо қилиш ва ўз ликвидликларини савдо натижаларига кўра шакллантириш имконини беради.

4. Тижорат банкларига ички валюта бозорида эркин савдо қилиш имконияти берилди.

Тижорат банкларининг ички валюта бозорини янада ривожлантиришдаги, хусусан, валюта курсини аниқлашдаги ролини ошириш мақсадида тижорат банкларининг мижозлар номидан банклараро валюта савдосида қатнашиш амалиётидан воз кечилди ва уларга ўз очиқ валюта позициялари доирасида чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш имкониятлари яратилди.

Давомли аукцион усулида тижорат банкларига очиқ валюта позициялари доирасида ички валюта бозорида хорижий валютани эркин сотиш ёки сотиб олиш имкониятининг берилиши уларнинг валюта курсини аниқлашдаги иштирокини рағбатлантиради ва мувозанатли валюта курси шаклланишига ёрдам беради.

5. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган валюта интервенциялари стратегияси” тасдиқланди. Стратегия ўз ичига Марказий банк валюта интервенцияларининг асосий тамойиллари, мақсад ва вазифалари, интервенция шакллари ҳамда у соҳадаги коммуникацион жараёнларни қамраб олган.

3.1.5. Пул-кредит сиёсати трансмиссион механизми самарадорлигини ошириш йўналишидаги чора-тадбирлар

2021 йилда Марказий банк пул-кредит сиёсати бўйича қабул қилаётган қарорларининг иқтисодиётдаги фоиз ставкаларига, молиявий активлар нархига, макроиктисодий кутилмаларга самарали ўтиши ва пировардида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг истеъмол, жамғарма ва инвестициялар бўйича қарорларида ўз аксини топиши бўйича чора-тадбирларини фаол давом эттириди.

Трансмиссион механизмнинг бир неча каналлари таркибида Марказий банкнинг жорий пул-кредит сиёсатида **фоиз канали** асосий ўрин тутса ҳам, бошқа каналларнинг ҳам фаоллигини ошириш орқали пул-кредит сиёсати таъсир доирасини кенгайтириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2020-2021 йилларда фоиз канали самарадорлигини ошириш, хусусан, самарали операцион механизмни ташкил этиш орқали асосий ставка бўйича қарорларнинг пул бозорига ўтиши бўйича тегишли шароитлар ва инструментлар жорий этилди. Натижада, асосий ставка бўйича қарорларнинг пул бозоридаги фоиз ставкаларига таъсири ортиб борди.

Хусусан, ҳисобот йилида ҳам **8 маротаба** Марказий банкнинг асосий ставкасини кўриб чиқиши бўйича бошқарув йигилишлари ўтказилди ва ташки ва ички иқтисодий шароитларда юзага келган вазият, инфляцион жараёнлар ва кутилмалар, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари динамикасидан келиб чиқиб, асосий ставкани ўзгартиришсиз қолдириш бўйича қарорлар қабул қилинди.

Ўз навбатида, пул-кредит сиёсати инструментлари ва операцияларига киритилган зарурӣ ўзгартиришлар ҳисобига пул бозоридаги амалиётлар бўйича фоиз ставкаларининг ҳисобот йилининг сўнгги 5 ойида тўлиқ Марказий банк фоиз коридори доирасида асосий ставкага яқин даражада шаклланишини таъминлашга эришилди.

Пул бозоридаги фоиз ставкаларининг иқтисодиётдаги депозитлар ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларига таъсирини оширишда молиявий бозорлар ва инструментларнинг ривожланиши муҳим ўрин тутиб, ҳисобот йили давомида давлат қимматли қофозлари бозорида савдо ҳажмини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 2021 йил давомида муомалага жами **4,9 трлн.** сўмлик Молия вазирлиги облигациялари ва **24,2 трлн.** сўмлик Марказий банк облигациялари чиқарилди. 2022 йил 1 январь ҳолатида муомалада **12,1 трлн.** сўмлик Марказий банк облигациялари ва **4,7 трлн.** сўмлик Молия вазирлиги томонидан чиқарилган давлат қимматли қофозлари айланмоқда.

Валюта курси каналининг таъсирчанлиги кўп жиҳатдан капитал оқимлари ҳаракатланишининг эркинлик ва молия бозорларининг ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Ҳисобот йилида ички валюта бозоридаги амалиётларни бозор тамойилларига ўтказиш ва тижорат банкларининг валюта курсини аниқлашдаги ролини ошириш бўйича тизимли ўзгаришлар амалга оширилди.

Кредит канали ҳам пул-кредит сиёсати бўйича қарорларни иқтисодиётга ўтишини таъминловчи муҳим каналлардан бўлиб, фоиз канали билан қучли боғлиқликда ҳисобланади. Яъни, фоиз ставкалари ўзгариши кредитлар ҳажмига ва у орқали иқтисодий ўсишга сезиларли таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ти Фармонида барча имтиёзли кредитлар 2020 йил 1 январдан бошлаб Марказий банк асосий ставкасидан кам бўлмаган фоиз ставкаларида ва 2021 йил 1 январдан бошлаб бозор ставкаларида ажратилиши белгиланган эди.

Бироқ, коронавирус пандемияси ва унинг оқибатида юзага келган иқтисодий инқироз шароитида аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021 йилда ҳам ҳудудий давлат дастурлари, хусусан, оиласи тадбиркорлик давлат дастурлари бўйича кредитларни Марказий банк асосий ставкаси доирасида бериш амалиёти давом эттирилди.

Компенсация механизми орқали зарур ҳолларда тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган қарз олувчиларга, айрим соҳа ва йўналишларнинг ривожланишига қўмаклашиш мақсадида улар олган кредитлар бўйича фоиз тўловларининг бир қисми Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан тўлаб бериш тизими амалиётга киритилди.

Умуман олганда, инфляцион таргетлаш режимига ўтишнинг дастлабки йилларида Марказий банкнинг асосий эътибори операцион механизмни такомиллаштириш ва шаффоф коммуникация сиёсатини йўлга қўйиш орқали режимнинг фундаментал шароитларини яратишга қаратилган бўлса, келгуси йилларда трансмиссион механизм каналлари самарадорлигини ошириш ва қабул қилинаётган қарорларнинг иқтисодиётга таъсир доирасини кенгайтириш асосий вазифалардан бўлади.

3.2. Валюта сиёсати ва валюта бозоридаги операциялар таҳлили

2021 йилда валюта сиёсати “Халқаро валюта жамғармаси билан келишув моддалари” доирасида қабул қилинган мажбуриятлардан келиб чиқкан ҳолда юритилиб, республикамизда жорий халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китобларнинг эркин амалга оширилиши ҳамда мазкур операциялар учун чет эл валютасининг чекловларсиз сотиб олиниши ва сотилиши тўлиқ таъминланди.

Жаҳон иқтисодиётидаги вазият ҳамда жорий макроиқтисодий ҳолатдан келиб чиқиб, ички валюта бозоридаги мувозанатни турли хатарлардан ҳимоя қилиш мақсадида капитал ҳаракати операцияларига нисбатан консерватив ёндашув сақлаб қолинди.

Ўз навбатида, мамлакатда капитал ҳаракати билан боғлиқ жорий вазиятни таҳлил қилиш ҳамда капитал ҳаракатини самарали бошқариш юзасидан Халқаро валюта жамғармасининг техник кўмак миссияси жалб қилиниб, ушбу миссия билан ҳамкорлик ва ўзаро маслаҳатлашувлар ҳисобот йилида ҳам давом эттирилди.

Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорликда **капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларни эркинлаштириш** бўйича чора-тадбирлар қонунчилик базасини такомиллаштириш орқали эҳтиёткорлик тамойилини қўллаган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Валюта сиёсати доирасида ички валюта бозорида Марказий банк фаоллигини пасайтириб боришга ва тижорат банкларининг алмашув курсини аниқлашдаги ролини оширишга, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларнинг валюта операциялари тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, валютани тартибга солиш ва назорат қилиш соҳасидаги талабларга тижорат банклари томонидан қатъий амал қилиниши бўйича ўрганишлар ўтказилиб борилди ҳамда банкларга камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.


3.2.1. Ташқи савдо операциялари бўйича маблағлар ҳаракати таҳлили

2021 йилда коронавирусинг янги штаммлари тарқалишига қарамасдан, савдо ҳамкор мамлакатларда карантин чекловларининг юмшатилиши глобал иқтисодиётда талаб ва таклифнинг пандемиядан олдинги давридаги даражага тикланиши, ташқи савдо айланмасининг ўсишига олиб келди.

Хусусан, ҳисобот йилида хўжалик юритувчи субъектларнинг жами экспорт тушумлари⁴ 2020 йилга нисбатан **35** фоизга ўсиб, **11,7 млрд. долларни**, импорт тўловлари 2020 йилга нисбатан **26** фоизга ошиб, **26 млрд. долларни** ташкил этди ва ташқи савдо операциялари бўйича валюта маблағлари ҳаракатининг манфий сальдоси **14,3 млрд. долларга** (*2020 йилда 11,8 млрд. доллар*) тенг бўлди.

3.2.1.1-чизма

2020-2021 йилларда корхоналарнинг экспорт тушумлари ҳамда импорт тўловлари миқдори, млн.АҚШ долларда




Натижада, импорт тўловларини экспорт тушумлари билан қопланиш даражаси (“Terms of trade”) 2020 йилдаги 42 фоиздан **45** фоизгача ошиб, импортга йўналтирилган тўловларнинг қолган қисми корхоналарнинг ўз маблағларидан ташқари, ички валюта бозорида харид қилинган маблағлар ёки хорижий валютадаги кредитлар ҳисобидан молиялаштирилди.

⁴ Maxsus экспорт (номонетар олтин ҳамда кумуш)дан ташқари.

3.2.1.2-чизма

2020-2021 йилларда иқтисодиёт тармоқларининг экспорт тушумлари тузилмаси, фоизда



2021 йилда жами экспорт тушумларининг **58** фоизи ёки **6,8 млрд. доллари** иқтисодиётнинг тармоқ корхоналари хиссасига тўғри келиб, бунда **тоғ-кон саноатининг** улуши **37** фоиз, **енгил саноат** соҳасининг улуши **34** фоиз ва ёқилғи-энергетика соҳасининг улуши **13** фоизни ташкил этди. Шунингдек, халқаро транспорт хизматлари (7 фоиз) ва бошқа соҳалар (10 фоиз) улушларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмади.

Худудий ва хусусий корхоналарнинг жами экспорт тушумидаги улуши **42** фоиз (**4,9 млрд. доллар**) доирасида шаклланиб, ушбу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 36 фоизга ёки 1,3 млрд. долларга кўпайди.

Мазкур ҳолат пандемиядан кейинги даврда иқтисодий фаоллик ва глобал ишлаб чиқариш занжирларининг аста-секинлик билан тикланиши, халқаро транспорт ташувларнинг босқичма-босқич йўлга қўйилиши ва Ўзбекистонда экспорт фаолиятини давлат томонидан молиявий қўллаб-куватланиши билан изоҳланади.

Экспорт тушумлари ҳамкор давлатлар кесимида қаралганда, уларнинг **61** фоизи **5** та хорижий давлатларга, хусусан, **18** фоизи (2,1 млрд. доллар) Хитой, **17** фоизи (1,9 млрд. доллар) Россия Федерацияси, **10** фоизи (1,1 млрд. доллар) Қозоғистон, **9** фоизи (1 млрд. доллар) Туркия, **7** фоизи (847 млн. доллар) Сингапур давлатлари хиссасига тўғри келди.

Хисобот йилида жами экспортдан келиб тушган валюта маблағларининг **96** фоизини АҚШ доллари ва **2** фоизини евро ташкил қилди.


Жами импорт тўловларининг **59** фоизи ёки **15,4** млрд. доллари ички валюта бозоридан харид қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиб, харид ҳажмлари 2020 йилга нисбатан **31** фоизга кўпайди.

Хорижий валютадаги кредитлар ҳисобидан амалга оширилган импортга тўловларнинг 2020 йилга нисбатан **7** фоизга ёки **273** млн. долларга ўсиши кузатилиб, умумий ҳажми **4** млрд. долларни ташкил этди.

Корхоналарнинг ўз валюта маблағлари ҳисобидан амалга оширилган импортга тўловлари ҳажми **6,5** млрд. долларни (жами импорт тўловларининг қарийб 25 фоизи) ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан **1,5** млн. долларга ёки **31** фоизга ошди.

3.2.1.3-чизма

2020-2021 йилларда корхоналарнинг импорт тўловлари ва манбалари динамикаси, млн.АҚШ долларда



Импорт шартномалари бўйича валюта тўловлари ҳажмининг ўсиши саноат ва худудларни иқтисодий ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилмани яхшилаш бўйича давлат дастурлари, шунингдек, хусусий сектор томонидан жойларда бизнес-лойиҳаларни амалга ошириш доирасида хориждан технологиялар, ускуна ва хомашё олиб келиниши ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли ортиши билан изоҳланади.

Жами импорт тўловларининг **58** фоизи **5** та ҳамкор мамлакатларга ўтказилган бўлиб, шундан **18** фоизи (4,7 млрд. доллар) Россия Федерацияси,

16 фоизи (4,2 млрд. доллар) Хитой, **8** фоиздан мос равишда Жанубий Корея (2,1 млрд. доллар), Қозогистон (2,1 млрд. доллар) ва Туркия (2 млрд. доллар) давлатлари ҳиссасига түгри келди.

2021 йилда ташқи савдо шартномалари доирасидаги импорт тўловларининг **83** фоизи (21,4 млрд. доллар) АҚШ долларида, **12** фоизи (3,2 млрд. доллар) еврода, **4** фоизи (1,2 млрд. доллар) Россия рублида ва қолган **1** фоизи бошқа валюталарда амалга оширилган.


3.2.2. Ички валюта бозоридаги операциялар таҳлили

Ички валюта бозори 2021 йилда чет эл валютасига бўлган талабнинг ортиши ҳамда қулай ташқи бозор конъюнктураси ва иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари фонида таклифнинг ҳам ўсиши билан характерланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сотиб олинган жами валюта ҳажми ўтган йилга нисбатан **40** фоизга ошиб, **21,5** млрд. АҚШ долларини (*2020 йилда—15,4 млрд. АҚШ доллари*), сотилган валюта ҳажми эса **1,7** баробарга ошиб, **11** млрд. АҚШ долларини ташкил қилди (*2020 йилда—6,7 млрд. АҚШ доллари*).

3.2.2.1-чизма

2021 йилда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сотилган ва сотиб олинган хорижий валюталар ҳажми, млн. АҚШ долларида



Ҳисобот йилида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ички валюта бозорида харид қилинган хорижий валюта маблағларининг **57** фоизи ишлаб чиқариш учун **асбоб-ускуналар, бутловчи қисмлар ва хомашё импорти**, **20** фоизи истеъмол товарлари ва дори-дармон маҳсулотлари импорти, **20** фоизи хорижий валютадаги кредитларни сўндириш, **1** фоизи хорижий инвесторлар даромадлари репатриацияси ва қолган **2** фоизи бошқа мақсадлар учун ишлатилган.

2021 йилда ички валюта бозорида чет эл валютасини харид қилган хўжалик юритувчи субъектларнинг ойлик ўртача сони **9 887** тани ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан **1,4 баробарга** ошган (*2020 йилда – 7 137 ta*).

3.2.2.2-чизма


2020-2021 йилларда чет эл валютасини сотиб олиш мақсадлари таркиби, фоизда



Ички валюта бозорида чет эл валютасидаги умумий таклиф ҳажми 2021 йилда **18,2 млрд. АҚШ долларини** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,8 баробарга** ўсди (*2020 йилда – 10,1 млрд. АҚШ долл.*).

3.2.2.3-чизма

2020-2021 йилларда хорижий валюта таклифи манбалари, млн.АҚШ долл.



Хусусан, 2021 йилда тижорат банклариға хұжалик юритувчи субъектлар томонидан **11,0 млрд.** АҚШ доллары миқдоридаги чет әл валюталари сотилған бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан **1,7 баробарга ошди** (*2020 йилда – 6,7 млрд. АҚШ долл.*);


2021 йилда Марказий банк томонидан монетар олтин сотиб олиниши ҳисобига юзага келган қўшимча ликвидликни стерилизация қилиш мақсадида амалга оширилган интервенция операциялари соғ ҳажми **3,2 млрд. АҚШ** (*36,2 трлн. сўм эквивалентида*) долларини ташкил этди.

Ҳисобот даврида миллий валютанинг алмашув курси динамикаси ички валюта бозоридаги талаб ва таклиф факторлари ҳамда ташқи омиллар таъсирида шаклланди.

Хусусан, республикада иқтисодий ва инвестицион фаолликнинг тезлашиши натижасида валютага бўлган талабнинг ўсиши, ўз навбатида, қулай ташқи шароитлар ва жаҳонда асосий экспорт товарларимизга бўлган нархларнинг ошиши фонида хұжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан валюта таклифининг кўпайиши билан мувозанатланди.

3.2.2.4-чизма

2021 йилда АҚШ долларининг миллий валютага нисбатан расмий курси динамикаси, сўм/АҚШ долл.



Натижада, ҳисобот йилида миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан курси **3,4** фоизга қадрсизланди. Ушбу кўрсаткич 2020 йилда **10,1** фоизни ташкил этган.

Жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операциялари

Хисобот йилида ахолига валюта операцияларини амалга оширишда қўшимча кулайликлар яратиш мақсадида валюта айирбошлаш инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги фаолият давом эттирилди.

Хусусан, ахоли гавжум жойларда, туристик зоналар, аэропортлар, вокзаллар, савдо мажмуалари ва бозорларда “24/7” режимида ишловчи **автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчалари сони 1 306 тадан 1 572 тага етказилди.**


Натижада, 2021 йил якуни бўйича валюта айирбошлаш шохобчаларининг умумий сони (*автоматлаштирилган шохобчалар билан бирга*) 2020 йилга нисбатан **814 тага ошиб, 3 478 тани ташкил этди.**

2021 йилда тижорат банклари томонидан жисмоний шахслардан жами **7,1 млрд. АҚШ доллари** миқдорида 2020 йилга нисбатан **1,5 баробарга ёки 2,5 млрд. АҚШ долларига** кўп хорижий валюта сотиб олинди.

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга жами **4,6 млрд. АҚШ доллари** миқдорида ёки 2020 йилга нисбатан **12 фоизга** (487 млн. АҚШ доллари) кўп валюта маблағлари сотилди.

3.2.2.5-чизма

2021 йилда жисмоний шахсларнинг валюта айирбошлаш операциялари ҳажми, млн. АҚШ долларидан



Бунинг натижасида валюта айирбошлаш операцияларининг мусбат сальдоси ўтган йилги **500** млн. АҚШ долларидан **2,5 млрд. АҚШ долларигача** кўпайди ва **ички валюта бозорида қўшимча таклиф манбаи бўлиб хизмат қилди.**

3.2.2.6-чизма

2021 йилда автоматлаштирилган валюта айирбошлаш банкоматларининг валюта айирбошлаш операциялари ҳажми, млн. АҚШ долларида

2021 йилда “24/7” режимида ишловчи автоматлаштирилган валюта айирбошлаш банкоматлари орқали жисмоний шахслардан сотиб олинган нақд чет эл валютаси **324 млн. АҚШ долларини** ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан **31** фоизга ҳамда жисмоний шахсларга 100 АҚШ долларигача бўлган миқдорда сотув амалиёти орқали жами **85 млн. АҚШ доллари** ёки 2020 йилга нисбатан **5** баробар кўп валюта маблағлари сотилди.

Жисмоний шахслар томонидан автоматлаштирилган банкоматлар орқали валюта айирбошлаш ҳажмининг ортиб бориши, банкоматлар қамровининг ошганлиги, банкоматлардан тун-у кун фойдаланиш имкониятининг яратилганлиги билан изоҳланади.


2021 йилда халқаро трансчегаравий пул ўтказмалари орқали республикага жами **8,1 млрд. АҚШ доллари** миқдорида ёки 2020 йилга нисбатан **34** фоизга кўп хорижий валюта маблағлари келиб тушди.

Республикага келиб тушган халқаро пул ўтказмаларининг **70** фоизи (2020 йилда 72 фоиз) ёки **5,7 млрд. АҚШ доллари** **Россия Федерацияси**, 9 фоизи (2020 йилда 6 фоиз) ёки 759 млн. АҚШ доллари **Қозогистон** ҳамда 6 фоизи (2020 йилда 6 фоиз) ёки 501 млн. АҚШ доллари **АҚШ** ҳиссасига тўғри келди.

Бунда, ўргача келиб тушган бир ўтказма суммаси 2020 йилга нисбатан **10** фоизга ошиб, **459 АҚШ долларини** ташкил қилди.

3.2.2.7-чизма

**Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга сотилган чет эл
валютаси ҳажми**



Мазкур ҳолат 2021 йида тижорат банклари томонидан жисмоний шахслардан **харид қилинган чет эл валютаси** транзакциялари ҳажмида ҳам ўз аксини топди. Хусусан 1000 АҚШ долларигача бўлган транзакциялар ҳажми жами транзакцияларнинг **48** фоизини (*2020 йилда 50* фоиз), 1000 АҚШ долларидан юқори бўлган транзакциялар ҳажми **52** фоизини (*2020 йилда 50* фоиз) ташкил этди.


Шунингдек, 2021 йилда миллий валюта курсининг барқарорлашиши натижасида миллий валютадаги депозитларнинг жозибадорлиги ортиб бораётганлиги, пул муомаласида яратилаётган қулийликлар ҳамда валюта айирбошлиш инфратузилмасининг яхшиланиб бораётганлиги жисмоний шахсларга **сотилган чет эл валютаси** транзакциялари таркибида ҳам маълум бир ўзгаришлар кузатилишига сабаб бўлди. Хусусан:

- 5 000 АҚШ долларигача бўлган транзакциялар ҳажми жами транзакциялар ҳажмининг **59** фоизини ёки **2,7** млрд. АҚШ долларни (*2020 йилда 56* фоиз);
- 5 000 АҚШ долларидан юқори бўлган транзакциялар ҳажми жами транзакциялар ҳажмининг **41** фоизини ёки **1,9** млрд. АҚШ долларни (*2020 йилда 44* фоиз) ташкил этди.

2021 йилда жисмоний шахслар томонидан хорижий давлатларга юборилган пул ўтказмалари ҳажми **1,6** млрд. АҚШ доллар миқдорида шаклланиб, 2020 йилга нисбатан **35** фоизга ёки **420** млн. АҚШ долларига ортиқ бўлди.

3.2.2.8-чизма

Халқаро трансчегаравий пул ўтказмалар орқали келиб тушган ва хорижга жўнатилган маблағлар динамикаси, млн. АҚШ долларида



Ўтказмалар хажмининг ўсиши карантин чораларининг юмшатилиши ва иқтисодий фаолликнинг тикланиши натижасида ишчи кучига талабнинг ортиши ҳамда жисмоний шахсларнинг расмий халқаро пул ўтказмалари тизимидан фойдаланишининг ортиб бориши билан изоҳланади.

3.2.2.9-чизма

Халқаро пул ўтказмалари орқали келиб тушган маблағлар ҳамда жисмоний шахслар томонидан чет эл валютаси сотуви ҳажми, млн. АҚШ долларида



2021 йилда жисмоний шахслар томонидан тижорат банкларига сотилган хорижий валюта ҳажми халқаро пул ўтказмалари орқали келиб тушган валюта ҳажмининг **76** фоизидан (2020 йилда **4,6** млрд. АҚШ доллари) **88** фоизигача кўтарилиб, **7,1** млрд. АҚШ долларни ташкил этди.

3.3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захираларини бошқариш борасидаги фаолият

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг халқаро захираларини бошқариш, ҳисобга олиш, сақлаш ҳамда захира активларини ўз ичига олган ташқи сектор статистикасини шакллантириш ва эълон қилиш фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида халқаро захиралар шаклланишининг асосий манбаларидан бири Марказий банк томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналардан сотиб олинадиган олтин ҳисобланади. Марказий банк 2021 йил давомида ишлаб чиқарувчи корхоналардан қарийб 100 тонна олтинни жаҳон бозорида шаклланган нархларда миллий валютада сотиб олди.

Халқаро захиралар ҳажмини мақбул даражада сақлаш мамлакат миллий валютаси, молия тизими барқарорлигини таъминлаш, хорижий инвесторлар ишончини ошириш мақсадлардан келиб чиқиб халқаро захиралар Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китобларни таъминлаш учун етарли бўлган даражада сақлаб турилмоқда.

Халқаро захиралар ҳажми ва уларни бошқариш бўйича шаффоффликни таъминлаш мақсадида Марказий банкнинг веб-сайтида ҳамда Халқаро валюта жамғармасининг “Кенгайтирилган маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими”да Ўзбекистоннинг халқаро захиралари тўғрисидаги ойлик маълумотлар 2018 йилдан бошлаб мунтазам равища эълон қилиб борилмоқда.


Халқаро захираларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, бошқарув тизими самарадорлиги ва кадрлар малакасини ошириш мақсадида Марказий банк ҳамда Жаҳон банки ўртасида Халқаро захиралар бўйича маслаҳат ва бошқариш (РАМП) дастури доирасида семинар ва тренинглар ташкил этилди. Хусусан, 2021 йил давомида Марказий банк ходимлари бухгалтерия, аудит ва халқаро захираларни бошқаришга доир маҳсус онлайн семинарларда иштирок этиб, 33 та малака сертификатига эга бўлишди.

3.3.1. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари динамикаси ва таркибининг таҳлили

Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари ҳажми 2022 йил 1 январь ҳолатига **35,1 млрд.** АҚШ долларни ташкил этиб, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан деярли ўзгаришсиз қолди. Халқаро захиралар таркибида монетар олтиннинг улуши 2020 йилдаги 58 фоиздан **60** фоизгача ошган бўлса, валюта маблағлари улуши эса 42 фоиздан **40** фоизга камайди.

3.3.1.1-чизма

Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари таркиби ўзгариши, млрд. АҚШ долларида



Халқаро захиралар таркибида монетар олтин улушкининг ошиши 2021 йилда олтин нархида пасайиш тенденциясининг давом этганлиги сабабли (2021 йил бошидаги 1 891,1 доллардан йил охиридаги 1 799,25 долларгача, яъни 4,9 фоизга пасайиш) халқаро қимматбаҳо металлар бозори конъюнктураси барқарорлашгунга қадар монетар олтиннинг захирада йиғилганлиги билан изоҳланади.


2021 йил давомида олтин нархининг пасаювчи трендга эга бўлиши вакцинациялаш жараёнларининг жадаллашуви ортидан карантин чекловларининг юмшатилиши натижасида глобал иқтисодий фаолликнинг тикланиши билан боғлиқ бўлди.

Халқаро валюта жамғармаси томонидан коронакризис оқибатларини юмшатиш ҳамда жаҳон иқтисодиёти тикланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида ривожланаётган ва паст даромадли мамлакатларга қўшимча ёрдам

сифатида 650 млрд. АҚШ доллари миқдорида махсус қарз олиш ҳуқуқлари (СДР)⁵ ажратилди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасига ҳам 751,2 млн. АҚШ доллари миқдорида махсус қарз олиш ҳуқуқининг ажратилиши халқаро захиралар таркибидаги махсус қарз олиш ҳуқуқи улушини 1 фоиздан 3 фоизгача ошириди.

3.3.1.2-чизма

Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари 2011-2021 йиллардаги динамикаси



2021 йилда жаҳон иқтисодиётида инфляцион жараёнларнинг тезлашиши АҚШнинг инфляциядан ҳимояланган 10 йиллик қимматли қоғозлари бўйича реал фоиз даромадларининг салбий шаклланишига натижада, олтинга инфляциядан хеджирлаш воситаси сифатида талабнинг сақланиб қолинишига олиб келди. АҚШнинг инфляциядан ҳимояланган 10 йиллик давлат қимматли қоғозлари даромадлилиги ва олтин нархи ўртасида тескари корреляцион динамика кузатилди.

Шу билан бирга, жаҳон иқтисодиётининг тикланиб бориши натижасида аксарият мамлакатлар марказий банклари томонидан пул-кредит сиёсаларини қатъийлаштириш жараёнининг бошланиши олтинга бўлган инвестицион талабнинг камайишига сабаб бўлмоқда.

⁵ Халқаро валюта жамгармаси томонидан чиқарилган **махсус қарз олиш ҳуқуқи** (*Special Drawing Rights – СДР*) халқаро захира активи ҳисобланниб, жамгармага аъзо давлатларнинг эркин фойдаланишидаги валюталарига айирбошланиши мумкин бўлади. СДР курси АҚШ доллари, Япония иенаси, Евро, Англия фунт стерлинги ва Хитой юанидан иборат валюта саватчасига асосланган.

3.3.1.3-чизма

АҚШ давлат қимматли қоғозлари даромадлилиги ва олтин нархи динамикаси



Таъкидлаш жоизки, турли инқирозли даврларда халқаро захиралар таркибида олтиннинг улуши юқори бўлган мамлакатларда, захиралар қийматини сақлаб қолишида олтиннинг хавфсиз актив сифатидаги хусусияти муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро захираларни бошқариш амалиёти

Ҳисобот йилида ҳам Марказий банк томонидан олтин-валюта захираларни бошқариш “нейтраллик” принципи асосида давом эттирилди.

Хусусан, Марказий банк томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналардан 61,3 трлн. сўм (5,8 млрд. АҚШ долл. эквивалентида) миқдоридаги монетар олтин сотиб олинди ҳамда 2021 йилда 70 тонна олтинни экспорт қилишдан 4,1 млрд. АҚШ доллар валюта маблағлари тушди.

Кулай ташқи бозор конъюнктураси ва иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари ҳамда халқаро пул ўтказмаларининг ўсиши фонида ички валюта бозорида чет эл валютаси таклифи ортиши кузатилди ҳамда Марказий банк томонидан 3,2 млрд. АҚШ доллар миқдорида интервенциялар амалга оширилди.

Халқаро захираларни бошқаришда жойлаштириладиган активлар тури ва сифати муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси захира активлари юқори суверен кредит рейтингига эга мамлакатлардаги халқаро миқёсда юқори нуфузга эга ҳамкор банкларга жойлаштирилади.

Хисобот йилида хатарларни бошқариш мақсадида захира активларининг лозим даражадаги диверсификациясини амалга оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Захира активлари асосан мамлакатлар, хорижий ҳамкорлар, чет эл валюталари ҳамда активлар ва молиявий инструментлар турлари бўйича диверсификация қилинди.


Жумладан, валюта маблағларининг 30,8 фоизи “AAA”, 31,5 фоизи “AA” ва 29,8 фоизи “A” суверен кредит рейтингига эга мамлакатлар ҳамда қолган 7,8 фоизи эса Халқаро валюта жамғармасидаги маҳсус қарз олиш ҳукуқи ҳиссасига тўғри келади.

3.3.1.4-чизма

**Чет эл валютасидаги активларнинг
мамлакатларнинг суверен кредит
рейтинги бўйича улуши**

3.3.1.5-чизма

**Чет эл валютасидаги активларнинг
ҳамкор банкларининг кредит рейтинги
бўйича улуши**



Валюта маблағларининг 30,1 фоизи “AA” ва 62,1 фоизи “A” кредит рейтингига эга чет эл ҳамкор банкларига жойлаштирилган. Бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, активларнинг мамлакатлар ва банклар кесимиидаги улушлари ўзгартириб турилмоқда.

Марказий банк томонидан хорижий ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида 2021 йил бошида дунёнинг 13 та мамлакати ҳамда 33 та хорижий банклар билан ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига уларнинг сони мос равишда 14 та ва 35 тага етди.

Халқаро захиралардаги валюталар таркибини мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти, валюта ва пул бозоридаги ҳолатлар, валюталарнинг ўз қийматини сақлаши ва даромадлилиги каби хусусиятларидан келиб чиқиб шакллантириш бўйича доимий равишда чоралар кўриб борилмоқда. Бугунги

кунда халқаро захиралар таркибиға АҚШ доллары, Евро, Англия фунт стерлинги, Япония йенаси, Хитой юани, Канада доллары ва Швейцария франки киритилган.

3.3.1.6-чизма

Валюта активларининг валюта тури бўйича таркибининг ўзгариши



Сўнгги йилларда халқаро захиралар таркибида АҚШ долларининг улуши 90 фоиз атрофида ўзгармасдан қолган бўлса, Хитой юанининг 2 фоизга ошганини ҳамда Япония йенаси улушкининг 2 фоизга тушганини ва Евронинг улуши минимал даражада сақланганини кузатиш мумкин. Мазкур ҳолат, коронавирус пандемиясининг иқтисодий оқибатларини юмшатиш мақсадида Евро ва Япония йенаси валюталарида манфий фоиз ставкаларининг сақланиб қолаётганлиги билан изоҳланади.

3.3.2. Халқаро захираларнинг етарлилик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили

Халқаро захираларнинг етарлигини баҳолашда амалиётда кенг қўлланиладиган ва фойдаланувчилар томонидан осон тушуниладиган **Захираларнинг қисқа муддатли қарзларни қоплаш даражаси, Импортни қоплаш даражаси, Кенг маънодаги пул массасига нисбати** ҳамда ривожланаётган мамлакатлар учун **Захиралар етарлилиги** (ARA EM – Reserves Adequacy for Emerging Markets) каби кўрсаткичлар 2021 йилда ҳам юқори даражаларда сақланиб қолди.


Бу кўрсаткичлар бўйича халқаро захираларга қўйиладиган минимал талаблар захираларнинг қисқа муддатли қарзларни тўлиқ (100 фоизга) қоплай олиши, камида уч ойлик импортни қоплаши, кенг маънодаги пул массасига нисбатан камида 20 фоизни ташкил қилиши ҳамда захиралар ARA EM кўрсаткичининг 100-150 фоизи миқдорларида бўлиши белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари мазкур минимал талабларга тўлиқ жавоб беради ҳамда мамлакатимиз бу борада МДҲ ва бошқа кўпгина Осиё давлатлари орасида нисбатан юқори кўрсаткичларга эга.

Жумладан, халқаро захираларнинг кенг маънодаги пул массасига нисбати 2022 йил 1 январь ҳолатига **272** фоизни ташкил қилган бўлиб, 20 фоизлик минимал талабдан 13 баробар кўпdir.

3.3.2.1-чизма


Халқаро захираларнинг пул массасига нисбати (01.01.2022 й. ҳолатига)



Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари

3.3.2.2-чизма

Халқаро захираларнинг импортни қоплаш даражаси, ой ҳисобида




Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг 2021 йил якуни бўйича шаклланган халқаро захиралари **15 ойлик импортни қоплашга** етади. Бу эса минимал талаб этиладиган кўрсаткичдан 5 баробарга юқоридир.

3.3.2.3-чизма

Халқаро захираларнинг қисқа муддатли ташқи қарзни қоплаши ва АРА ЕМ кўрсаткичи, фоизда




Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари

Мавжуд халқаро захиралар Ўзбекистоннинг 2022 йил давомида сўндирилиши кутилаётган қисқа муддатли ташқи қарзларини тўлиқ қоплайди ҳамда бугунги кунда минимал талабга нисбатан қарийб 4,4 баробар юқори даражада шаклланган. ХВЖнинг ARA EM кўрсаткичи бўйича захиралар етарлилигига қўйиладиган минимал талабдан 4,2 баробарга кўпроқdir.

Ташқи савдо бўйича асосий ҳамкор мамлакатлар кўрсаткичлари билан солиширганда Ўзбекистон халқаро захираларининг ЯИМдаги улуши нисбатан юқори даражада шаклланган. Жумладан, Ўзбекистонда халқаро захираларнинг ЯИМга нисбати бугунги кунда **51** фойзни ташкил қиласиди.

3.3.2.4-чиズма

Халқаро захираларнинг ЯИМга нисбатан ўзгариши, фоизда



Манба: ХВЖ ва хорижий мамлакатлар марказий банклари маълумотлари

Мазкур кўрсаткичлар бошқа муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар сингари инвесторлар ва бошқа фойдаланувчилар учун ижобий ахборот манбай бўлиб хизмат қиласи.

Жаҳон бозорида олтин нархининг 2022 йилдаги кутилмалари

Дунёда 2021 йилнинг иккинчи ярмида бошланган ва 2022 йилда давом этиётган иқтисодий-ижтимоий тикланиш ортидан жаҳондаги ялпи талабнинг тез суръатлар билан ўсиши инфляцион босимнинг кутилганидан кўпроқ кучайишига сабаб бўлмоқда. Мазкур босимни жиловлаш мақсадида етакчи хорижий ривожланган марказий банклар 2022 йилдан бошлаб фаол тарзда пул-кредит сиёсатларини қатъйлаштиришга киришдилар. Шуни таъкидлаш жоизки, ривожланаётган мамлакатларда ушбу жараён 2021 йилнинг иккинчи ярмидан бошланган.

Шу билан бирга, дунёда иқтисодий фаолликнинг тикланиб бориши сабабли ёқилғи-энергия ресурсларига бўлган талабнинг ортиши натижасида 2022 йилда уларнинг нархларида ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу, ўз навбатида, жорий йилда инфляцион босимни янада кучайишига олиб келиши мумкинлигини англатади.

Бундай вазиятда, хорижий экспертларнинг кутилмаларига кўра, 2022 йил давомида марказий банклар пул-кредит сиёсатларининг янада қатъйлашуви АҚШ доллари ҳамда давлат қимматли қоғозлари даромадлилиги ўсишига олиб келиши мумкин. Бунинг натижасида, инвесторларнинг олтинга инвестицион актив сифатидаги қизиқишлари камайиши ҳамда жаҳон бозорида олтин нархи пасайиши таҳмин қилинмоқда.

3.4. Инфляцион таргетлаш режимида коммуникация сиёсати ва уни такомиллаштириш йўллари

Инфляцион таргетлаш режимида пул-кредит сиёсати трансмиссион механизми самарадорлиги кўп жиҳатдан иқтисодиёт субъектларининг банк тизимига, Марказий банкка ва миллий валютага бўлган ишончига боғлик. Мазкур ишончни оширишда эса коммуникация сиёсатининг аҳамияти юқори ҳисобланади.

Ушбу мақсадда ҳисботот йилида Марказий банк томонидан коммуникация сиёсатини ривожлантириш, маълумотлар очиқлиги ва фаолият шаффоғлигини таъминлашга катта эътибор қаратилди.

Хусусан, кенг жамоатчиликни пул-кредит сиёсати ва банк тизимидағи ўзгаришлардан хабардор қилиш ва банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган зарур ахборот ва маълумотлар кўлами ҳамда мулоқот каналларидан унумли фойдаланиш чоралари кўриб борилди.

Марказий банкнинг коммуникация каналлари – расмий веб-сайт www.cbu.uz даги базавий маълумотлар янгилаб борилди. “Telegram”, “Facebook”, “Instagram”, “Twitter”, “LinkedIn”, “Youtube”, “Odnoklassniki” каби ижтимоий тармоқларда очилган маҳсус саҳифаларга, кунлик, ойлик чораклик ва йиллик кўринишдаги ахборот, жумладан пул-кредит, банк тизими, ташқи сектор кўрсаткичлари, таҳлилий шарҳлар, пресс-релизлар ва ҳисботлар жойлаштириб борилди.

Расмий веб-сайт Марказий банк коммуникациясининг асосий платформаси бўлиб қолмоқда. 2021 йил давомида 30 марта онлайн брифинг, матбуот анжумани ва семинар-тренинглар ташкил этилиб, маълумотлар реал вақт режимида эълон қилинди.

2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Марказий банкнинг расмий веб-сайтига 470 та хабар, 11 та пресс-релиз, 39 та шарҳ, 4 та маъруза ва нутқ, Марказий банк ва кредит ташкилотлари фаолиятига доир 150 дан зиёд статистик ва бошқа маълумотлар, 300 дан ортиқ инфографик маълумотлар жойлаштирилди.

Шу билан бирга, расмий веб-сайтда банк тизими фаолиятига оид 26 та Конун, Президентнинг 34 та қарори ва 45 та бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар жойлаштирилиб, банк тизимининг меъёрий-хуқуқий асослари бўйича маълумотлар базаси шакллантирилган.

Марказий банкнинг раҳбар ва масъул ходимлари 30 га яқин кўрсатув, семинар, конференция ва давра сухбатларида иштирок этиб, улар томонидан пул-кредит ва валюта соҳаси ҳамда банк тизимида амалга оширилаётган

ислоҳот ва трансформацион ўзгаришлар хақида жамоатчиликка маълумотлар тақдим этилди.

Марказий банк томонидан коммуникация сиёсати доирасида жамоатчиликка тақдим этилаётган материалларнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига янада қулай ва тушунарли шаклда етказилиши учун инфографика ва видеоматериаллардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.


Шу билан бирга, ҳисобот йилида Марказий банк Бошқарувининг асосий ставкани кўриб чиқиш бўйича ҳар бир йиғилиши якунлари бўйича (йилда 8 маротаба) пресс-релиз эълон қилинди ва таянч йиғилишлар якунлари бўйича (йилда 4 маротаба) матбуот анжумани ўтказилди.

Шунингдек, матбуот анжумани якуни бўйича Марказий банк Раиси маърузасини ва Презентация слайдларини Марказий банк расмий веб-саҳифасига жойлаштириш амалиёти кенг жамоатчиликка пул-кредит сиёсати бўйича қабул қилинган қарорларни тушунтиришнинг муҳим инструментларидан бўлмоқда.

Ўз навбатида, ҳисобот йилида Марказий банк томонидан чораклик эълон қилиб борилаётган “Пул-кредит сиёсати шарҳи”, “Банк тизими ликвидлиги шарҳи”, “Аҳоли истеъмол кайфияти шарҳи” каби ахборот-таҳлилий маълумотларни янада такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилди. Бунда, шарҳлар қатори ойлик эълон қилинаётган “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари шарҳи”, “Инфляция динамикаси шарҳи” ва “Реал самарали алмашув курси шарҳи” билан кенгайтирилди.

3.4.1-чизма

Марказий банкнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги фойдаланувчилар сони



Марказий банкнинг коммуникация сиёсатини такомиллаштириш, ахборот контентини кенгайтириб бориш борасида амалга оширилган ишлар натижасида Марказий банк расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги сахифаларига ташриф буюрувчилар сонида сезиларли ўзгариш кузатилди. Хусусан, 2021 йилда ижтимоий тармоқлардаги сахифалар обуначилари сони 1,5 баробарга ошиб, **38** минг нафарга етди.

Коммуникация соҳасида амалга ошириладиган ишлар қаторида аҳоли ва ОАВ вакилларининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича семинар-тренинглар ташкил этилди. Хусусан, оммавий ахборот воситаларининг банк-молия мавзусини ёритадиган вакиллари учун ҳар чоракда семинар-тренинглар ўтказиб бориш амалиёти йўлга қўйилди ва 20 нафар журналист ва блогернинг малакаси оширилди.

Келгуси йилларда коммуникация соҳасида амалга ошириладиган ишлар қаторида, мулоқот каналлари ва инструментлари қаторини кенгайтириш, эълон қилинаётган шарҳлар ва маълумотларнинг тушунарлилик даражасини ошириш, мўлжалли коммуникацияни амалга оширишни йўлга қўйиш каби вазифаларни қайд этиб ўтиш лозим.

Ушбу йўналишда “Марказий банк коммуникация сиёсатини ривожлантириш Стратегияси”ни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланиб, ҳисобот йилида Халқаро валюта жамғармаси билан ушбу йўналишда техник кўмак дастурини жалб этиш бўйича келишувга эришилди. Ушбу ҳужжат ўрта муддатли истиқболда коммуникация йўналишида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни ўз ичига олади.

IV. МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТЎЛОВ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА ИННОВАЦИЯЛАР

Ҳисобот йилида миллий тўлов тизимининг ишончли, хавфсиз ва самарали ишлашини таъминлаш мақсадида тўлов инфратузилмасини ривожлантириш, тўлов хизматларини тақдим этишда рақамли технологиялар ва инновацияларни қўллаш ҳамда рақобат муҳитини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, банк карталари асосида ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш, банк хизматлари истеъмолчиларига қўрсатилаётган хизматларда рақамли технологияларни кенг жорий этиш мақсадида норматив-хуқуқий хужжатлар такомиллаштирилди. Ҳусусан:

- банк карталарига оид муносабатларни тартибга солувчи бир нечта норматив-хуқуқий хужжатлар “Ўзбекистон Республикаси худудида банк карталарининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари тўғрисида”ги низомга бирлаштириш орқали ягона хужжат сифатида шакллантирилди;
- жисмоний шахсларни рақамли идентификация қилиш тартиби ишлаб чиқилди.

4.1. Марказий банк тўлов тизимлари


Ҳисобот йилида Банклараро тўлов тизими, Ҳисоб-китоблар клиринг тизими ва Тезкор тўловлар тизимининг барқарор ва узилишларсиз ишлаши таъминланди.

Ҳусусан, 2021 йилда Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми ўтган йилга нисбатан **1,5 баробарга** ошиб, 2 785,6 трлн.сўмни ташкил этди. Бунда, тизим орқали бир кунлик ўртacha транзакциялар ҳажми 2020 йилдаги 7,3 трлн. сўмдан **11 трлн. сўмгача** ёки 1,5 баробарга ошди.

Банклараро тўлов тизими транзакциялари ҳажмининг ўсиши Марказий банкнинг тижорат банклари билан амалга ошириладиган депозит (овернайт, аукцион) операциялари, бошқа тўлов тизимлари бўйича ўтказилган якуний ҳисоб-китоб амалиётлари ҳажми, шунингдек хўжалик субъектларининг иқтисодий фаоллиги ва Молия вазирлиги Фазначилиги билан ҳисоб-китоблар ҳажмининг ошганлиги билан изоҳланади.

4.1.1-чизма

Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми, трлн.сўмда



Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизими фаолиятини ривожлантиришда товар (иш, хизматлар) учун тўловлар рўйхатини кенгайтириш, жисмоний шахслар ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун қулай ва содда тўлов хизматларини жорий қилишни таъминлашга алоҳида ургу берилди.

Хусусан, мазкур тизимда тўлов ташкилотларининг ҳам бевосита иштирокини таъминлаш мақсадида тўлов ташкилотлари биллинг тизими Ҳисоб-китоблар клиринг тизими билан интеграция қилиниб, электрон ҳамёнларни исталган банк филиали орқали тўлдириш имконияти яратилди.

4.1.2-чизма

Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар



Натижада, Марказий банкнинг Ҳисоб-қитоблар клиринг тизими орқали тўловларни қабул қилувчи ташкилотлар (хизматлар тақдим этувчилар) сони 2020 йилдаги 35 тадан **41** тага етди.

2021 йилда Ҳисоб-қитоблар клиринг тизими орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 2020 йилга нисбатан **1,4 баробарга** ошиб, 36 трлн.сўмни ташкил этди.

Ҳисобот йилида юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга тўлов операцияларини туну-кун (24/7) онлайн режимида амалга ошириш имконини берувчи *Марказий банк Тезкор тўловлар тизимининг* барқарор ва узлуксиз ишлаши таъминланди.

Бугунги кунда республикадаги барча тижорат банклари Тезкор тўловлар тизимига уланган бўлиб, масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали ишлаётган барча мижозларга ушбу янги тизимдан фойдаланиш имконияти тўлиқ яратилган.

4.1.3-чизма

Марказий банк Тезкор тўловлар тизимида амалга оширилган транзакциялар



2021 йилда мазкур тизим орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми ўтган йилга нисбатан 2,5 баробарга ошиб, 315,8 трлн. сўмни, транзакциялар сони эса 2,3 баробарга ошиб, 12,3 млн.тани ташкил этди. Бунда, Молия вазирлиги Фазначилигига ўtkazilgan бюджет тўловлари ҳажми 2020 йилга нисбатан қарийб **6 баробарга** ўсиб, 11,7 трлн.сўмга етди.

Ушбу тизимдан амалга оширилган жами транзакциялар сонининг **14 фоизи кечки/тунги вақтда** амалга оширилган операциялар ҳисобига тўғри келди.

4.2. Банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимларининг фаолияти


2021 йилда накд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қулагай шарт-шароитлар яратиш борасида асосий эътибор банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимлари инфратузилмасини ҳамда мавжуд инфратузилмадан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилди.

Хусусан, HUMO ва UZCARD тўлов тизимларини ўзаро интеграция қилиш ишлари бошланиб, синов тариқасида иккала тўлов тизими карталарини ўзаро қабул қилишлари учун мазкур тизим тўлов терминалларининг дастлабки интеграцияси 2021 йилнинг 27 декабрида амалга оширилди.

Аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ортиб бораётганлиги ҳамда масофавий банк хизматларидан фойдаланиш имкониятлари тўғрисида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кенг тарғибот ишлари олиб борилиши натижасида муомалага чиқарилган банк карталари 2020 йилдаги **25,8** млн. донадан **27,1** млн. донагача кўпайди.


4.2.1-чизма

Банк карталари сони, минг донада




Ҳисобот йилида тўлов терминаллари орқали қабул қилинган тўловлар ҳажми 2020 йилга нисбатан **20,6** трлн.сўмга ошиб, **111,1** трлн.сўмни ташкил этди. Савдо ва пуллик хизмат кўрсатувчи субъектларга терминал функциясини ҳам бажарувчи **онлайн касса аппаратларининг** қўлланиши натижасида терминаллар сони 2020 йилга нисбатан 5 мингтага камайиб, **433** мингтани ташкил этди.

4.2.2 -чизма

**Банклар томонидан ўрнатилган
терминаллар сони, минг донада**

4.2.3 -чизма

**Түлов терминаллари орқали амалга
оширилган транзакциялар, трлн.сўмда**

Тўлов тизимлари бозорида рақобатни янада ривожлантириш мақсадида HUMO чакана тўловлар тизимиning функционали, инфратузилмасини ривожлантириш ва оммабоплигини ошириш бўйича олиб борилган чоратадбирлар натижасида, 2021 йилда жами терминаллар орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажмида HUMO терминалларидан ўтказилган тўловлар улуши 2020 йилдаги 15 фоиздан 26 фоизгача ошиди.

Бундан ташқари, миллий чакана тўлов тизимларининг VISA, Mastercard, МИР ва UnionPay International халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро интеграцияси якунланди.


Мамлакатимиздаги 15 та тижорат банклари томонидан маҳаллий тўлов тизимлари ҳамда халқаро тўлов тизимлари (VISA ва Mastercard) билан ўзаро ҳамкорликда аҳолига Республика ва хорижий тўлов тизимлари инфратузилмасида ҳисоб-китобларини амалга ошириш имкониятини берувчи 652 мингдан ортиқ **кобейджинг** банк карталари муомалага чиқарилди.

Шу билан бирга, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламини ошириш ва мижозлар харидларини рағбатлантириш мақсадида мобил алоқа операторлари ва тўлов ташкилотлари билан ҳамкорликда банклар томонидан **ко-брэнд** карталарини муомалага чиқариш лойиҳалари бошланди.

4.2.4-чизма

Банкомат ва инфокиосклар сони, донада

4.2.5-чизма

Банкоматлар орқали амалга оширилган транзакциялар, трлн.сўмда

Тўлов хизматларидан фойдаланувчилирга қулайлик яратиш мақсадида банк инфратузилмалари, туризм ҳамда бошқа обьектларга ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони **10** фоизга ошиб, 2022 йил 1 январь ҳолатига **12,9** мингдан ортиқни ташкил этди.

Ҳисобот йилида жами банкоматлар орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажмида HUMO банкоматларидан ўтказилган амалиётлар улуши 2020 йилдаги **28** фоиздан **35** фоизгача ошиши кузатилди.

4.3. Тўлов хизматлари бозорида молиявий технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш

Марказий банк томонидан миллий тўлов тизимини ривожлантириш ва молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш йўналишидаги ишлар доирасида **банк бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва хизматларни рақамли каналлар орқали кўрсатилишига** алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш хизматларидан фойдаланувчилар сони **1,4 баробарга** ошиб, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига **20,2** млн.га етди. Бунда, фойдаланувчиларнинг **974,1** мингтасини **тадбиркорлик субъектлари** ташкил этган бўлса, **жисмоний шахслар** сони эса **19,3** млн. тага teng бўлди.

Тадбиркорлик субъектларининг рақамли хизматлардан фойдаланишининг ортиб бораётганлиги ҳисобига 2021 йилда улар томонидан жами амалга оширилган (761,8 трлн. сўмлик) тўлов топшириқномаларининг

қарийб **83** фоизи (629,8 трлн. сўмлик) **банкка ташриф буюрмаган** ҳолда масофадан туриб амалга оширилган.

Банкларнинг мобил илова дастурларида жисмоний шахсларнинг масофадан туриб онлайн тарзда амалга оширилган операциялар ҳажми **58,1** трлн. сўмга етди.


Бунда, мобил илова дастурлари орқали амалга оширилган **онлайн депозитлар** – 15,8 трлн.сўм, **конверсия амалиётлари** – 7,8 трлн.сўм, **онлайн микроқарзлар** – 3,6 трлн.сўм, **кредитларни сўндириш ҳажми** – 2,3 трлн.сўмни ташкил этди.

Шунингдек, 9 та тижорат банклари томонидан халқаро пул ўтказмалари операторлари ва хорижий банклар билан биргаликда пул ўтказмаларини банкка бормасдан банк картасига қабул қилиб олиш имконияти яратилиб, 2021 йилда аҳоли томонидан **648,4** млн. АҚШ доллар ўтказмалар **банкка бормасдан тўғридан-тўғри** банк карталарига кирим қилинди.

Марказий банк томонидан барча тижорат банклари билан бирга тўлов тизимлари инфратузилмасида kontaktсиз тўловларни амалга ошириш кўламини кенгайтириш учун, биринчи навбатда, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларини QR-код ва NFC технологиялари асосида тўловларни амалга ошириш имконини берувчи тўлов воситалари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.


4.3.1-чизма

QR-online тизимида амалга оширилган транзакциялар сони



4.3.2-чизма

QR-online тизимида амалга оширилган транзакциялар ҳажми, млн.сўмда



Банк картаси ва түлов терминалидан бевосита фойдаланмаган ҳолда, банк картасидаги маблағлар ҳисобидан товар ва хизматлар учун мобил илова дастурлари ёрдамида QR-код орқали тезкор түловларни амалга ошириш мақсадида ишга туширилган “QR-online” тизими оммалашиб бормоқда.

2021 йилда “QR-online” ахборот тизими томонидан тадбиркорлик субъектларига тақдим қилингандан QR-кодлар сони 2020 йилга нисбатан қарийб **1,5 баробарга** ортиб 92 минг донага етди.

Шу билан бирга, контактсиз түлов технологиясини кенгайтириш доирасида “HUMO PAY” дастури (смартфоннинг NFC тизими) орқали банк картасидан бевосита фойдаланмасдан савдо ҳамда пуллик хизматлар учун түловларни амалга ошириш хизмати **14** та банкнинг мобил иловалари орқали кўрсатиб келинмоқда.

Контактсиз түлов хизматларини ривожлантириш доирасида жорий этилган Tap-to-phone тизими (терминалсиз) орқали тадбиркорлик субъектлари учун түловларни қабул қилиш имкониятини берувчи хизматдан **380** та тадбиркорлик субъекти фойдаланишни бошлади.

2021 йилда NFC технологияси асосида амалга оширилган транзакциялар ҳажми 2020 йилга нисбатан **4 баробарга** ошиб, **11,8 трлн. сўмни** ташкил этди. Натижада, 2021 йилда контактсиз түлов технологиялари билан қамраб олиш даражаси **40** фоизга етди.

Хисобот йилида банк хизматларидан фойдаланишда қўшимча қулийликлар яратиш мақсадида халқаро эксперталар билан биргаликда банклар ва түлов ташкилотлари томонидан хизматлар кўрсатиш жараёнида мижозларни **масофавий биометрик идентификация** қилиш тизими жорий этилди.

Мижозларни биометрик идентификациялаш орқали молиявий хизматларни кўрсатиш мақсадида “My ID” тизими яратилиб, белгиланган тартибда банклар, түлов ташкилотлари ва маркетплейслар уланган ҳолда тест режимида ишга туширилди.

Бу эса ўз навбатида, мижозларга банк хизматларидан банк филиалларига ёки түлов ташкилотларига бевосита ташриф буюрмасдан масофавий тарзда фойдаланиш имкониятини сезиларли даражада оширмоқда.

2021 йил сентябрь ойидан бошлаб мобил хизматларни кўрсатишда **рақамли идентификация қилиш механизми** (Face ID) яратилди. Ҳозирги кунга келиб, ушбу технологиядан **11** та тижорат банки, **4** та түлов ташкилоти ва **4** та маркетплейс фойдаланмоқда.

4.4. Тўлов хизматлари бозоридаги рақобат мұхити


Ҳисобот йилида тўлов хизматлари бозорига янги иштирокчилар кириб келиши учун тенг имкониятлар яратиш орқали рақобат мұхитини кучайтириш мақсадида Марказий банк томонидан битта тўлов тизими оператори ва **15** та тўлов ташкилотларига ўз фаолиятини амалга ошириш хуқуқини берувчи лицензиялар берилди.

Бу эса, тўлов хизматларини кўрсатадиган нафақат тижорат банклари, балки нобанк тўлов ташкилотларининг хизматларидан фойдаланишга бўлган талаб тўлов хизматлари бозорида ортиб бораётганлигини англатмоқда.

Натижада, 2021 йилда тўлов ташкилотлари томонидан 53 трлн. сўмлик тўлов транзакциялари амалга оширилиб, 2020 йилга нисбатан **2,1** баробарга ошди.


4.4.1-чизма

Тўлов ташкилотлари томонидан 2021 йилда амалга оширилган транзакциялар ҳажми, млрд.сўмда



Бунда, жисмоний шахслар томонидан тўлов ташкилотларининг хизматларидан фойдаланган ҳолда **мобил операторлар хизматлари** учун - 3,3 трлн.сўм, **коммунал хизматлар** - 2,6 трлн.сўм, **давлат хизматлари** - 1,8 трлн.сўм, **кредит тўловлари** учун - 1,4 трлн.сўм ва бошқа тўловлар учун - 3,8 трлн. сўм маблағ ўтказилган.

4.4.2-чизма

**2021 йилда түлов ташкилотлари томонидан ўтказилган түловлар
мақсадлари бүйича таркиби**

Түлов хизматлари бозорида электрон пуллар тизимларининг жорий этилиши нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг янада ривожланиши ва түлов хизматларидан фойдаланувчиларга қўшимча имкониятлар яратилишига замин яратди. Электрон пулларнинг бир қанча қулайликлари, хусусан, пул маблағларини тезкорлик билан тасарруф этиш, банкда ҳисобварағини очиш заруриятининг мавжуд эмаслиги каби афзалликлари туфайли оммабоплиги ортиб бормоқда.


4.4.3-чизма

**2021 йилда электрон пуллар тизимлари орқали амалга оширилган
транзакциялар**

2022 йилнинг 1 январь ҳолатига Марказий банкнинг электрон пуллар тизимлари реестрига **10** та электрон пуллар тизимлари киритилган бўлиб, мазкур тизимларда очилган электрон ҳамёнлар сони 5 млн. донага етди. Ҳисобот йилида электрон пуллар орқали амалга оширилган транзакциялар сони 2020 йилга нисбатан 4,4 баробарга ошиб 6,5 млн. донани, транзакциялар ҳажми эса 8 баробарга ўсиб 170,7 млрд. сўмни ташкил этди.

4.4.4-чизма

2021 йилда электрон пуллар орқали амалга оширилган тўловлар таркиби



Электрон ҳамён эгалари томонидан ўtkазилган транзакцияларнинг 94 фоизи тадбиркорлик субъектлари томонидан товар (хизмат, ишлар) учун тўловни амалга ошириш учун ҳамда 6 фоизи жисмоний шахслар томонидан фойдаланилган.

Электрон пуллар воситасида амалга оширилган тўловларнинг 41 фоизи харидлар учун тўловлар, 28 фоизи мобил оператор хизматлари, 14 фоизи коммунал хизматлари, 7 фоизи хорижий электрон ҳамёнларни тўлдириш ва бошқа хизматлар учун ўtkазилган тўловларни ташкил этади.

4.5. Тўлов тизимлари ва тижорат банклари ахборот тизимларида ахборот муҳофазаси ва киберхавфсизлик

Хисобот йилида илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида тўлов тизимларида ахборот муҳофазаси ва киберхавфсизликни такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлдаги “Тўлов тизими операторлари, кредит ва тўлов ташкилотлари фаолиятида киберхавфсизликни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, Марказий банк тўлов тизими операторлари, кредит ва тўлов ташкилотлари фаолиятида киберхавфсизлик таҳдидларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши таъсирчан чоралар кўриш бўйича мувофиқлаштирувчи орган этиб белгиланди.

Ушбу йўналишдаги фаолиятни самарали ташкил этиш мақсадида Марказий банкнинг Хавфсизлик ва ахборотни муҳофaza қилиш департаменти таркибида “CERT-CBU” киберхавфсизлик маркази (кейинги ўринларда – “CERT-CBU” маркази) ўз фаолиятини бошлади.

“CERT-CBU” маркази зиммасига, тўлов тизими операторлари, кредит ва тўлов ташкилотлари фаолиятида киберхавфсизлик таҳдидларини аниқлаш, олдини олиш, уларга қарши таъсирчан чоралар кўриш, содир бўлган киберхавфсизлик инцидентлари оқибатларининг бартараф этилишини назорат қилиш, киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш ва киберхавфсизлик ҳолати бўйича мониторинг олиб бориш вазифалари белгиланди.

Хисобот йилида 6 та тўлов ташкилотлари ва 4 та тижорат банкларида ахборот муҳофазаси ва киберхавфсизлик билан таъминланганлик даражаси ўрганилди ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди. Шунингдек, йил давомида ахборот тизимлари муҳофазасини кучайтириш мақсадида техник ва ташкилий ишларни тўғри бажариш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди.

Киберхавфсизлик инцидентлари бўйича маълумот алмашиш механизмини жорий қилиш мақсадида Марказий банк ва тўлов тизими операторлари, кредит ва тўлов ташкилотлари ўртасида киберхавфсизлик инцидентлари юзасидан тезкор маълумот алмашишни кўзда тутувчи технологик қўлланма ишлаб чиқилди.

Бунда, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ҳамда “Тўловлар ва тўлов тизимлари

тўғрисида”ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қонун лойиҳаси тайёрланди.

Шунингдек, ҳисобот йилида Халқаро тўлов тизимлари фаолияти билан боғлиқ бўлган ташкилотлар ўртасида киберхавфсизлик йўналишида ҳамкорлик қилиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва VISA халқаро хизмат кўрсатиши ассоциацияси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик меморандуми қайта тасдиқланди. Шу билан бирга, “Мастеркард Европа” (“Mastercard”) компанияси билан тузилган англашув меморандумига қўшимчалар киритилди.

Тижорат банклари соҳа ходимларининг билим ва малакасини ошириш мақсадида ахборот тизимларида ахборот муҳофазаси ва киберхавфсизликни таъминлаш ва унинг жорий ҳолати юзасидан даврий ўқув-семинарлари ташкил этилди.

Жумладан, 2021 йилда Visa, Mastercard, Kaspersky лабораторияси, Positive Technologies ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга off-line ва Жаҳон банки (WBG), Халқаро ҳисоб-китоблар банки, Газпромбанк, Польша Марказий банки, Россия Федерацияси Марказий Банки ва бошқалар билан on-line ўқув-семинарлари ташкил этилди.

Kaspersky лабораторияси билан ҳамкорликда “Молия ташкилотлари раҳбарлари учун ахборот хавфсизлиги”, “Mastercard” компанияси билан ҳамкорликда “Тўлов карталари индустрисида киберхавфсизлик ва фирибгарликларга қарши чоралар кўриш” ҳамда “Visa” компанияси билан ҳамкорликда “Таваккалчиликларни бошқариш” мавзуларидаги семинар-тренинглар ташкил этилди.

Ҳисобот йилида юридик ва жисмоний шахсларни молиявий фирибгарликлардан хабардор этиш ҳамда уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида банк карталаридаги маблағларни фирибгарлардан ҳимоя қилиш ҳамда банкомат ва POS-терминалларда банк карталарини кўллашда хавфсизлик чораларига риоя этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, Марказий банкнинг расмий веб-сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқлардаги каналларида доимий равишда ёритиб борилди.

V. ПУЛ МУОМАЛАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2021 йилда пул муомаласини ташкил этишда асосий эътибор иқтисодиётда нақд пулга бўлган эҳтиёжни узлуксиз таъминлаш, банкнотлар номинал қаторини оптималлаштириш, янги банкнотларни муомалага киритиш орқали нақд пуллар билан ҳисоб-китобларни янада қулагайлаштиришга қаратилди.

Шунингдек, нақд пул айланмасини бозор механизмлари асосида тартибга солишини такомиллаштириш, мижозлар билан нақд пулдаги муносабатларда банк хизматларини янада соддалаштириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

5.1. Нақд пул айланмаси динамикаси ва ундаги таркибий ўзгаришлар

2021 йилда нақд пулларнинг банклар орқали айланмаси 2020 йилга нисбатан **1,4** баробарга ошиб, **507,2 трлн.сўмга** етди. Бунда банк кассаларига келиб тушган нақд пуллар ҳажми 2020 йилга нисбатан **40** фоизга ортиб, **251,7 трлн. сўмни** ташкил қилди. Натижада, банк кассаларига нақд пул тушумларининг Ялпи ички маҳсулотга нисбати 2020 йилдаги **29,8** фоиздан **34,3** фоизгача ошиди.


Нақд пулларни банк кассаларига келиб тушиш ҳажми банк кассаларидан берилган нақд пуллар ҳажмига нисбатан 3,8 трлн.сўмга кўп бўлди.

Нақд пул тушишининг ортиши асосан чакана савдо ҳажмининг 2020 йилдаги 5,7 фоиздан 12 фоизгача, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажмининг 3 фоиздан 19,2 фоизгача ўсиши билан изоҳланади.

Банк кассаларига тушган нақд пулларнинг манбалари бўйича қаралганда, товарлар сотищдан тушган нақд пуллар ҳажми 43,6 фоизга, ахоли томонидан банк омонатларига қўйилган нақд пуллар ҳажми 53,7 фоизга, банк хизматлари (кредит, нақд валюта сотиш ва конверсия операциялари) бўйича тушумлар 24,7 фоизга, солиқлар ва бошқа соҳалардан тушумлар 32,6 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидан тушумлар 69,7 фоизга кўпайди.

Банк кассаларига тушган жами нақд пуллар таркибида товарларни сотищдан тушум улуши 41 фоизни, пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидан тушум – 9 фоизни, ахоли томонидан банк омонатларига қўйилган нақд пуллар – 9 фоизни, банк хизматлари бўйича тушум – 20 фоизни, солиқлар ва бошқа соҳалардан тушумлар – 21 фоизни ташкил этди.

5.1.1-чизма

Нақд пул тушумлари ҳажми ва таркиби динамикаси, фоизда

Банк кассаларига келиб тушган ўртача ойлик нақд пулларнинг муомаладаги нақд пуллар ҳажмига нисбати 2020 йилдаги 65,4 фоиздан 78,5 фоизгача кўпайди.

Нақд пулларнинг банк кассаларига келиб тушиш ҳажмининг ошиши ўз навбатида, нақд пул маблағларининг банкдаги ҳисобвараклар орқали айланиши, аҳоли ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг банк хизматларидан фойдаланиш даражаси ортиб бораётганлиги билан ҳам изоҳланиши мумкин.

2021 йил давомида банклардан аҳоли ва хўжалик субъектларига берилган нақд пуллар ҳажми 2020 йилга нисбатан **41,7** фоизга ёки 75,3 трлн. сўмга ошиб, **255,5 трлн. сўмга** етди.

Мазкур ўсиш иқтисодиётда ўртача номинал иш ҳақининг 20 фоизга ошиши, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар микдорининг 2 марта 10 фоиздан оширилиши ҳисобига 5,4 трлн.сўмга,

аҳоли даромадларини ўсиши ва ўз навбатида, банк карталари орқали тўловлар ҳажмининг ошганлиги ҳамда банкоматлар тармоғининг кенгайгандиги ҳисобига 32,9 трлн.сўмга;


мамлакатга хорижий пул ўтказмаларининг 34 фоизга куўпайиши натижасида аҳолининг чет эл валютасини сотиш ҳажмининг 22,2 трлн.сўмга ошганлиги ҳисобига шаклланди.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун банклардан нақд пулларни олишдаги қуайликларининг ортиб бориши нақд пул чиқими таркибида ижтимоий ва иш ҳақи тўловларига нисбатан банк карталаридан нақд пул ечиш

ва аҳолидан нақд чет эл валютасини сотиб олиш операциялар улушининг ошишига хизмат қилди.

5.1.2-чизма


Нақд пулларнинг берилиши бўйича йўналишлари, фоизда



Хисобот йилида банк карталаридан ечиб олинган нақд пуллар ҳажми 95 трлн.сўмни (жами банк карталарига тушган пулларнинг 32 фоизи) ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 1,5 баробарга ёки 32,9 трлн.сўмга ошди. Бунда, банкоматлар орқали ечилган нақд пуллар ҳажми банк карталаридан ечиб олинган нақд пулларнинг 78,6 фоизини ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 1,5 баробарга ёки 25,8 трлн.сўмга кўпайди.

5.1.3-чизма

Банк карталаридан нақдлаштириш ҳажмлари динамикаси, млрд. сўмда



Банк карталаридаги маблағларни нақдлаштириш ҳажмининг ошишига 2021 йилда аҳоли даромадларининг ўсганлиги, тўлов тизимлари инфратузилмасига инновацион технологияларнинг жорий этиб борилаётганлиги натижасида банк карталарига маблағлар келиб тушиши ҳажмининг ошганлиги таъсири туви ошишига бўлди.


5.2. Муомаладаги нақд пуллар ва уларнинг таркибий ўзгариши

Хисобот йилида муомалага чиқарилган нақд пуллар ҳажмида банк кассаларига келиб тушган нақд пул тушумлари ва берилган нақд пуллар таъсирида ўзгарувчан динамика кузатилди.

Жумладан, муомалага чиқарилган нақд пуллар ҳажми йил давомида ўсиб борди ҳамда 2020 йилга нисбатан 4,8 трлн. сўмга (тижорат банклари кассаларидаги нақд пуллар қолдиғи ҳисобга олинган ҳолда) ёки 17 фоизга ошди.

5.2.1-чизма

2021 йил давомида муомалага чиқарилган нақд пуллар ҳажмининг ўзгариши



2021 йилда нақд пулдаги ҳисоб-китобларни ва тўловларни амалга оширишда қуляйликлар яратиш, нақд пуллар билан ишлаш жараёнларини соддалаштириш мақсадида Марказий банк томонидан янги намунадаги банкнотларни муомалага чиқариш борасида ҳам тегишли ишлар амалга оширилди.

Бунда, асосий эътибор, банкнотларнинг сифатини оширишга, дизайнини такомиллаштиришга, замонавий ва ҳимоявий жиҳатдан юқори технология талабларига жавоб берадиган ҳамда муомалада хизмат даври узок бўлган банкнотларни муомалага чиқарип боришига қаратилди.


Хусусан, 2021 йилда қўшимча тарзда 2 000 ва 20 000 сўм бўлган янги номиналдаги банкнотлар муомалага чиқарилган бўлса, муомаладаги 10 000 сўм, 50 000 сўм ва 100 000 сўмлик номиналдаги банкнотлар ўрнига сифат ва дизайн жиҳатдан такомиллашган янги сериялари муомалага киритилди.

Ҳисобот йили давомида муомаладаги нақд пуллар қаторини оптималлаштириш натижасида, жами 395,8 млрд. сўм миқдорида (1000 сўм ва 5000 сўм) банкнотлар муомаладан олинган бўлса, 4,9 трлн.сўм миқдорида йирик номиналдаги (50 000 сўм, 100 000 сўм) ва 20 000 сўмлик банкнотлар муомалага чиқарилди.

Натижада, 2021 йил давомида муомалага чиқарилган нақд пуллар таркибида 50 000 сўмликнинг улуши – 38,8 фоиздан 34,2 фоизга, 10 000 сўмликнинг улуши – 15,7 фоиздан 14,5 фоизга, 5 000 сўмлик – 16,1 фоиздан 12,7 фоизга, 1 000 сўмгача – 2,1 фоиздан 1,4 фоизга камайди ва ушбу камайиш 100 000 сўмлик банкнотлар улуши – 27,3 фоиздан 34,8 фоизга оширилиши ҳамда муомалага киритилган янги номиналдаги 2 000 сўмлик банкнотлар 0,3 фоиз ва 20 000 сўмлик банкнотлар эса 2,1 фоизни ташкил этиши ҳисобига тўлдирилди.

5.2.2 -чизма

Муомалага чиқарилган банкнотларнинг номинал қийматлари бўйича улуши



Ушбу кўрилган чора-тадбирлар, иқтисодиётда нақд пулдаги ҳисобкитобларни амалга оширишда қулайликларни таъминлашга, уларнинг муомала учун етарли миқдорда бўлишига ва мақбуллаштиришга хизмат қилмоқда.

Муомаладаги нақд пуллар таркибида асосан йирик номиналдаги банкнотлар салмоғининг ошиши ҳисобига банкнотлар умумий сонида сезиларли пасайиш кузатилди.

Хусусан, ҳисобот йилида 50 000 ва 100 000 сўмлик банкнотларнинг ҳамда 2 000 ва 20 000 сўмлик банкнотларни муомалага киритилиши ҳисобига муомаладаги банкнотлар сони 2020 йилга нисбатан 18 фоизга камайди. Натижада, бир кишига тўғри келадиган муомаладаги банкнотлар ўртача сони 2020 йилдаги **71** тадан **62** тагача қисқарди.

Шу билан бирга, нақд пул билан боғлиқ майда ҳисоб-китобларни қулайлаштириш, янги намунадаги тангаларни муомалага киритиш борасида ҳам тегишли ишлар амалга оширилмоқда. 2021 йилда муомаладаги тангалар ҳажми 2020 йилга нисбатан **1,3 баробарга** қўпайиб, 54 млрд.сўмга етди.

Шунингдек, пул муомаласини тартибга солища бошқарув услубларидан воз кечиши, замонавий ва бозор механизмлари асосида амалга ошириш мақсадида пул муомаласи борасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни бозор иқтисодиёти тамойилларига мослаштириш ҳамда тизимлаштириш чоралари кўрилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 октябрдаги ПФ-6325-сон Фармонига мувофиқ пул муомаласи борасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларда бир-бирини такрорлайдиган вазифа ва функцияларни ҳамда назорат ва мажбуриятни назарда тутувчи 13 та ҳужжат бекор қилинди.

5.3. Банк карталари орқали амалга оширилган пул айланмалари


Ҳисобот йилида товарлар ва хизматларни харид қилиш, банк хизматлари ва бошқа тўловларни амалга оширишда нақд пуллар билан бир қаторда банк карталари орқали ҳисоб-китоблар ҳажмининг ҳам сезиларли ошиши кузатилди.

Хусусан, банк карталари орқали операциялар ҳажми 596,9 трлн.сўмни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан **1,7 баробарга** ошди. Бунда, банк карталарига келиб тушган маблағлар миқдори 299,6 трлн.сўмни, банк карталаридан амалга оширилган тўловлар миқдори 297,4 трлн.сўмни ташкил этди. Натижада, 2021 йилда банк карталари орқали айланмалар ҳажми нақд пулларнинг банклар орқали айланмасига нисбатан 17,6 фоизга юқори шаклланди.

2021 йилда, банк карталарига масофавий ўтказмалар орқали (P2P) тушган тушумлар 2,4 баробарга, банк хизматлари бўйича тушумлар 2 баробарга, ахолининг бошқа даромадлари бўйича тушумлар 1,7 баробарга ошди.

5.3.1-чизма

Нақд пул айланмаси динамикаси,
млрд.сўмда



5.3.2-чизма


Банк карталари орқали айланмалар динамикаси,
млрд.сўмда



Натижада, банк карталарига кирим қилинган маблағлар таркибида иш ҳақи тўловлари улуши 10,1 фоиз бандга, ижтимоий тўловлар улуши 1,1 фоиз бандга қисқарган бўлса, масофавий ўтказмалар (P2P) улуши 6,3 фоиз бандга, банк хизматлари учун маблағлар улуши 4,1 фоиз бандга ошди.

5.3.3-чизма

Банк карталарига келиб тушган маблағларнинг манбалари бўйича улуши,
фоизда



Шу билан бирга, банк карталари орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 1,7 баробарга ошиб, унинг таркибида товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоблар, шунингдек ўтказмалар ҳажмининг юқори суръатларда ўсиши ҳисобига нақдлаштириш ҳажмининг улуши **34,7** фоиздан **32** фоизга камайди.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётда банк карталари орқали ҳисоб-китоблар ҳажмининг ўсиб бориш тенденцияси, соҳага жорий этиб борилаётган рақамли ва инновацион технологияларнинг самараси ҳисобланниб, банк карталарига асосланган тўлов хизматларининг тобора оммалашиб бораётганлиги билан изоҳланади.

VI. МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ ВА БАНК ХИЗМАТЛАРИ ИСТЕММОЛЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТ

6.1. Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш

2021 йилда молиявий хизматлар билан қамраб олинмаган аҳоли қатламлари ва кичик тадбиркорлик субъектларини базавий молиявий хизматлар билан қамраб олиш бўйича ишлар тизимли равишда давом эттирилиб, халқаро тажриба асосида молиявий оммабоплик даражасини оширишга қаратилган узоқ муддатли комплекс дастур ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга алоҳида эътибор берилди.

Хусусан, ҳисобот йилида Марказий банк томонидан Жаҳон банки билан ҳамкорликда “2021-2023 йилларга мўлжалланган Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегияси” (кейинги ўринларда – Миллий стратегия) ишлаб чиқилди.

Мазкур стратегияда базавий молиявий хизматлар қамровини ошириш, рақамли молиявий хизматларни ривожлантириш, кичик тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришни кенгайтириш, молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш ҳамда аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга ошириш белгиланган.

Ушбу чора-тадбирлар доирасида катта ёшли аҳолиси 5 минг кишидан кўп бўлган, бироқ банк инфратузилмалари билан қамраб олинмаган маъмурий-худудий бирликлар (аҳоли яшаш пунктлари) рўйхати шакллантирилди ҳамда тижорат банкларига банк хизматлари кўрсатиш нуқталарини мазкур рўйхат асосида ташкил этиш тавсия этилди.

Ўз навбатида, 2021 йилда тижорат банклари томонидан **7 та** банк филиали ҳамда **220 та** банкнинг барча базавий хизматларини кўрсатувчи банк хизматлари офислари (БХО) фаолияти йўлга қўйилиб, жами банк муассасалари сони 2 104 тага етди ва **ҳар юз мингта катта ёшли аҳолига⁶** тўғри келадиган банк муассасалари сони 9,2 тани ташкил этилди.

Шу билан бир қаторда, ҳисобот йилида истеъмолчиларнинг банк хизматларидан туну-кун фойдаланиш имкониятини янада ошишига хизмат қилувчи **835 та** 24/7 режимида ишловчи ўзига-ўзи банк хизматларини кўрсатиш марказлари ташкил этилди.

⁶ Катта ёшли аҳоли сони 22,8 млн. киши деб олинган

Хисобот йилида банк инфратузилмаси билан бир қаторда нобанк кредит ташкилотлари инфратузилмаси ҳам кенгайиб, 7 та микрокредит ташкилоти, 3 та ломбард, 15 та тўлов ташкилоти ва 1 та тўлов тизими оператори ўз фаолиятини бошлади. Бунга қўшимча равишда микрокредит ташкилотлари томонидан 13 та янги филиал ва 11 та чакана хизматлар марказлари ҳам ташкил этилди.

Миллий стратегияга асосан банк хизматларининг ҳудудий қамровини ошириш мақсадида банк хизматларини кўрсатишнинг муқобил каналларидан фойдаланиш, шу жумладан тижорат банкларининг айрим хизматларини аутсорсинг асосида учинчи шахс томонидан кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилди.

Хусусан, “Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан Алоқабанк билан ҳамкорликда почта бўлинмалари орқали аҳолига банк карталарини маблағ билан тўлдириш ҳамда банк карталаридан нақд пул ечиш хизматларини кўрсатиш, Универсалбанк билан ҳамкорликда 60 дан ортиқ турдаги тўловлар қабул қилиш йўлга қўйилди.

Натижада, 2021 йилда **757** та почта бўлинмалари орқали аҳолига банк карталаридан нақд пул ечиш ва тўлдириш бўйича қарийб 8,3 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди ва умумий қиймати 1,4 трлн. сўмлик 7,1 млн.та тўловлар қабул қилинди.

Шунингдек, хисобот йилида банк фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этган ҳолда банк хизматларини рақамлаштириш ва янги банк хизматларини амалиётга татбиқ этиш бўйича ишлар давом эттирилди. Жумладан, банклар томонидан истеъмол товарларини кредит хисобига масофадан сотиб олиш имконини берувчи яна битта электрон савдо майдончаси – **маркетплейс** (Chakana.uz) ишга тушурилиб, уларнинг сони 2 тага етди.

Ушбу маркетплейслар аҳоли учун қулайлик яратиши билан бирга тадбиркорлар учун ўз маҳсулотини сотиш учун янги (онлайн) бозор яратмоқда. Ҳозирги вақтда мазкур платформаларда 400 дан ортиқ тадбиркорларнинг 12 мингдан зиёд товарлари аҳолига кредит эвазига таклиф этилмоқда. Ҳозирга қадар, ушбу платформалардан 100 мингдан ортиқ аҳоли рўйхатдан ўтган бўлиб, хисобот йилида маркетплейслар орқали аҳолига 130 млрд. сўмга яқин кредит маблағлари ажратилган.

Бундан ташқари, банклар ва тўлов ташкилотларининг мобил иловалари ҳам такомиллашиб, улар орқали амалга ошириш мумкин бўлган операциялар турлари кўпайиб бормоқда. Ҳозирда банклар томонидан ажратиладиган микроқарзнинг 49 фоизи, жалб қилинаётган омонатларнинг 64 фоизи, аҳолига

сотилаётган хорижий валютанинг 15 фоизи ва коммунал тўловларнинг 48 фоизи айнан мобил иловалар орқали амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида, бундай сифат ўзгаришлари, хусусан банк ва нобанк кредит ташкилотлари инфратузилмасининг кенгайиши ҳамда рақамли молиявий хизматларнинг ривожланиши ва оммалашуви республика худудларида аҳоли ва тадбиркорларни банк хизматлари билан самарали қамраб олиш имконини бермоқда.

6.2. Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш

Хисобот йилида Марказий банкнинг аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш йўналишидаги фаолияти маҳаллаларга чиқсан ҳолда (“марказдан маҳаллага” тамоилии асосида) молиявий таълим мазмун-моҳиятини тушунтириш, мультипликаторларни тайёрлаш, оммавий ахборот воситалари ёрдамида тарғибот ишларини олиб бориш, халқаро кампанияларни ташкил этиш, идоралараро ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек ўқув материалларини ишлаб чиқиш орқали комплекс тарзда ишларни ташкил этишга йўналтирилди.

Молиявий таълимни ташкил этишда мақсадли гурӯхлар сифатида асосий эътибор мактаб ўқувчилари, ёшлар, хотин-қизлар, ўқитувчилар, чакана савдо компаниялари ходимлари, меҳнат муҳожирлари ва қишлоқ жойлардаги аҳолига қаратилди.

Молиявий саводхонликни ошириш бўйича лойиҳаларни самарали ва кенг қамровда ўтказилишини таъминлашда мультипликатив таъсирга эга бўлган лойиҳалар алоҳида аҳамият касб этди. Жорий йилда амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида **300** мингга яқин аҳоли молиявий саводхонлик лойиҳаларида иштирок этди.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари (теле-радио каналлар, босма нашрлар, веб-сайт ва ижтимоий тармоқлар) орқали 8,5 млн. нафар аҳоли молиявий саводхонлик тадбирлари билан қамраб олинди. Шунингдек, тадбирларга 3 мингдан ортиқ умумтаълим муассасалари ва 100 га яқин олий ўқув юртлари жалб этилди.

Меҳнат муҳожирларининг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида “Ишга марҳамат” мономарказларини бизнес-тренерлари ўқитилди. Ўз навбатида, малакали бизнес-тренерлар томонидан 3 та вилоят (Жиззах, Навоий, Хоразм вилоятлари) ва Тошкент шаҳридаги **600** дан ортиқ хорижга ишга кетиш мақсадида бўлган меҳнат муҳожирларга молиявий саводхонлик бўйича тренинглар ўтказилди.

Тренинг давомида рақамли банк хизматларидан самарали фойдаланиш, молиявий хавфсизликни таъминлаш, масъулиятли кредитлаш ва меҳнат муҳожирларининг оила аъзолари томонидан жамғармаларни шакллантириш мавзуларига алоҳида эътибор қаратилди.

Россия Федерациясида меҳнат муҳожирлари учун банк хизматларидан фойдаланиш бўйича амалий кўрсатмалар ва материалларни ишлаб чиқиш йўналишида Сбербанк ОАЖ билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Олис ва чекка худудлардаги аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида 50 та банк агентлари учун ўтказилган тренингда банкнинг чакана хизматлари оммабоплигини ошириш, оиласвий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли молиявий саводхонлик мавзулари қамраб олинди. Жойларда келгуси таълим тадбирларини ташкил этилишини таъминлаш мақсадида ушбу агентлар томонидан яна **500 дан ортиқ банк агентлари тайёрланди;**

Мавжуд ва потенциал банк мижозларининг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида Халқаро молия корпорацияси билан биргаликда 5 та тижорат банкларидан чакана бизнес бўлимлари ва фронт-офис ходимлари тренер ва консультантликка тайёрланди. Натижада, лойиҳа доирасида **130** га яқин тренерлар тайёрланиб, 5 мингдан ортиқ мижозлар ва аҳоли учун тренинг ва консультациялар ўтказилди;

Ноиктисодий йўналишдаги олий ўқув юртлари талабаларининг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида **92 нафар волонтёр-тренерларнинг** келгуси ўқув-тренингларни ўтказиши бўйича малакаси оширилди. Лойиҳа давомида волонтёрлар томонидан 30 дан ортиқ тренинглар ўтказилиб, **1 000** дан ортиқ талабалар қамраб олинди.

Бундан ташқари, Марказий банк ташаббусси билан умумтаълим муассасаларида молиявий таълимни ўқитиши тизимини жорий этиш мақсадида **100** дан ортиқ ўқитувчилар тайёрланди ҳамда молиявий саводхонлик компонентларини 5-11-синф ўқув фанлари негизида ўқитишни назарда тутувчи **“Молиявий саводхонлик ойлиги”** ўқув дастури ишлаб чиқилди.

Молиявий саводхонликни ўқув фанларига интеграция қилиш учун Математика, Информатика, Инглиз тили, Меҳнат, Иқтисодий билим асослари, Тадбиркорлик асослари ўқув фанлари танлаб олинди. Синфдан ташқари ташкил этилган таълим машғулотлари давомида 125 та умумтаълим муассасаларидаги **3 000** дан ортиқ мактаб ўқувчиларини саводхонлиги оширилди.

Олис ва чекка худудлардаги хотин-қизларнинг молиявий саводхонлигини оширишда “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар, оила масалалари бўйича маҳалла раиси ўринбосарлари, шунингдек, тадбиркорликни яқинда бошлаган ишбилармон аёллар молиявий саводхонлигини ошириш тадбирнинг устувор мақсади этиб белгиланди.

Хотин-қизларга банк депозитлари орқали жамғармаларни шакллантириш, молиявий хавфсизликни таъминлаш, масъулиятли кредитлаш, тадбиркорлик асослари ва ракамли банк хизматларидан самарали фойдаланиш каби молиявий саводхонликнинг асосий масалалари бўйича давра сухбатлар ташкил этиш орқали тушунчалар берилди.

Хисобот йилида 4 та вилоятда (Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари) 17 та тренинглар ўтказилиб, уларда 1000 га яқин хотин-қизлар қатнашди. Лойиҳани амалга оширишда тижорат банклари ҳамда Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари бўйича қўмитаси жалб этилди.

Рақамли молиявий саводхонликни ошириш мақсадида йирик чакана савдо компаниялари ходимлари учун тўлов операторлари ва финтех компаниялари мутахассислари билан биргаликда ўқув тренинглари ўтказилди.

Шунингдек, Mastercard билан биргаликда STEM тамойиллари асосида етакчилик ва технологик қўникмаларни ривожлантириш учун 4 -10 ёшдаги қизлар учун “**Girls4tech**” рақамли молиявий саводхонлик ва рақамли технологиялар бўйича тренинг ташкил этилди.

Марказий банк томонидан олий ўқув юртлари талabalari учун молиявий саводхонликнинг долзарб йўналишлари бўйича кейс-чемпионатлари ташкил этилди. Интеллектуал танлов доирасида 300 дан ортиқ талabalар иштирок этди ҳамда кейс-чемпионат давомида талabalар молиявий маълумотлар билан ишлаш қўникмаларини ривожлантириб, банк тизими ҳақидаги ўз билимларини янада бойитдилар.

2021 йил март-апрель ва октябрь-ноябрь ойлари давомида “Умумжаҳон пул ҳафталиги” ва “Умумжаҳон жамғариш куни” халқаро таълим кампаниялари бўлиб ўтди. Халқаро кампаниялар доирасида **25 та** тадбирга 20 та тижорат банклари, 300 дан ортиқ таълим муассасалари, 100 та олий ўқув юртлари, 10 та суғурта ва тўлов компаниялари жалб этилди. Халқаро кампаниянинг умумий қамрови **100** мингдан ортиқ аҳолини, улардан **20** мингга яқини мактаб ўқувчилари ва болаларни ташкил этди.

Тижорат банки томонидан вилоятларда ҳар ойда молиявий саводхонлик бўйича очик дарслар ўтказилмоқда. Мазкур лойиҳа механизмини ишлаб чиқиши жараёнида 10 мингга яқин таълим муассасалари тижорат банкларининг 950 дан ортиқ филиалларига бириктирилди. Ҳисобот йилида **3 000** дан ортиқ таълим муассасаларидағи **145 минг нафар 5-11 синф ўқувчилари** учун очик дарслар ўтказилди.

Ҳисобот даврида “edutainment” технологияси билан ахборот ва ўқув материалларининг янги форматини ишлаб чиқишига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда, молиявий режалаштириш, жамғарма ва банк хизматларидан тўғри фойдаланиш кўнікмаларини ривожлантиришга қаратилган интерактив **“Молиявий интизом тақвими”** ишлаб чиқилди ва **13 минг** нусхада нашр этилди. Ушбу тақвимдан кенг қамровда эркин фойдаланиш учун унинг электрон версияси Марказий банкнинг молиявий саводхонлик бўйича ахборот ресурси – Finlit.uz веб-сайтида жойлаштирилди.

Мазкур веб-сайт аҳолининг молиявий таълимида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. 2021 йилда молиявий таълим ресурсига ташриф буюрувчилар сони **110 минг** нафардан ортиқни ташкил этди. Мақсадли гуруҳларнинг (тадбиркорлар, муҳожирлар, ўқитувчилар) молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида веб-сайтда **“Тадбиркорлик”** ва **“Ўқув материаллари”** каби янги бўлимлар очилди. Ушбу бўлимларда мультиплекторлар учун ўқув дастурлари ва материаллари, шунингдек тақдимотлар жойлаштириб борилди.

Интернет тармоғи ёрдамида қамровни янада кенгайтириш мақсадида ижтимоий тармоқларда расмий саҳифалар ва каналлар ишга туширилди. Мазкур ижтимоий каналлар орқали **3 млн.га яқин** аҳолига молиявий билим ва кўнікмалар турли форматдаги ахборот материаллари кўринишида етказилди. Шунингдек, молиявий саводхонлик бўйича **“Finlit.uz” мобил иловаси** ишлаб чиқилиб, уни юклаганлар сони **1 000** нафардан ортиқни ташкил этди.

Молиявий билимларни қизиқарли форматда кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида теле-радио ва босма оммавий ахборот воситаларида молиявий саводхонлик бўйича маҳсус лойиҳалар тайёрланди.

Хусусан, масъулиятли кредитлаш, молиявий хавфсизлик ва фирибгарлик, жамғармаларни шакллантириш ва молиявий режалаштириш каби мавзуларига оид:

Миллий телеканалида молиявий билимлар лойиҳаси апрель-июль ойларида ишга туширилиб, **20 та қисқа сюжетли** ахборот видеолавҳалари бериб борилди;

“Банкир маҳалласи” номли **90** та қисмдан иборат сериал ишлаб чиқилиб эфирга узатилди ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилди;

“Ориат доно” радиоканалининг “Таваккал” радиовикторинасининг **100 га яқин сони** ўтказилди ҳамда Авторадио радиоканалида маҳсус лойиҳа доирасида молиявий саводхонлик бўйича **100 дан ортиқ долзарб саволларга** жавоблар берилди;

“Даракчи” газетасида молиявий саводхонлик бўйича “Фойдали манзил” рукни очилиб, **40 дан ортиқ мақолалар** чоп этилди;

“Яндекс музыка” ва “Spotify” машҳур мусиқий порталарида **60 та ўқув подкастлари** жойлаштирилди.

Марказий банк томонидан Россия Федерацияси Молия вазирлиги Илмий-тадқиқот молия институтининг молиявий саводхонлик бўйича **77 та аудиовизуал материалларидан** фойдаланиш, таржима қилиш ва ОАВда жойлаштириш юзасидан лицензия ҳуқуқи қўлга киритилди.

Хисобот йилида Марказий банк ходимлари Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Халқаро молиявий таълим тармоғи лойиҳаси доирасида молиявий таълимни ривожлантириш ва молиявий хизматлар соҳасида рақамли технологиялар оммабоплигини ошириш бўйича тадқиқотлар ўтказишида, амалга оширилаётган лойиҳалар самарадорлигини таъминлаш мақсадида тажриба алмашиш тадбирларида фаол иштирок этди.

Олий таълим муассасаларини молиявий саводхонлик лойиҳаларига жалб қилишни кенгайтириш мақсадида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали, Тошкент молия институти ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан ўзаро ҳамкорлик меморандумлари тузилди.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Халқаро молиявий таълим тармоғи томонидан 2021 йилда МДҲ мамлакатларида молиявий саводхонлик даражасини баҳолаш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг **молиявий саводхонлик даражаси 59,9** фоизни ташкил этиб, МДҲ мамлакатлари орасида иккинчи ўринни эгаллади.

6.3. Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

2021 йилда Марказий банк томонидан молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро тажрибани амалиётга жорий этиш, соҳадаги аниқланган тизимли муаммоларнинг қонуний ечимини топишга ҳамда қонунчилик хужжатларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар қаторига масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали тақдим этилаётган хизматлар бўйича шартномавий муносабатларни такомиллаштириш, банк хизматлари истеъмолчиларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган айрим ҳуқуқларини шартномаларда акс эттиришга оид талаблар киритилди.

Шунингдек, банкнинг дастурий таъминотида юзага келган носозликлар истеъмолчиларнинг мажбуриятлари ортишига ва уларнинг қонуний манфаатларига зарар етишига олиб келмаслиги лозимлиги белгиланди.

Банк томонидан истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда банк ходимларининг хулқ-автори ва касбий одоб-аҳлоқ қоидаларини назарда тутувчи мижозларга **хизмат кўрсатиш стандартлари** жорий этилиши шарт қилиб қўйилди.

Тижорат банкларида мижозларга йўналтирилган хизмат кўрсатиш тизими니 самарали ташкил этиш мақсадида шартномада белгиланган ўзгарувчан фоиз ставкаси пасайиши муносабати билан фоиз ставкасининг пасайтирилиши, активнинг фойдаланилмаган қисми камайтирилиши, мижозни молиялаштиришни бошлиш муддати ўзгариши ҳисобига тўлов графигининг ёки тўловлар тўланадиган ой ичida тўлов санасининг ўзгартирилиши каби ҳолатлардан бири амалга оширилганда шартлари қайта кўриб чиқилган активлар деб ҳисобланмаслиги ҳамда ушбу кредитлар бўйича қўшимча эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни яратиш талаб этилмаслиги белгиланди.

Шу билан бирга, молиявий ташкилотлар ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда рақамли молиявий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ хатарларни камайтириш мақсадида **“Рақамли молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш Стандартлари”** ишлаб чиқилди.

Тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларга кредитлар ажратишда қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилик кўрсаткичини масъулиятли баҳолаб, келгусида қарздорлар томонидан тўловларни амалга оширишда қийинчиликлар юзага келмаслигини олдини олиш мақсадида **“Масъулиятли кредитлашнинг умумий тамойиллари”** тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилоти билан

истеъмолчилардан келиб тушган мурожаатларда кўтарилиган муаммоларни кўриб чиқиш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилди.

2021 йилда тижорат банкларида хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш ва уларнинг рейтингини белгилаш бўйича **Швейцариянинг “Business&Finance Consulting” компанияси** билан ҳамкорликда **бешта** худудда фаолият юритаётган (Тошкент шаҳри, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари) **11 та** тижорат банкининг **66 та** филиалида ўрганиш ўтказилди.

Ўрганиш натижалари айrim банкларда мижозларга йўналтирилган хизмат кўрсатиш тизими ҳанузгача тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги, банк ходимлари мижозларга хизмат кўрсатиш стандартлариiga амал қилмаслиги ҳолатлари мавжудлигини кўрсатди.

Мазкур аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарурий чора-тадбирларни кўриш юзасидан хорижий консалтинг компанияси эксперtlари иштирокида семинар ташкил қилиниб, тижорат банклари ходимлариiga ўтказилган ўрганиш методологияси, ўрганиш давомида тўпланган маълумотлар, аниқланган муаммолар, уларни келтириб чиқараётган сабаблар ҳамда бартараф этиш йўллари муҳокама қилинди.

Шунингдек, ҳисобот йилида 26 та тижорат банкларининг жами 529 та муассасаларида омонат хизматлари кўрсатилиши сифати, банк ходимлари томонидан мижозларга омонат хизматлари тўғрисида маълумотларнинг тўлиқ ва тўғри берилиши ҳамда омонатни расмийлаштириш жараёнлари юзасидан **сирли мижоз** сифатида тематик ўрганиш ўтказилди.

Тижорат банкларида банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи алоҳида таркибий бўлинма ташкил этилди.

Шунингдек, Марказий банкнинг тижорат банкларига берган кўрсатмалари натижасида **14 та** тижорат банки томонидан қисқа рақамли профессионал колл-марказлари ташкил этилди ҳамда колл-маркази оператори билан боғланиш учун талаб этиладиган **ўртacha вақт 11 минутдан 2 минутгача қисқарди**.

Молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш ҳамда илгор халқаро амалиётларни инобатга олган ҳолда таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида чет эллик эксперт жалб этилди.

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахслар учун таклиф этилаётган молиявий хизматлар тўғрисидаги маълумотларни олиш ҳамда

уларни таққослаш имкониятини берадиган “bankxizmatlari.uz” ахборот портали яратилиб, тест режимида ишга туширилди.

2021 йил давомида **10 та тижорат банкида** тўлов терминаллари орқали тўловларнинг қабул қилиниши, банк кассаларидан нақд пул маблағларининг берилиши, омонат хизматларининг кўрсатилиши, мурожаатлар билан ишлаш бўйича ижро интизомининг ҳолати юзасидан ҳамда **10 та микрокредит ташкилотида** кредит шартномаларини расмийлаштирилиши, фоиз ставкаларининг белгиланиши ва фоизлар ҳисобланиши бўйича қонун хужжатларига амал қилиниши ҳолати юзасидан назорат тадбирлари ўтказилди.

Ўрганиш натижаларида аниқланган ҳолатлар бўйича **8 та микрокредит ташкилотига 62 млн. сўм микдорида жарима санкциялари қўлланилди**.

2021 йилда банк карталари эгаларига банк муассасаларида жойлашган терминаллар орқали хизмат кўрсатилиши ҳолати юзасидан **26 та тижорат банкининг 897 та муассасасида** жами **917 та** назорат тадбирлари ўтказилди.

Ўтказилган назорат тадбирлари давомида аниқланган қоидабузарлик бўйича **16 та тижорат банкига** нисбатан **1 177 млн. сўмдан ортиқ жарима сакциялари қўлланилди**.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан қоидабузарликларга йўл қўйган **269 нафар** ходимларига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилган. Хусусан, 152 та ходимга хайфсан берилган, 100 та ходимнинг иш ҳақидан жарима ундирилган ва 17 та ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Истеъмолчилардан қонун хужжатларига зид равишда ундирилган жами **46 млн.сўмлик** комиссия тўловлари мижозларга қайтариб берилishi таъминланди.

Ҳисобот йилида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилangan тартибда кўриб чиқилди ва **92 нафар** банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тикланишига кўмаклашилди.

Мурожаатларда кўтарилиган масалаларни ўрганиш жараёнида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тикланишига кўмаклашилган **18 нафар** истеъмолчиларга жами **25,4 млрд. сўмлик** маблағлари қайтариб берилishi таъминланди.

6.4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билин ишлаш

2021 йилда Марказий банк тизимида Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талаблари доирасида ишлаш таъминланди.


Мурожаатларнинг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш билан бирга, банк хизматларидан фойдаланишда юзага келаётган тизимли камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш Марказий банкнинг ушбу соҳадаги фаолиятини асосий мезонларидан бўлиб қолмоқда.

Жисмоний ва юридик шахслар билан электрон шаклда мулоқот ўрнатган ҳолда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни зудлик билан бартараф этишда Марказий банкнинг расмий веб-сайти орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри худудий бош бошқармалари томонидан тўғридан-тўғри мурожаатларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш таъминланди.

Бундан ташқари, Марказий банкнинг мобил илова дастури ва “Ишонч телефони” орқали ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш имкониятлари яратилган.

6.4.1-чизма

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари сони, дона




2021 йилда Марказий банк аппаратига 5 200 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушган бўлиб, унинг 12,9 фоизи Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, 9,8 фоизи Марказий банк электрон

почтаси, 57,6 фоизи Марказий банкка тўғридан-тўғри ва бошқа вазирлик, идоралар орқали келиб тушган ёзма мурожаатлар, 9,2 фоизи “ишонч телефони” орқали ҳамда 10,5 фоизи шахсий ва сайёр қабуллар давомида келиб тушган.

6.4.2-чизма

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари сони, дона



Хисобот йилида жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларнинг 1 462 таси ижобий ҳал қилинди, 3 539 тасига амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида тушунтиришлар берилди, 168 та мурожаат тегишлилиги бўйича кўриб чиқиши учун бошқа вазирлик ва идораларга юборилди, 6 таси аноним мурожаат бўлганлиги сабабли кўриб чиқилмади ҳамда 62 та мурожаат ҳозирда кўриб чиқиши жараёнида.

Мурожаатларнинг 3 362 таси (*64,2 фоиз*) кредит масалаларида, 585 таси (*11,2 фоиз*) банк ходимларининг хатти-харакатлари, 304 таси (*5,8 фоиз*) банк ҳисоб рақамларини очиш, тўлов тизими ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, 281 таси (*5,4 фоиз*) банк фаолияти бўйича маълумотлар олиш ва таклифлар ҳамда 705 таси (*13,4 фоиз*) бошқа масалалар ҳиссасига тўғри келади. (6.4.1-жадвал)

Хисобот йилида Марказий банкка келиб тушган мурожаатлар сонининг 2020 йилга нисбатан 2 баробарга ортганлиги коронавирус пандемияси туфайли молиявий қийинчиликка дуч келган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидан кредитларни қайтариш муддатини узайтириш масаласидаги мурожаатлар сонининг кўпайганлиги ва ижтимоий дастурлар доирасида имтиёзли кредит ажратиш тўғрисидаги мурожаатлар сонининг ошганлиги билан изоҳланади.

6.4.1-жадвал

**Марказий банкка жисмоний ва юридик шахслардан келган
мурожаатларда кўтарилилган масалалар таркиби**

№	Мурожаат масаласи	Мурожаатлар сони			
		2020 йил		2021 йил	
		сони	%да	сони	%да
1	Банк кредитлари ва кредит операциялари масаласида	1 622	61,8	3362	64,2
2	Банк ходимларининг хатти-харакатлари масаласида	230	8,8	585	11,2
3	Банк фаолияти бўйича маълумотлар олиш ва таклифлар масаласида	173	6,6	281	5,4
4	Банк ҳисобрақамларини очиш, тўлов тизими ва нақд пулсиз ҳисоб китоблар масаласида	155	5,9	304	5,8
5	Валюта йўналишида	100	3,8	135	2,6
6	Банк карталари ва терминаллар масаласида	83	3,2	127	2,4
7	Ишга жойлашиш масаласида	53	2,0	112	2,1
8	Банк омонати ва бошқа депозит операциялари масаласида	51	1,9	122	2,3
9	Банклар ва кредит ташкилотларни ташкил этиш ва тугатиш масаласида	32	1,2	51	1,0
10	Нафақа пулларини олиш масаласида	27	1,0	37	0,7
11	Бошқа масалалар	99	3,8	121	2,3
Жами		2 625	100,0	5 237	100,0

Шу билан бирга, банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида аҳолига банк хизматлари кўрсатиш сифатининг яхшиланиб бораётганлиги ҳамда банк хизматлари оммабоплиги ва шаффофлигини таъминлаш йўналишида олиб борилаётган ишлар шароитида ҳисбот йилида банк фаолияти бўйича маълумотлар олиш ва таклифлар, валютани тартибга солиш ва валюта назорати, банк карталари ва терминаллар, банк ҳисобрақамларини очиш, тўлов тизими ва нақд пулсиз ҳисоб китоблар ҳамда нафақа пулларини олиш масаласидаги мурожаатлар улуши камайди.

VII. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ҲАМКОРЛИК

2021 йилда Марказий банк халқаро молия ташкилотлари, хорижий марказий банклар ва бошқа хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик ишларини давом эттириди.

Хусусан, Марказий банк томонидан ваколати доирасида техник кўмаклар жалб қилиш, меморандумлар имзолаш, халқаро рейтинг агентликларига мунтазам равишда маълумот ва хуносалар тақдим этиб бориш, шунингдек халқаро интеграцион ташкилотларга аъзо бўлиш юзасидан ишлар олиб борилди.

7.1. Халқаро молия институтлари ва хорижий марказий банклар билан ҳамкорлик

Хисобот йилида Марказий банкка юклатилган вазифаларни самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида халқаро молия ташкилотларнинг қатор йўналишларда техник кўмаклари жалб этилди.

Мазкур техник кўмакнинг аксарият қисми **Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ)** томонидан тақдим этилган бўлиб, “Ташқи сектор статистикасини такомиллаштириш”, “Капитал ҳисобини янада эркинлаштириш”, “Пул-кредит ва молиявий статистика” ҳамда “Пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмини такомиллаштириш” каби йўналишларни қамраб олди.

Хусусан, Ташқи сектор статистикаси бўйича қабул қилинган техник кўмак миссияси доирасида мамлакатимиз тўлов баланси кўрсаткичларидан макроиктисодий таҳлилда ва статистикада фойдаланиш учун тарихий қаторлари шакллантирилди.

Капитал оқимларни эркинлаштириш бўйича миссияси давомида ХВЖнинг эксперtlари умумқабул қилинган амалиёт ҳамда Ўзбекистонда уни қўлланилиши, шунингдек тегишли оқимларни тартибга солиш бўйича олдиндан амалга оширилиши зарур бўлган чоралар бўйича дастабки тавсияларини тақдим этдилар.

ХВЖнинг Пул-кредит ва молиявий статистика бўйича техник кўмак миссияси зарурий статистик ҳисбботларнинг якуний шаклларини ишлаб чиқишига кўмаклашди. Шунингдек, тест режимида йиғилган статистик маълумотлар асосида молиявий ҳисбботлар таҳлил қилиниб, уларни таснифлаш ишлари амалиётга жорий этилди.

ХВЖнинг Олма-ота шаҳрида жойлашган Кавказ, Марказий Осиё ва Мўғулистан учун **Минтақавий салоҳиятни ошириш марказининг “Пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмини такомиллаштириш”** бўйича

техник кўмак миссияси доирасида пул-кредит сиёсатининг операцион механизми ва трансмиссион каналлар самарадорлигининг жорий ҳолати баҳоланди ҳамда инфляцион таргетлаш режимига ўтишнинг навбатдаги босқичида бажарилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

2021 йилда Марказий банк ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи ваколатли органи сифатида Халқаро валюта жамғармаси билан бошқа бир қатор йўналишларда ҳам тўғридан-тўғри ҳамда идоралараро ҳамкорлик олиб борилиши таъминланди.

Хусусан, ХВЖ Келишувларининг IV моддаси бўйича онлайн консультатив миссияси, ХВЖ Ўрта Шарқ ва Марказий Осиё Департаментининг миссияси ташрифи ҳамда ХВЖ ва Жаҳон банки гурухининг баҳорги ва кузги йиллик анжуманлари қатор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида ўтказилди.

Ҳисобот йилида **Жаҳон банкининг** Марказий банкнинг жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги назоратни амалга ошириш билан боғлиқ ички тартиб ва хужжатларни кўриб чиқиш ва баҳолаш йўналишида техник кўмак миссияси амалга оширилди ва тегишли ҳисббот лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, Жаҳон банкининг техник кўмагида лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларни беришда Марказий банк департаментларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ягона тизимга солиш юзасидан ички тартиб ишлаб чиқилди.

Шунингдек, 2021 йилда Жаҳон банкининг эксперtlари кўмагида Марказий банкда самарали ва юқори технологик назорат тизимини (SupTech ва RegTech) лойиҳалаш, автоматлаштиришни жорий қилиш ишлари олиб борилди ва бугунги кунда Жаҳон банкининг консультантлари билан биргаликда йўл харитаси ишлаб чиқилмоқда.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан Ўзбекистонда молия тизимида ва тадбиркорликда гендер тафовутини бартараф этиш бўйича техник кўмак дастури амалга оширилди ва 2021-2023 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар режаси” ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ҳисббот йилида **Осиё тараққиёт банки (ОТБ)** томонидан рискка асосланган банк назоратини амалиётга тадбиқ этиш бўйича техник кўмак миссияси давом эттирилди. Бунда, инспекция жараёнини рискка асосланган йўналиш ва услубда ташкил қилиш, банкнинг стратегияси ва бизнес моделини баҳолаш, кредит рискларини таҳлил қилиш учун намуналар олиш ишлари амалиётда ўрганилди.

Молиявий оммабоплик альянси грантлари асосида 2021 йилда тўлов тизимлари ва банк хизматлари истеъмолчилари хуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаларига оид меъёрий-хуқуқий базани таҳлил қилиш учун хорижий мутахассислар жалб қилинди ва тегишли тавсиялар олинди.

Бундан ташқари, ўтган йил давомида Туркия, Венгрия ва Корея Республикаси **Марказий банклари** билан қатор йўналишларда англашув меморандумлари имзоланиб, ўзаро тажриба ўрганиш ишлари йўлга қўйилди.

7.2. Халқаро рейтинг компаниялари, хорижий инвесторлар ва бошқа молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик

Ўтган йил давомида Марказий банкда пул-кредит сиёсати, кредит ташкилотларининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, статистика, тўлов тизимлари, киберхавфсизлик ва бошқа муҳим масалаларни ўз ичига қамраб олган жами 300 дан ортиқ учрашувлар ўтказилди. Давом этаётган пандемия билан боғлиқ чекловларни инобатга олган ҳолда, аксарият учрашувлар онлайн тарзда ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг суверен рейтингини янгилаш мақсадида Fitch Ratings, Moody's, S&P Global Ratings **халқаро рейтинг агентликлари** билан қатор мулоқотлар ўтказилди. Улар давомида макроиктисодий ва монетар кўрсаткичларни яхшилаш юзасидан қилинаётган ишлар, банк тизимининг жорий ривожланиш ҳолати, COVID-19 пандемиясининг банк тизимига таъсири ҳамда тўлов баланси ва халқаро инвестиция позицияси бўйича ахборот алмашилди.

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган хорижий банклар ваколатхоналари сони жами 6 тага етиб, мазкур ваколатхоналар ва ваколатхона раҳбарларининг аккредитация муддатлари конунчиликка кўра узайтириб берилди.

Давлатлараро ва халқаро **интеграцион бирлашмалар**, ҳукуматлараро ва идоралараро комиссиялар фаолияти доирасидаги халқаро ҳамкорлик бўйича тузилган ишчи гуруҳларда Марказий банк вакиллари тегишли масалалар юзасидан иштирок этдилар.

Хусусан, халқаро интеграцион ташкилотларга, жумладан **Жаҳон савдо ташкилоти ва Евросиё иқтисодий иттифоқига** қўшилиш доирасида ҳамда **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти**, **Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги**, **Европа Иттифоқи ва Туркий давлатлар ташкилоти** ўртасидаги идоралараро онлайн учрашувларда иқтисодий интеграция, банк хизматларини кўрсатиш масалалари юзасидан Марказий банк вакиллари қатнашиб, тегишли мурожаатлар бўйича батафсил маълумотлар тақдим этдилар.

Хисобот йилида Швейцариянинг Женева шаҳрида **Жаҳон Савдо Ташкилотига (ЖСТ)** аъзо давлатлари билан мамлакатимизнинг товарлар ва хизматлар бозорига кириш масаласида ўтказилган бешинчи йиғилишида Марказий банк вакиллари банк ва молия хизматлари соҳасидаги музокараларда иштирок этди.

Шу билан бирга, ўтган йилнинг 25-26 ноябрь кунлари Марказий банк ҳамкорлигига **Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатларининг II Халқаро молия-банк форуми** ўтказилиб, мазкур тадбирда банк, суғурта, лизинг, капитал бозори, биржа фаолияти сингари муҳим йўналишларда илғор хориж тажрибаси намойиш этилди.

Туркий давлатлар ташкилоти доирасида ишлаб чиқилаётган «Туркий дунёга назар - 2040» концептуал хужжати лойиҳаси юзасидан Марказий банк молия ва банк хизматлари юзасидан ўз хulosса ва таклифларини билдириб ўтди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг молия вазирлари ва Марказий банклар раислари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вакиллари видеоконференсалоқа орқали иштирок этишиб, иқтисодий сиёsat чора-тадбирларининг асосий масалалари юзасидан муҳокамаларда қатнашдилар. Шунингдек, 2022 йил давомида мазкур ташкилотда Ўзбекистон Республикаси раҳбарлиги юзасидан тузилган ишчи гуруҳларда Марказий банк вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда.

VIII. ТАШКИЛИЙ ВА ИЧКИ ФАОЛИЯТ

8.1. Ташкилий тузилма

Хисобот йилида Марказий банк ташкилий тузилмасини мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, жумладан банк тизими олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб такомиллаштириб борилди.

Хусусан, банк тизимида рақобат муҳитининг кучайиши ва ташқи молия бозорларига интеграциялашув даражасининг ортиб бораётганлиги шароитида банк-молия тизимидағи хатарларни олдиндан аниқлаш, макропруденциал сиёsat йўналишларини ишлаб чиқиши мақсадида **Молиявий барқарорлик департаменти** ташкил этилди.

Бугунги кунда, Марказий банкнинг ташкилий тузилмаси марказий аппарати - 30 та департамент, 2 та хизмат ва 2 та бўлим, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида 14 та ҳудудий бош бошқарма ҳамда тасарруфдаги 4 та корхоналардан ташкил топган.

2022 йил 1 январь ҳолатига Марказий банкнинг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бош бошқармаларида жами 2 090 нафар ишчи ва мутахассислар фаолият юритмоқда.

8.2. Ходимлар билан ишлаш тизимини ривожлантириш

Хисобот йилида ходимлар билан ишлаш тизимини ривожлантиришда асосий эътибор ишга қабул қилиш жараёнлари шаффофлигини таъминлаш ҳамда ходимларни қайта ўқитиш орқали меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилди.

Марказий банкда мавжуд бўш иш ўринларини бутлаш мақсадида етакчи олий ўқув юртлари билан мунтазам ҳамкорлик йўлга қўйилди ҳамда бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар Марказий банкнинг расмий веб-сайтида ва ижтимоий тармоқларида ёритиб борилди.

2021 йилда ишга қабул қилиш “телеграм-бот” онлайн дастури орқали амалга ошириш тизими жорий этилиб, келиб тушган мурожаатлар сони **5 832** тага етди. Шундан тест синовларидан муваффақиятли ўтган 163 нафар номзодлар билан сухбат ўказилиб, жами **150 нафар** ходим хусусан, марказий аппарат бўйича 56 нафар ҳамда ҳудудий бош бошқармалари бўйича 94 нафар ходим ишга қабул қилинди..

Ходимларни хорижий тилларга ўқитиш амалиётини йўлга кўйиш мақсадида ҳар бир лавозим ва унинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда CEFR халқаро хорижий тилларни билиш стандартлари бўйича **A1, A2, B1, B2 ва C1** хорижий (рус ва инглиз) тилларни билиш даражасига нисбатан қўйиладиган талаблар белгиланди.

Хорижий (рус ва инглиз) тилларни билиши бўйича шакллантирилган ушбу талаблар Марказий банкка ишга қабул қилинаётган ҳамда юқори лавозимга тайинланаётган номзодларнинг хорижий тилларни билиши мажбурий бўлган малакавий қўникма сифатида фойдаланилиши жорий этилди.

2021 йилда **49** та раҳбарлик лавозимлари учун **103** нафар кадрлар захираси таркиблари тасдиқланди. Шундан, **4** нафар захира таркибиға киритилган номзодлар ҳудудий бош бошқарма бошлиғи лавозимларига ҳамда захира таркибидаги **7** нафар ходимлар марказий аппарат таркибий бўлинмаларига раҳбарлик лавозимларига тайинланди.

Бугунги кунда, Марказий банк тизимида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган **30** нафар ходим, Банк-молия академиясини тамомлаган **131** нафар ходим ҳамда чет элдаги олий таълим муассасаларининг бакалавр ва магистрлик йўналишларида таҳсил олган **57** нафар ходим фаолият юритмоқда.

Марказий банкнинг жами **15** нафар ходимлари чет элда таълим муассасаларида ҳусусан, Япония сиёсий фанлар миллый институтида (GRIPS) 4 нафар, Токио университетида **2** нафар, Япония Рицумейкан университетида 1 нафар, Кореяning Сонгюнгван университетида 1 нафар ҳамда Япония Хитотсубаши университетида 2 нафар ходим ҳамда “Эл-юрт умиди” жамғармасининг таълим гранти асосида **5** нафар ходим Буюк Британиянинг Суонси, Глазго ва Рединг университетларида магистратура йўналиши бўйича таълим олмоқдалар.

Шунингдек, 6 нафар ходим 2021-2022 ўкув йилида грант асосида Банк-молия академиясига ўқишга қабул қилинди.

2021 йилда Марказий банк марказий аппаратининг **12** нафар ходими (**9** нафар раҳбар ва **3** нафар мутахассис) Швейцария, Туркия, Қозогистон ва Корея давлатларида ўз малакаларини оширишди.

Марказий банкнинг 50 нафардан ортиқ ходими Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида давлат тилида иш юритиш асослари бўйича назарий, амалий билимларини

ошириш бўйича ўқув курсларида иштирок этиб тегишли сертификатларга эга бўлдилар.

Марказий банк тизимида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, Марказий банк тизимидағи ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, **спорт билан мунтазам равишда шуғулланиб боришилари** мақсадида, уларнинг ишдан бўш вақтлари ҳамда дам олиш кунларида мини-футбол, стол тениси, шахмат-шашка, сузиш ва аёллар учун гимнастика билан шуғулланишларига барча **шароитлар яратиб берилди**.

Марказий банкнинг ички коммуникация механизмини ривожлантириш ва ходимларнинг корпоратив маданиятини шакллантиришни таъминловчи ягона ахборот майдонидан кенг фойдаланиш мақсадида Марказий банкнинг **ички корпоратив портали** ишга туширилди.

8.3. Банк мутахассисларини қайта тайёрлаш корпоратив маркази томонидан амалга оширилган ишлар

Банк тизимини трансформация қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар илгор халқаро амалиётни инобатга олган ҳолда кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг замонавий усулларини жорий этишни тақозо этмоқда.

Мамлакатдаги мавжуд эпидемиологик шароитда Корпоратив ўқув маркази ўз ҳамкорлари талабидан келиб чиқсан ҳолда ўқув тадбирларини онлайн форматда ўтказишида давом этди ва бу ўз навбатида, ўқув тадбирларининг сонини ва уларга иштирокчиларни жалб қилиш имконини сезиларли даражада кенгайтирди.

2021 йилда Марказий банк, тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари ходимларининг замонавий касбий билим ва салоҳиятларини ошириш мақсадида **60 та** хорижий ва маҳаллий молия институтлари, чет эл марказий банклари ва ўқув марказлари ҳамкорлигига **231 та** ўқув тадбирлари ўтказилиб, мазкур тадбирлар доирасида **7 738** нафар ходимлар иштирок этди.

Бунда, Марказий банк ходимлари учун **208 та**, тижорат банклари учун **67 та** ҳамда **микрокредит ва ломбард** ташкилотлари ходимларининг билим ва малакасини ошириш мақсадида **10 та** ўқув тадбирлари ўтказилди.

Ушбу ўқув тадбирлари давомида пул-кредит сиёсати, макроиктисодий моделлаштириш, банкларда таваккалчиликларни бошқариш, тўлов тизимлари, киберхавфсизлик, молиявий технологиялар (FinTech), банк хизматлари оммабоплиги ва аҳолининг молиявий саводхонлиги, валюта назорати ва тўлов баланси, банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини

химоя қилиш, ислом молияси, статистика, лидерлик кўникмаларини ривожлантириш каби мавзулари қамраб олинди.

Шунингдек, 2021 йил давомида касбий ва шахсий билимларни ошириш мақсадида хорижий ҳамкорлар томонидан тақдим этилаётган ўқув платформаларидан Марказий банк ходимлари фаол фойдаланди. Жумладан:

- Халқаро ҳисоб-китоблар банки Молиявий барқарорлик институтининг **FSI Connect** платформасида Марказий банкнинг **25 нафар** ходимларига “Банк фаолияти бизнеси”, “Банкларни назорат қилиш асослари”, “Basel III ислоҳотлари”, “Макропруденциал сиёсат ва тизимли таваккалчиликлар”, “Тизимли аҳамиятга эга бўлган банклар”, “Кредит таваккалчилиги сиёсати ва назорати асослари”, “Ликвидлик таваккалчилиги сиёсати ва назорати”, “Бозор таваккалчилиги сиёсати ва назорати” каби мавзулар бўйича;

- **Россия марказий банки корпоратив университетининг** таълим портали томонидан тақдим этилаётган касбий (hard) ва шахсий (soft) кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув курсларида Марказий банкнинг **50 нафар** ходимига;

- **Евropa тикланиш ва тараққиёт банкининг** онлайн ўқув платформасида **11 нафар** ходимга банк соҳасига оид касбий билим даражасини ошириш имконияти яратилди.

Шунингдек, Марказий банкнинг **4 нафар** ходими **Кембридж университетининг** молиявий технологиялар йўналишида ўтказилган ўрта муддатли ўқув курсида иштирок этишди ва **сертификатга** эга бўлишди.

Бирлашган Вена институти томонидан тақдим этилаётган ўқув тадбирларида **54 нафар** ходим банк соҳасининг турли йўналишларига бағишланган ўрта муддатли ўқув тадбирларида иштирок этишди ва **сертификатларга** эга бўлишди.

Шунингдек, давлат ташкилотлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳиятини ўрта ва қуйи бўғиндаги масъул ходимларга етказиш орқали белгиланган ҳужжатлар асосида тўғри фаолият олиб боришиларини ҳамда **хуқуқий саводхонлигини** мунтазам равишда ошириб боришлиари учун Марказий банк ва тижорат банклари ходимлари учун **8 та** ўқув семинари ўтказилди.

Мамлакатимизда **коррупциянинг олдини олиш** ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупцион омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни изчил амалга

ошириш доирасида Марказий банк ва тижорат банклари ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш мавзусида жами **6 та** ўкув тадбири ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан “**Коррупцияга қарши кураш**” мавзусида ўтказилган 60 соатлик ўкув курсида Марказий банкнинг **5 нафар** раҳбар ходимлари малакаларини оширишди ва **сертификатга** эга бўлишди.

Юқорида келтирилган барча ўкув тадбирларида **гендер тенглиги** тамойили инобатга олинган бўлиб, 2021 йилда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамкорлигига Марказий банк ва тижорат банки ходимлари учун гендер тенглиги ва молия соҳасида ишловчи аёллар улушкини оширишга бағишланган ўкув семинарлари ташкил этилди ва **150 га яқин** иштирокчи қамраб олинди.

Бошқарув соҳасида истиқболи раҳбар аёллар улушкини кўпайтириш мақсадида “**Women's World Banking**” ташкилоти томонидан юқори салоҳиятли аёл ходимларнинг лидерлик ва бошқарувчанлик кўникмаларини оширишга қаратилган ўкув дастурида Марказий банкнинг **6 нафар** етакчи ходимлари муваффақиятли иштирок этишди ва **Оксфорд университетининг Said** бизнес мактаби (Said Business School) сертификатларига эга бўлишди.

Марказий банк, унинг худудий бош бошқармалари ва тижорат банклари **ёш мутахассисларининг** касбий билим ва салоҳиятини ошириш мақсадида улар учун банк соҳасининг турли мавзуларида ҳамда Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари фаолиятини ўрганиш бўйича режа-дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур асосида Марказий банкнинг кўп йиллик тажрибага эга ходимлари томонидан жами **39 та** ўкув семинарлари ўтказилди ва **2 430 га яқин** иштирокчи қамраб олинди.

Раҳбар ходимларни малакасини ошириш ва ўз вақтида ходимларни тўғри бошқариш ва жамоавий ишни самарали ташкил қилишнинг муҳимлигини инобатга олган ҳолда, Марказий банк раҳбар ходимлари, шу жумладан **кадрлар захираси таркибида турувчи раҳбар ходимлар** учун бошқарув кўникмаларини (soft skills) ривожлантириш йўналишида Россия Марказий банки корпоратив университети, Газпромбанк ва бошқалар ҳамкорлигига жами **11 та** ўкув тадбирлари ўтказилди.

Банк мутахассисларини қайта тайёрлаш корпоратив маркази фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Марказий банкнинг юқори тажрибага эга 14 та ходимидан таркиб топган **ички тренерлар** гурухи “Global competence” ўкув ва консалтинг марказида тренерлик компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган ўкув тренингида малакасини оширди ва **сертификатга** эга бўлишди.

Бундан ташқари, Марказий банкнинг 8 нафар мутахассислари 9 ой давомида Корея банки билан пул-кредит сиёсати йўналишида тадқиқотлар олиб бориши мақсадида ҳамкорлик дастурини амалга ошириди. Ушбу дастур натижасида Корея банки эксперtlари томонидан 2021 йил учун Ўзбекистон пул-кредит сиёсати таҳлили ва келгусида унинг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсияларни ўз ичига олган тадқиқот материаллари шакллантирилди.

8.4. Пул-кредит ва молиявий статистикани такомиллаштириш

Ҳисобот йилида пул-кредит статистикаси қамрови тўлиқлигини таъминлаш мақсадида республикада фаолият юритаётган нобанк ва бошқа молиявий ташкилотлар молиявий ҳолатини ўзида акс эттирувчи янги “**Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи**”ни шакллантириш йўлга қўйилди.

Жумладан, 2021 йилнинг март ойида Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) онлайн техник кўмак миссияси жалб қилиниб, бошқа молиявий ташкилотларнинг 2020 йил якуни бўйича шакллантирилган статистик ҳисоботлари таҳлил қилинди ҳамда **молиявий инструментларни таснифлаш** ишлари якунига етказилди.

Шунингдек, ХВЖ экспертлари билан ҳамкорликда ушбу шарҳни шакллантиришда зарурий бўлган статистик ҳисоботларнинг сифати ва кўламини янада ошириш мақсадида суғурта ва лизинг ташкилотлари, тўлов ташкилотлари ва тўлов тизими операторлари, фонд ва валюта биржалари ҳамда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондидан йиғиладиган статистик ҳисобот шакллари такомиллаштирилди.

Мазкур шарҳни шакллантириш жараёнини тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **“Нобанк ва бошқа молиявий ташқилотлар шарҳини шакллантириш бўйича статистик ҳисоботларни юритиш тартиби тўғрисида”**ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда қўзда тутилган талаб ва меъёрларни молиявий ташкилотлар масъул раҳбар ва ходимларига батафсил тушунтириш ҳамда уларнинг статистик ҳисоботларни шакллантириш борасидаги билим ва малакасини ошириш мақсадида Марказий банк томонидан **семинар-тренинглар** ташкил этилди.

Бундан ташқари, Марказий банк томонидан бошқа молиявий ташкилотларнинг 2019-2021 йиллар бўйича статистик ҳисоботлари йиғилди ҳамда умумлаштирилди.

Мазкур янги “Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи” ва “Молия сектори шарҳи”ни 2022 йилнинг I чорагидан бошлаб Марказий банкнинг расмий веб-сайтида, Очиқ маълумотлар порталида, шунингдек, ХВЖнинг кенгайтирилган Маълумотларни Тарқатишнинг Умумий Тизими (к-МТУТ) ҳамда “Халқаро Молиявий Статистика” тизимида эълон қилиниши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикасининг ХВЖнинг кенгайтирилган Маълумотлар Тарқатишнинг Умумий Тизимидан (к-МТУТ) Маълумотларни Тарқатишнинг Maxsus Стандартига (МТМС) ўтишига тайёргарлик кўриш мақсадида 2021 йилнинг март ойида ХВЖнинг кўп тармоқли техник кўмак миссияси жалб қилинди.

Ташриф давомида ХВЖ экспертлари билан ҳамкорликда МТМС тизимида Марказий банк томонидан жойлаштириладиган маълумотлар кўриб чиқилди ҳамда Марказий банк томонидан ҳар чорак якунлари бўйича ялпи ташқи қарз маълумотларини Жаҳон банкининг статистик платформасига жойлаштириб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Халқаро молия бозорида асосий маълумотлар базаларидан бири ҳисобланган Блумберг платформасидаги Марказий банк саҳифасида статистик ва бошқа маълумотларни тизимли равишда жойлаштириш жорий қилинди.

Шу билан бирга, Марказий банк Статистик бюллетенини ойлик асосда шакллантириш йўлга қўйилиб (аввалда чораклик асосда), ўзбек, рус ва инглиз тилларида Марказий банк расмий веб-сайтида эълон қилиб келинмоқда.

8.5. Марказий банкнинг таҳлилий ва тадқиқотлар базасини ривожлантириш

Ҳисобот йилида пул-кредит сиёсати бўйича қарорлар қабул қилиш сифатини ошириш мақсадида Марказий банк фаолиятига оид долзарб мавзулар юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаштириш тизимини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

Хусусан, пул-кредит сиёсати фоиз каналининг трансмиссион механизми самарадорлигини ошириш доирасида “Ўзбекистонда депозит долларлашуви ва хроповик самараси” ҳамда “Долларлашув даражасини пасайтириш бўйича давлатлар тажрибаси” мавзуларида тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Мазкур тадқиқот ишларида Ўзбекистондаги долларлашув даражаси ва унга таъсир қилувчи фундаментал омиллар эмпирик баҳоланди ҳамда долларлашув даражасини пасайтиришга эришган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда мамлакатимизда долларлашув даражасини пасайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, мамлакатда инвестицион мухитни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш мақсадида **“Саноат корхоналарининг 2017-2019 йиллардаги инвестицион фаолияти таҳлили”** мавзусида тадқиқот иши ўтказилди.

Бунда, маҳаллий корхоналарнинг инвестицион фаоллик даражаси, яъни корхоналар қанчалик даражада ўз молиявий маблағларини инвестицион мақсадларга йўналтираётганлиги, унга тўсқинлик қилувчи омиллар, инвестицион қарорлар қабул қилиш стратегияси ҳамда 2017-2019 йилларда амалга оширилган инвестицияларнинг самарадорлиги сўров ўтказиш орқали баҳоланди.

Банк тизимида трансформация жараёнларининг амалга оширилаётганлиги шароитида **“Хорижий банклар кириб келишининг кредит бозори фоиз ставкаларига таъсири”** мавзусида тадқиқот иши амалга оширилди.

Пул-кредит сиёсати бўйича қарорлар қабул қилишда уй хўжаликларининг иқтисодий кутилмаларини баҳолаш ва уни мониторинг қилиб бориш муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда, ҳисбот йилида уй хўжаликларининг иқтисодий ҳолатига ҳамда иқтисодий қарорлар қабул қилишига таъсир кўрсатувчи асосий макроиктисодий кўрсаткичларни қамраб олган **Уй хўжаликларининг макроиктисодий ҳолат индекси** ишлаб чиқилди.

Ушбу индекс уй хўжаликлари иқтисодий ҳолатни баҳолашда ортиқча оптимистик ёки пессимистик бўлиши назариясига асосан жорий макроиктисодий кўрсаткичлардан келиб чиқиб уй хўжаликларининг кутилмаларини баҳолаш имкониятини беради.

Шунингдек, 2021 йилдан коронавирус пандемияси оқибатларининг юмшатилиши, эмлаш жараёнларининг жадаллашиши ҳамда жаҳон иқтисодиётининг қайта тиклана бошлиши жаҳон бозорида нефть нархинининг ҳам сезиларли ошишига олиб келди. Натижада, Ўзбекистонда ёқилғи нархларининг кескин ошиши кузатилди.

Шу муносабат билан, ёқилғи нархларининг ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархига ҳамда мамлакатнинг ташки савдодаги нисбий афзаллигига таъсирини баҳолаш мақсадида **“Ёқилғи нархлари**

ўзгаришининг мамлакат рақобатбардошлигига таъсири” мавзусида эмпирик тадқиқот ўтказилди.

Бундан ташқари, Корея банки билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда пул-кредит сиёсати ва трансмиссион механизм” бўйича ҳамкорликдаги тадқиқот иши амалга оширилди. Ушбу тадқиқот доирасида операцион механизмнинг инфляцион таргетлаш режими стандартларига мувофиқлиги хорижий мутахассислар иштирокида баҳоланди, инструментлар тўпламига киритилиши лозим бўлган ўзгартиришлар муҳокама қилинди, трансмиссион механизм фоиз каналининг самарадорлиги бир қатор эконометрик моделлар ёрдамида таҳлил қилинди ва пул-кредит сиёсати бўйича қабул қилинадиган қарорларнинг иқтисодиётга самарали трансмиссиясини таъминлаш йўналишида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шунингдек, 2021 йилнинг август ойидан жорий этилган асосий истеъмол товарлари **нархларини онлайн кузатиш** (НОК) тизими имкониятлари янада кенгайтирилиб, нархларни тўплаш, умумлаштириш ва гуруҳлаштириш жараёнлари тўлиқ инсон омилисиз автоматик тарзда ишлаши йўлга қўйилди.

Хисобот йилида Халқаро валюта жамғармасининг “Пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмини такомиллаштириш” мавзусида техник кўмак дастури жалб этилган бўлиб, фоиз канали самарадорлигини оширишда пул-кредит операцияларига киритилиши зарур бўлган ўзгартиришлар ва фоиз канали таъсир доирасини кучайтириш йўналишлари муҳокама этилди.

Шу билан бирга, Марказий банкнинг макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш салоҳиятини янада ошириш ҳамда замонавий эконометрик моделларни жорий этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, пул-кредит сиёсати соҳасида макроиқтисодий прогнозларни амалга оширишда фойдаланиладиган Чораклик прогнозлаштириш моделини (QPM) янада такомиллаштириш ишлари давом эттирилди. Бунда, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг техник кўмаги доирасида Чехиянинг “OGResearch” консалтинг компанияси билан ҳамкорликда ушбу моделнинг қамров кўламини кенгайтириш ҳамда унга кредит ва ташқи сектор блокларини қўшиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг техник кўмаги доирасида Чехиянинг “OGResearch” консалтинг компаниясидан апрель-ноябрь ойлари давомида **“Банк тизими ликвидлигини таҳлил ва прогноз қилиш”** бўйича техник кўмак жалб этилди.

Бунда, банк тизими умумий ликвидлигини омиллар асосида таҳлил қилиш салоҳиятини ошириш, ликвидликнинг кунлик прогнозини амалга оширишда замонавий эконометрик моделларни қўллаш, хусусан, нақд пул билан боғлиқ амалиётларнинг умумий ликвидликка таъсирини ARIMA модели ёрдамида прогноз қилиш йўлга қўйилди.

Инфляция даражасини қисқа муддатли прогноз қилишда BVAR моделидан фойдаланиш йўлга қўйилиб, 2021 йилда дастлабки прогноз натижалари эълон қилинди. Кейинги йилларда ушбу моделни тўлиқ жорий қилиш ҳамда ўтган даврдаги инфляция омилларини таҳлил қилиш учун VECM моделларидан тўлиқ функцияда фойдаланиш бўйича чоралар кўрилади.

Иқтисодий сиёsat самарадорлигини таҳлил қилиш, асосий иқтисодий кўрсаткичларнинг бир-бирига боғлиқлигини эмперик таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш мақсадида Динамик стохастик умумий мувозанат модели (DSGE)ни жорий этиш бўйича Швецария Марказий банкининг молиявий қўмагини жалб этган ҳолда консалтинг компанияни ёллаш бўйича келишувга эришилди.

8.6. Кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини такомиллаштириш

Ҳисбот йилида кредит ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи тизимини янада такомиллаштириш, Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига (МХХС) ўтишни жадаллаштириш ҳамда ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобвақлар режасини МХХСга мувофиқлаштириш ҳамда банклар томонидан амалга оширилаётган операцияларни банк ҳисобвақларида акс эттириш орқали маълумотнинг фойдалилигини ошириш мақсадида тижорат банкларида **бухгалтерия ҳисобининг ҳисобвақлар режаси қайта ишлаб чиқилди**.

Мазкур ҳисобвақлар режасида банк хизматлари кўламини кенгайтириш ҳамда банк операциялари бўйича бошқарув ва молиявий ҳисоб учун операциялар ҳисобини аниқроқ юритишга имкон берувчи қуйидаги:

Марказий банк тезкор тўловлар тизими ва клиринг тизимлари орқали амалга оширилган тўловлар;

Марказий банк ҳамда бошқа банк ва молиявий ташкилотларга жойлаштирилган депозитлар;

Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан жалб қилинган маблағлар;

аккредитив ва кафолатлар, давлат дастурлари бўйича ажратилган маблағлар;

электрон пуллар, ишончли бошқарувга қабул қилинган молиявий активлар, мижозларнинг металл ҳисобварақлари;

QR-онлайн ахборот тизими орқали келиб тушган тушумлар;

лизинг ва банк карталари бўйича амалга оширилган операциялар бўйича воситачилик ҳақлари, валюта қолдиқларини қайта баҳолашдан олинган фойда ва зарарлар;

чет эл валюталари билан спот операциялари, депозитар ячейкалар ҳисобини юритиш бўйича янги ҳисобварақлар киритилди.

Бундан ташқари, айрим турдаги операциялар бўйича бухгалтерия ҳисобини юритишни белгилаган З та меъёрий хужжат нормалари ушбу ҳисобварақлар режасига илова сифатида киритилиб, банк ходимларига ягона хужжат билан ишлаш имконияти яратилди.

Банклар томонидан бухгалтерия ҳисоб ва ҳисботини МХХСга мувофиқлаштириш борасида тижорат банкларининг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисботларига қўйиладиган талаблар тасдиқланди. Мазкур хужжатга асосан:

банклар томонидан эълон қилинадиган молиявий ҳисбот Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунига ва МХХСга мувофиқ бўлиши шартлиги;

банклар ўзларининг ҳисоб сиёсатига фақат амалдаги қонунчилик ёки МХХС ўзгаргандагина ўзгартиришлар киритишлари мумкинлиги;

банкларнинг йиллик молиявий ҳисбот шаклларида очиб бериладиган ахборотларнинг тузилишига қўйиладиган талаблар МХХС билан тартибга солиниши белгиланди;

банклар томонидан ҳисоб сиёсатини ҳар йили мажбурий қайта кўриб чиқиш бўйича талаб бекор қилинди;

МХХСга мувофиқ банкларнинг молиявий ҳисбот шаклларининг намунавий шакли тасдиқланди;

МХХСда ўз аксини топган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботига оид Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг б та норматив хужжати бекор қилинди.

8.7. Комплаенс-назорат ва ички аудит фаолияти

Ҳисобот йилида Марказий банкнинг Аудиторлик қўмитаси эътибори ташқи ва ички аудит фаолиятини назорат қилиш, молиявий ҳисбботларни тайёрлаш ҳамда Марказий банкда ички назорат ва рискларни бошқариш тизимлари самарадорлигини оширишга оид масалаларга қаратилди.

Комплаенс-назорат ва ички аудит хизматини ташкил этиш режасига мувофиқ, Марказий банк тасарруфидаги корхоналар ҳамда барча худудий бош бошқармаларда ички аудит текширувлари ўтказилди.

Мазкур текширувларда молиявий ҳисбботларнинг ишончлилиги, активлар бутлиги, қонунчилик ва ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя этилиши масалалари билан бир қаторда бошқарувга оид жараёнлар, фаолият самарадорлиги ҳамда иш жараёнларида юзага келиши мумкин бўлган операцион рискларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ички аудит натижаларига қўра аниқланган хато-камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар тасдиқланиб, уларнинг ижроси тўлиқ таъминланди.

Ҳисобот йилида ички аудит фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида халқаро тажрибани ўрганиш ҳамда ходимлар малакасини ошириш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилди.

Жумладан, Жаҳон банки, Жанубий Корея, Россия ва Қозогистон марказий банклари томонидан ташкил этилган ички аудит, риск менежменти ҳамда фаолият самарадорлигини оширишга оид ўқув семинарларида тегишли мутахассислар иштироки таъминланди.

Ички аудит фаолиятига халқаро стандартларни жорий этиш, рискка асосланган аудит методологиясини ҳамда ички аудит сифатини ошириш мақсадида Халқаро валюта жамғармасининг **техник қўмаги миссиясини** жалб қилиш бўйича келишувга эришилди.

Комплаенс-назорат йўналишида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”га мувофиқ фаолият олиб борилди.

Жумладан, комплаенс-назорат тизимига оид қатор ички меъёрий хужжатлар, яъни “Коррупцияга қарши курашиш сиёсати”, “Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бошқариш сиёсати”, “Одоб-ахлоқ қоидалари”нинг янги таҳрири, “Коррупцияга қарши комплаенс назорат тизими тўғрисида” низом ҳамда “Вазирлик ва идоралар билан коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби” ишлаб чиқилди.

Комплаенс-назорат йўналишида халқаро тажрибаларни ўрганиш мақсадида Бирлашган миллатлар ташкилотининг тараққиёт дастури ҳамда халқаро KPMG компанияси экспертлари иштирокида семинар ташкил этилиб, тизим ходимларининг малака ва кўникмалари шакллантирилди. Бундан ташқари, Россия Федерацияси Марказий банки билан ҳамкорликда онлайн-семинар ташкил этилиб, коррупцияга қарши курашиш иш услубиёти ва амалиёти бўйича тажриба алмашилди.

Комплаенс-назорат фаолиятини амалга оширувчи ходимларнинг касбий малакасини ошириш мақсадида Марказий банкнинг 30 нафар ходимлари “ISO:37001 стандарти бўйича коррупцияга қарши курашишни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш учун мутахассисларни тайёрлаш” дастурини мувафақиятли якунлаб, тегишли сертификатлар олди.

2022-2026 йилларда амалдаги норматив-хукуқий хужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш Режа-графигига асосан “Банк фаолиятига оид норматив-хукуқий хужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш Режаси” ишлаб чиқилди.

IX. ИЛОВАЛАР

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг макроиктисодий кўрсаткичлари*
 (жорий нархларда)

Кўрсаткичлар	2021 йил	
	ҳажми, млрд.сўмда	реал ўсиши, фоизда
Ялпи ички маҳсулот	734 587,7	107,4
Саноат маҳсулоти ҳажми	451 633,9	108,7
Истеъмол моллари ишлаб чиқариш	152 042,8	113,5
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	317 781,6	104,0
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	244 962,6	105,2
Қурилиш ишлари ҳажми	107 447,6	106,8
Чакана савдо айланмаси	249 493,3	112,0
Хизматлар, жами	218 853,5	119,2
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ доллари	42 071,6	116,0
Экспорт	16 610,6	110,0
Импорт	25 461,0	120,4
Ташқи савдо айланмаси сальдоси, млн. АҚШ доллари	-8 850,4	x

* Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотлари асосида

2-жадвал

МДХ давлатларининг 2021 йилдаги ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари*
 (ўтган йилга нисбатан)

Кўрсаткичлар	Ўзбекистон	Россия	Қозогистон	Хитой	Туркия
Ялпли ички маҳсулот, фоизда	107,4	104,7	104,0	108,1	111,2
Саноат маҳсулоти ҳажми, фоизда	108,7	104,6	103,8	108,2	116,8
Кишилгок хўжалик маҳсулотлари ҳажми, фоизда	104,0	98,7	97,6	107,1	97,8
Инфляция, фоизда	110,0	108,4	108,4	100,9	136,1
Ташки савдо айланмаси, млрд. АҚШ доллари	42,0	789,4	101,5	6 050,0	496,7
Экспорт, млрд. АҚШ доллари	16,6	493,3	60,3	3 360,0	225,4
Импорт, млрд. АҚШ доллари	25,4	296,1	41,2	2 690,0	271,4

* Милий статистика хизматлари кўрсаткичлари асосида

З-ЖАДВАЛ

2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг асосий савдо хамкорлари билан амалга оширган
экспорт-импорт операциялари*

Давлатлар	Экспорт		Импорт		Ташки савдо айланмаси	
	Млн. АҚШ доллари	улуши, фоизда	Млн. АҚШ доллари	улуши, фоизда	Млн. АҚШ доллари	улуши, фоизда
Жами	16 610,6	100,0	25 461,0	100,0	42 071,6	100,0
<i>ишу жумладан:</i>						
Хитой	2 518,7	15,2	4 922,1	19,3	7 440,8	17,7
Россия	2 058,8	12,4	5 458,1	21,4	7 516,9	17,9
Қозоғистон	1 172,1	7,1	2 738,4	10,8	3 910,5	9,3
Түркия	1 690,0	10,2	1 698,2	6,7	3 388,2	8,1
Корея	51,8	0,3	1 837,6	7,2	1 889,4	4,5
Кирғизистон	791,1	4,8	161,5	0,6	952,6	2,3
Германия	70,4	0,4	692,3	2,7	762,7	1,8
Украина	231,6	1,4	472,4	1,9	704,0	1,7
Афғонистон	649,4	3,9	6,1	0,02	655,5	1,6
Токикистон	500,8	3,0	103,6	0,4	604,4	1,4
АҚШ	59,3	0,4	365,3	1,4	424,6	1,0
Беларусь	58,6	0,4	318,7	1,3	377,3	0,9
Латвия	52,8	0,3	175,1	0,7	227,9	0,5
Япония	12,4	0,1	156,8	0,6	169,2	0,4

* Давлат статистика кўмитасининг дастлабки маълумотлари асосида

4-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси кредит ташкилотлари
таркибий бўлинмалари сони**

	01.01.2021 й.	01.01.2022 й.
1. Кредит ташкилотлари, жами*	160	177
<i>шу жумладан:</i>		
Тижорат банклари, шундан:	32	33
Давлат улуши мавжуд банклар	13	12
Бошқа банклар	19	21
Нобанк кредит ташкилотлари, шундан:	128	144
Микрокредит ташкилотлари	63	70
Ломбардлар	64	73
Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари	1	1
2. Тижорат банклари филиаллари, жами	861	860
3. Банк хизматлари марказлари (хизмат оғислари ва мини-банклар)	1 222	1 244
4. 24/7 шохобчалари	1 452	2 287

* Тижорат банклари ҳамда нобанк кредит ташкилотларининг хорижий давлатларда филиаллари мавжуд эмас

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари
 (2022 йил 1 январь ҳолатига)

Банклар	Актив		Кредит кўйилмалари колдики		Капитал		Мирд. сўм Депозитлар колдики
	Суммаси улуши, фоизда	Суммаси улуши, фоизда	Суммаси улуши, фоизда	Суммаси улуши, фоизда	Суммаси улуши, фоизда	Суммаси улуши, фоизда	
Жами	444 922,5	100,0	326 385,6	100,0	70 917,6	100,0	156 189,8
Давлат угуши мавжуд банклар	362 421,9	81,5	280 073,6	85,8	57 695,2	81,4	104 248,0
Давлат угуши бўлмаган банклар	82 500,6	18,5	46 311,9	14,2	13 222,4	18,6	51 941,8

б-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тиҷорат банклари фаолиятининг
асосий кўрсаткичлари ўзгариши**

Кўрсаткичлар	01.01.2021 й.			01.01.2022 й.			Номинал ўчиш, фоизда	Милрд. сўм ўчиши (алмашув курси тасири чиқариб ташланганда), фоизда
	жами	шундан, хорижий валютада	улуси, фоизда	жами	шундан, хорижий валютада	улуси, фоизда		
Активлар	366 121,1	183 927,2	50,2	444 922,5	215 414,6	48,4	21,5	19,6
Кредит кўйилмалари колдиги	276 974,8	138 106,4	49,9	326 385,6	162 662,7	49,8	17,8	15,9
Депозитлар колдиги	114 746,9	49 428,5	43,1	156 189,8	60 611,7	38,8	36,1	34,4
Капитал	58 351,3	335,3	0,6	70 917,6	346,8	0,5	21,5	21,5

7-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимиning таққослама кўрсаткичлари

		Млрд. сўм	
		01.01.2021 й.	
		шундан:	01.01.2022 й.
Kўрсаткичлар	Жами	Жами	шундан:
	Жами давлат улуши мавжуд банклар	давлат улуши бўлмаган банклар	давлат улуши мавжуд банклар
Активларнинг мажбуриятларга нисбати, фоизда	119,0	118,8	119,9
Активлар	366 121,1	307 794,6	58 326,5
Мажбуриятлар	307 769,9	259 136,9	48 632,9
Кредит кўйилмаларининг депозитларга нисбати, фоизда	241,4	302,0	99,8
Кредитлар	276 974,8	242 632,4	34 342,4
Депозитлар	114 746,9	80 339,5	34 407,4

8-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тикорагт банкларининг капитал миқдори бўйича гурӯҳланиши

		Жами				шулардан:			
Кўрсаткичлар	Банклар сони	100 млрд. сўмгача	100 дан 300 млрд. сўмгача	300 дан 500 млрд. сўмгача	500 млрд. сўмдан 1 трлн. сўмгача	1 трлн. сўмгача	2 трлн. сўмгача	2 трлн. сўм ва ундан юкори	
		Миқдори, млрд. сўм	Банклар улуси, сони фоизда	Банклар улуси, сони фоизда	Банклар улуси, сони фоизда	Банклар улуси, сони фоизда	Банклар улуси, сони фоизда	Банклар улуси, сони фоизда	
01.01.2021 йил холатига									
Жами капитал	32	58 351,3	1	0,1	9	2,3	5	2,9	4
шундан, устав капитали	32	44 655,8	1	0,2	14	4,3	5	3,9	4
01.01.2022 йил холатига									
Жами капитал	33	70 917,6	2	0,1	8	1,8	5	2,6	2
шундан, устав капитали	33	54 760,0	2	0,2	11	2,8	7	4,7	3
								4,4	3
								8,2	7
								17,3	8
								76,0	79,7

9-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлар майдори бўйича гурӯхланиши
 (2022 йил 1 январъ холатига)

Кўрсаткичлар	Жами		Активлар майдори бўйича гурӯхлаштирилган тижорат банклари таксимоти				млрд. сўм
	банклар сони	сумма	3 трлн. сўмгача	3 дан 10 трлн. сўмгача	10 дан 30 трлн. сўмгача	30 трлн. сўмдан юкори	
	банклар сони	сумма	банклар сони	сумма	банклар сони	сумма	банклар сони
Активлар							
Активлар	33	444 922,5	14	12 652,6	7	42 233,1	7
Кредитлар	33	326 385,6	14	7 304,8	7	21 753,9	7
Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	33	69 496,2	14	2 657,1	7	4 615,6	7
Юридик шахсларга ажратилган кредитлар	33	256 889,4	14	4 647,7	7	17 138,3	7
Киска муддатли кредитлар	33	33 399,3	14	1 493,4	7	5 106,3	7
Узок муддатли кредитлар	33	292 986,2	14	5 811,5	7	16 647,6	7
Миллий валютадаги кредитлар	33	163 722,9	14	5 481,4	7	13 059,1	7
Чет эл валютасидаги кредитлар	33	162 662,7	14	1 823,4	7	8 694,8	7
Капитал ва молиявий натижалар							
Капитал	33	70 917,6	14	2 800,5	7	7 207,3	7
Капитал етарлилиги кўрсаткичи, фоизда	33	17,5	14	18,7	7	19,1	7
Соф фойда	33	3 885,3	14	38,9	7	1 479,3	7
Активлар даромадлилги, фоизда	33	1,3	14	1,0	7	5,0	7
Капитал даромадлилги, фоизда	33	6,1	14	1,5	7	23,0	7
Мажбуриятлар							
Аҳоли омонаатлари	33	37 305,9	14	3 369,9	7	5 352,6	7
Юридик шахслар депозитлари	33	118 884,0	14	4 264,0	7	21 595,2	7

10-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари

млрд. сўм

Асосий кўрсаткичлар	2020 йил декабрь	2021 йил декабрь
Регулятив капиталнинг таваккалчиликни хисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати, фоизда	18,4	17,5
Жами регулятив капитал	58 164,3	70 191,1
Таваккалчиликни хисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси	316 811,3	401 104,8
I даражали капиталнинг таваккалчиликни хисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати, фоизда	15,2	14,6
I даражали капитал	48 143,4	58 624,2
Таваккалчиликни хисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси	316 811,3	401 104,8
Захиралар чегирилган ҳолдаги муаммоли кредитлар ва микроқарзларнинг регулятив капиталга нисбати, фоизда	3,6	13,1
Захиралар чегирилган ҳолдаги муаммоли кредитлар ва микроқарзлар	2 098,2	9 186,2
Жами регулятив капитал	58 164,3	70 191,1
Муаммоли кредитлар ва микроқарзларнинг жами кредитлар ва микроқарзларга нисбати, фоизда	2,1	5,1
Муаммоли кредитлар ва микроқарзлар	5 784,8	16 974,0
Жами кредитлар ва микроқарзлар	280 727,9	330 863,2
Активлар рентабеллиги, фоизда	2,2	1,3
Солиқ тўлангунга қадар соф фойда	6 960,6	5 350,6
Активларнинг умумий суммаси (давр учун ўртacha)	315 322,0	397 406,8
Капитал рентабеллиги, фоизда	10,3	6,1
Соф фойда	5 642,2	3 885,3
Жами капитал (давр учун ўртacha)	54 819,7	63 657,7
Фоизли маржанинг ялпи даромадга нисбати, фоизда	54,3	49,0
Фоизли маржа	14 048,4	16 595,4
Ялпи даромад	25 849,9	33 846,3
Фоизсиз харажатларнинг ялпи даромадга нисбати, фоизда	45,1	47,1
Фоизсиз харажатлар	11 661,9	15 942,1
Ялпи даромад	25 849,9	33 846,3
Ликвид активларнинг жами активларга нисбати, фоизда	15,4	18,6
Ликвид активлар	56 264,3	82 873,5
Активларнинг умумий суммаси	366 121,1	444 922,5
Ликвид активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати, фоизда	39,9	46,9
Ликвид активлар	56 264,3	82 873,5
Қисқа муддатли мажбуриятлар	141 169,4	176 642,0
Жами I даражали капиталнинг активларнинг умумий суммасига нисбати, фоизда	13,1	13,2
I даражали капитал	48 143,4	58 624,2
Активларнинг умумий суммаси	366 121,1	444 922,5

11-ЖАДВАЛ

Ўзбекистон Республикаси тикораг банкларининг муаммоли кредитлари

Млрд. сўм

Сана	Кредитлар			Муаммоли кредитлар			Муаммоли кредитларниң жами кредитлардаги улуши, фоизда шундан:		
	Жами	Давлат улуши мавжуд банклар	Давлат улуши бўлмаган банклар	Жами	Давлат улуши мавжуд банклар	Давлат улуши бўлмаган банклар	Жами	Давлат улуши мавжуд банклар	Давлат улуши бўлмаган банклар
01.01.2021 й.	276 974,8	244 483,9	32 490,9	5 784,8	5 167,6	617,2	2,1	2,1	1,9
01.01.2022 й.	326 385,6	280 073,6	46 311,9	16 974,0	15 068,8	1 905,2	5,2	5,4	4,1

12-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси банк тизимиning
даромадлилик кўрсаткичлари**

млрд. сўм

Банк тизими даромад ва харажатлари	01.01.2021 й.	01.01.2022 й.
Фоизли даромадлар	37 066,9	47 391,6
Фоизли харажатлар	23 018,5	30 796,2
Фоизли маржа	14 048,4	16 595,4
Фоизсиз даромадлар	11 801,4	17 250,9
Фоизсиз харажатлар	3 516,4	4 944,3
Операцион харажатлар	8 145,5	10 997,8
Фоизсиз даромад (зарар)	139,5	1 308,8
Кредит ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган заарларни баҳолаш	6 354,4	12 221,0
Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган заарларни баҳолаш	873,0	332,6
Солиқ тўлангунга қадар соф фойда (зарар)	6 960,6	5 350,6
Фойда солигини тўлаш харажатлари	1 318,4	1 465,3
Соф фойда (зарар)	5 642,2	3 885,3

Банк тизими даромадлик кўрсаткичлари	2021 йил	2022 йил
Солиқ тўлангунга қадар соф фойданинг жами активларга нисбати (ROA)	2,2	1,3
Соф фойданинг жами капиталга нисбати (ROE)	10,3	6,1
Соф фоизли даромадларнинг жами активларга нисбати	3,8	3,7
Кредитлар бўйича олинган соф фоизли даромадларнинг жами кредит қўйилмаларига нисбати	5,1	5,1
Соф фоизли даромадларнинг жами мажбуриятларга нисбати	4,6	4,4
Соф фоизли маржанинг жами активларга нисбати	4,5	4,2

13-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг капитал етарлилиги кўрсаткинлари

	01.01.2021 й.		01.01.2022 й.
Кўрсаткичлар	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм улуши, фоизда
I даражали капитал	48 140,5	82,8	58 624,2 83,5
Асосий капитал	48 027,7	82,6	58 428,9 83,2
Кўнимча капитал	112,8	0,2	195,4 0,3
II даражали капитал	10 021,5	17,2	11 566,8 16,5
Жами регулятив капитал	58 162,0	100,0	70 191,1 100,0
<i>Капитал монандлик дарожаси, фоизда</i>	<i>18,4</i>		<i>17,5</i>
<i>I даражасали капитал монандлик дарожаси, фоизда</i>	<i>15,2</i>		<i>14,6</i>

14-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ликвидилик кўрсаткичлари

	Кўрсаткичлар номи	01.01.2021 й.	01.01.2022 й.
Юкори ликвидли активларниң жами активларга нисбати (жами), фоизда	14,2	17,7	
<i>миллӣ валютада, фоизда</i>	11,06	17,14	
<i>хорижий валютада, фоизда</i>	16,56	17,15	
Ликвидликини копланш меъёри коэффициенти (жами), фоизда (минимал талаб - 100 фоиз)	224,5	189,6	
<i>миллӣ валютада, фоизда</i>	157,0	217,0	
<i>хорижий валютада фоизда</i>	309,9	167,6	
Соф баркарор молиялаштириш меъёри (жами), фоизда (минимал талаб - 100 фоиз)	109,9	115,4	
<i>миллӣ валютада, фоизда</i>	113,0	119,0	
<i>хорижий валютада, фоизда</i>	107,2	111,8	
Лахзали ликвидлилк коэффициенти, фоизда (минимал талаб - 25 фоиз)	67,4	99,3	

15-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит кўйилмаларининг тармоклар бўйича таснифи

	01.01.2021 й.	01.01.2022 й.		Ўтган йилга нисбатан, фоизда
Кўрсаткичлар	Млрд. сўм	Улуси, фоизда	Млрд. сўм	Улуси, фоизда
Жами кредитлар	276 974,8	100,0	326 385,6	100,0
Саноат	102 162,4	36,9	117 638,5	36,0
Кипплок хўжалиги	28 080,5	10,1	35 022,4	10,7
Курилиш соҳаси	7 380,3	2,7	9 281,8	2,8
Савдо ва умумий хизмат	19 916,2	7,2	27 406,0	8,4
Транспорт ва коммуникация	26 626,0	9,6	28 708,1	8,8
Моддий ва техник табминотни ривожлантириш	3 962,1	1,4	3 814,4	1,2
Уй-жой коммунал хизмати	3 759,0	1,4	2 284,1	0,7
Жисмоний шахслар	54 887,7	19,8	69 496,2	21,3
Бошқа соҳалар	30 200,5	10,9	32 734,1	10,0
				8,4

16-жадвал

2021 йилда тикорат банклари томонидан худудларда экспортёр корхоналарга ажратылган кредитлар

Худудлар	Ажратылған кредитлар			Шундан,		Млрд. сүм
	СОНИ	СУММАСИ	СОНИ	СУММАСИ	СОНИ	
Жами	4 076	34 053,2	2 135	15 388,8	1 941	18 664,4
Коракалпогистон Республикаси	45	233,5	20	193,6	25	39,9
Андижон вилояти	272	2 266,2	158	1 210,4	114	1 055,7
Бухоро вилояти	233	2 931,5	112	1 293,2	121	1 638,3
Жиззах вилояти	62	1 119,7	31	762,1	31	357,6
Кашкадарё вилояти	87	1 219,3	47	530,2	40	689,1
Навоий вилояти	69	957,1	26	221,0	43	736,1
Наманган вилояти	334	1 666,2	246	950,9	88	715,3
Самарқанд вилояти	254	1 790,1	124	1 061,4	130	728,7
Сурхондарё вилояти	102	1 983,9	45	675,0	57	1 308,8
Сирдарё вилояти	94	629,9	34	271,1	60	358,7
Тошкент вилояти	181	1 650,7	88	875,5	93	775,2
Фарғона вилояти	258	1 368,2	117	568,1	141	800,1
Хоразм вилояти	125	863,7	65	494,0	60	369,7
Тошкент шаҳри	1 960	15 373,4	1 022	6 282,3	938	9 091,1

17-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозитлари ва депозит сертификатлари таснифи

Млрд. сўм

Муддат бўйича:					
Сана	Жами	Талаб килиб олингунча	1 кундан 30 кунгача	31 кундан 180 кунгача	181 кундан 365 кунгача
01.01.2021 й.	114 746,9	49 152,8	6 081,3	14 207,4	13 749,2
<i>Жушии, фоизда</i>	100,0	42,8	5,3	12,4	12,0
01.01.2022 й.	156 189,8	66 129,4	5 290,7	18 779,7	20 825,7
<i>Жушии, фоизда</i>	100,0	42,3	3,4	12,0	13,3

18-жадвал

Пул массаси ва унинг таркиби

Кўрсаткичлар	01.01.2021 йил		01.01.2022 йил		Ўтган йилга ниисбатан, фоизда
	Млрд. сўм	Улуси, фоизда	Млрд. сўм	Улуси, фоизда	
Пул массаси (M2), жами	107 603,9	100,0	140 183,8	100,0	130,3
<i>ишу жисумладан:</i>					
Муомаладаги нақд пуллар (M0)	24 920,3	23,2	28 656,9	20,4	115,0
нақд пулсиз маблағлар	82 683,5	76,8	111 526,9	79,6	134,9
<i>иундан:</i>					
миллий валютага	48 177,9	44,8	66 162,0	47,2	137,3
чет эл валютасида	34 505,6	32,1	45 364,8	32,4	131,5

19-жадвал

Резерв пуллар ва унинг таркиби

	01.01.2021 йил	01.01.2022 йил	Үтган йилга нисбатан, фоизда
Кўрсаткичлар	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм улуши, фоизда
Резерв пуллар, жами	46 876,8	100,0	60 132,6
<i>ишу жумладан:</i>			
Марказий банкдан ташқаридаги нақд пуллар	27 798,8	46,2	32 791,8
банкларниң вакилик хисобварагидаги маблағлари	17 253,1	28,7	25 014,4
банкларниң маҷбурий заҳиралардаги маблағлари	1 546,8	2,6	2 107,3
Марказий банк мижозларининг депозитлари	278,2	0,5	219,1
			0,4
			78,7

20-жадвал

**Тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган
банк пластик карталари сони**

Худудлар	01.01.2021 й.	01.01.2022 й.	Үтган йилга нисбатан, фоизда
Жами	25 775 662	27 105 785	105,2
Қорақалпоғистон Республикаси	1 524 363	1 343 876	88,2
Андижон вилояти	1 701 230	1 740 461	102,3
Бухоро вилояти	1 381 460	1 273 471	92,2
Жиззах вилояти	724 339	760 993	105,1
Қашқадарё вилояти	2 134 958	1 721 897	80,7
Навоий вилояти	915 136	876 168	95,7
Наманган вилояти	1 374 199	1 408 855	102,5
Самарқанд вилояти	2 195 561	2 000 123	91,1
Сурхондарё вилояти	1 369 827	1 210 295	88,4
Сирдарё вилояти	658 333	613 339	93,2
Тошкент вилояти	1 424 985	1 856 959	130,3
Фарғона вилояти	2 123 529	2 037 446	95,9
Хоразм вилояти	1 076 919	1 078 914	100,2
Тошкент шаҳри	7 170 823	9 182 988	128,1

21-жадвал

**Савдо ва хизмат кўрсатиш субъектларига
ўрнатилган тўлов терминаллари сони**

Худудлар	01.01.2021 й.	01.01.2022 й.	Ўтган йилга нисбатан, фоизда
Жами	438 410	433 384	98,9
Қорақалпоғистон Республикаси	26 699	23 929	89,6
Андижон вилояти	24 873	24 790	99,7
Бухоро вилояти	32 092	29 852	93,0
Жizzах вилояти	14 789	13 107	88,6
Қашқадарё вилояти	27 920	26 457	94,8
Навоий вилояти	19 029	19 244	101,1
Наманган вилояти	22 639	21 804	96,3
Самарқанд вилояти	33 345	31 705	95,1
Сурхондарё вилояти	20 692	19 496	94,2
Сирдарё вилояти	12 093	11 945	98,8
Тошкент вилояти	40 877	39 518	96,7
Фарғона вилояти	35 079	33 066	94,3
Хоразм вилояти	22 290	21 513	96,5
Тошкент шаҳри	105 993	116 958	110,3

22-жадвал

**Республика худудларида ўрнатилган банкомат
ва инфокиосклар сони**

Худудлар	01.01.2021 й.	01.01.2022 й.	Ўтган йилга нисбатан, фоизда
Жами	11 800	12 940	109,7
Қорақалпоғистон Республикаси	490	492	100,4
Андижон вилояти	531	559	105,3
Бухоро вилояти	675	743	110,1
Жizzах вилояти	286	300	104,9
Қашқадарё вилояти	573	620	108,2
Навоий вилояти	384	423	110,2
Наманган вилояти	589	616	104,6
Самарқанд вилояти	894	949	106,2
Сурхондарё вилояти	611	630	103,1
Сирдарё вилояти	274	263	96,0
Тошкент вилояти	564	722	128,0
Фарғона вилояти	1 080	1 185	109,7
Хоразм вилояти	454	489	107,7
Тошкент шаҳри	4 395	4 949	112,6

23-жадвал

**2020-2021 йилларда тўлов терминаллари орқали
амалга оширилган тўловлар суммаси**

млрд. сўм

Худудлар	2020 йил давомида	2021 йил давомида	Ўтган йилга нисбатан, фоизда
Жами	81 000,0	111 136,9	137,2
Қорақалпоғистон Республикаси	3 635,7	3 829,2	105,3
Андижон вилояти	4 170,2	4 843,5	116,1
Бухоро вилояти	3 971,3	3 672,1	92,5
Жizzах вилояти	1 738,4	1 673,5	96,3
Қашқадарё вилояти	4 891,1	4 788,0	97,9
Навоий вилояти	3 009,8	3 188,6	105,9
Наманган вилояти	3 081,5	3 013,9	97,8
Самарқанд вилояти	4 671,5	4 926,2	105,5
Сурхондарё вилояти	2 896,5	3 043,6	105,1
Сирдарё вилояти	1 478,1	1 526,5	103,3
Тошкент вилояти	5 125,1	5 605,4	109,4
Фарғона вилояти	4 897,0	5 202,4	106,2
Хоразм вилояти	2 913,9	2 880,6	98,9
Тошкент шаҳри	34 519,7	62 943,4	182,3